O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KIZIL PALATASI INV. №

Kuch — bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI *

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 13-dekabr, shanba | № 100 (7605)

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси тўғрисида

АХБОРОТ

11 декабрь куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси ўз ишини бошлади.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, марказий ташкилотлар раҳбарлари, чет давлатлар элчилари, дипломатик корпус, мамлакатимиз ва хориж оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлган.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқармоқда.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи — Котибиятни ташкил этди, кун тартибини тасдиқлади.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилди.

— Мен бугун Олий Мажлисимиз сессияси кун тартибига киритилган муҳим бир масала, яъни ҳукуматимизнинг бошқарувида ўзгариш қилиш масаласи бўйича ўз фикрларимни билдириб, сиз, халқ ноиблари билан маслаҳатлашиб олмоқчиман. Ҳаммангиз яхши тушунасиз, яхши англайсиз, азиз дўстлар, биз қандай шиддатли, тез ўзгариб бораётган даврда яшамоқдамиз, — деди Президентимиз.

Ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган қандай ўта мураккаб ва оғир муаммоларни ечишга тўғри келяпти. Айни вақтда ана шу муаммоларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш, элюртимизнинг эртанги кунини, фаровон ҳаётини таъминлаш вазифалари барчамиздан қандай ҳушёр ва сергак бўлишимизни, масъулиятимиз ва жавобгарлигимизни оширишни талаб қилади.

Бугун ким қаерда, қайси лавозимда ишламасин — қуйи, ўрта ва юқори — барча бўғинларда раҳбарлик лавозимида ўтирган шахслар ҳозирги замон олдимизга қўяётган бундай юксак талабларни ўз мисолида сезаяпти, кўраяпти.

Мамлакатимизда бугун барпо этилган, юқоридан пастгача бўлган ижро тизимини ягона ва яхлит бир система, деб қабул қилсак, бу тизимнинг энг юқори бошқарув поғонаси бўлмиш Ўзбекистон ҳукумати, унинг раҳбари ва аъзолари зиммасига қандай юксак масъулият юкланаётганини англаш қийин эмас.

Ҳеч шубҳасиз, эл-юртимиз, Ўзбекистонимиз кейинги йилларда нимаики натижа ва ютуқларга эришган бўлса, буларнинг барчасида ҳукуматимизнинг муносиб ҳиссаси бор, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз. Лекин, шу билан бирга, биз фақат қўлга киритган ютуқлар билан чегараланмасдан, ўз фаолиятимизга, қўйган қадамларимиз ва эришган марраларимизга танқидий баҳо беришимиз керак. Ва йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларда, ҳаётимизда мавжуд бўлган етишмовчиликларда ҳар қайсимиз ўз

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ш.М.Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Шавкат Миромонович Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 10 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ў.Т.Султоновни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида

Ўткир Тўхтамуродович Султонов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин ҳамда унга машинасозлик, қора ва рангли металлургия, нефть ва газ, геология, электроэнергетика, кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқариш, шунингдек, стандартлаштириш ва метрология, давлат ва сафарбарлик заҳиралари тармоқларига раҳбарлик қилиш юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 10 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ў.Т.Султоновни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири вазифасидан озод этиш тўғрисида

Ўткир Тўхтамуродович Султонов бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 10 декабрь

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШДА *янги босқич бошланади* 7-бет

ЎЗБЕКИСТОН МАДҲИЯСИ – МУҚАДДАС ҚАДРИЯТ 11-бет

«БОБУРНОМА» КРОССВОРДИ 16-бет

ТАНЛОВДА ИЖОДКОР МУАЛЛИМЛАР КАШФ ЭТИЛАЯПТИ

«Yil o'qituvchisi — 2003»

"Йил ўқитувчиси — 2003" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар босқичи ғолиблари шу йилнинг 10 декабри куниёқ танловнинг биринчи босқичидаги вазифаларни бажаришга киришдилар. Даставвал иштирокчилар РТМ фойесида ўзлари тайёрлаган кўргазмали ўқув қуроллари, рефератлари ва дарс ишланмаларини ҳакамлар ҳайъати аъзолари, ОАВ ходимлари, илғор ўқитувчилар ҳамда меҳмонлар эътиборига ҳавола этишди. Шунингдек, вилоятлар босқичи ғолибларининг танловга тақдим этган видеодарслари ҳакамлар ҳайъати ва эксперт комиссияси томонидан таҳлил қилинди. Сўнгра иштирокчилар билан миллий истиқлол ғояси ва моҳияти бўйича суҳбат ўтказилиб, уларнинг компьютер саводхонлиги синалди.

— Муаллим ҳар соҳадан хабардор бўлиши зарур ва шарт, — дейди Халқ таълими вазирлиги бош мутахассиси, ташкилий қўмита аъзоси Турсуной Абдуллаева. — Чунки у ўргатувчи — устоз. Шу маънода кейинги йилларда танлов шартлари қаторига ўқитишнинг замонавий технологияси ва компьютер сабоқлари юзасидан ҳам саволлар киритилаётир. Янгича талаблар ўқитувчиларимизнинг умумий савияси қай даражада ошиб бораётгани, замонавий қоида-талабларга қанчалик мослигини аниқлаш имконини бераяпти.

Дарҳақиқат, "Йил ўқитувчиси" кўрик-танловларида муаллимларнинг билим ва маҳоратлари бир неча босқичда ҳар жиҳатдан синалаяпти. Хўш, вилоятларнинг илғор ўқитувчилари бу йилги кўрик-танловга қандай ўзига хос тайёргарлик билан келишди? Иштирокчилар беллашувга руҳан тайёрми? Иштирокчи нотаниш синфда бутун маҳоратини қўллаб, дарс ўта олармикан? Ҳар ҳолда нотаниш синфда маромига етказиб, машғулот олиб боришнинг ўзи бўлмайди.

Очиғи, биз беллашув жараёнини таҳлил қилиб, Миробод туманидаги 110-мактабда ўтказилган очиқ дарсларда иштирок этиб, ҳадик ва хавотирларимиз бироз ноўрин эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Чунончи, иштирокчилар биринчи босқич вазифаларини моҳирлик билан уддалашди.

Иккинчи босқичда ҳам муаллимлар билимларини қилич, маҳоратларини қалқон қилиб ишга киришдилар. Натижада ҳар бир дарс қизиқарли ва жозибали тарзда ўтди. Энг асосийси, беллашув қатнашчилари ва 110-мактаб ўқувчилари бир-бирларини тезда англаб олишди.

— Дарс — ўқитувчи билан ўқувчининг биргаликдаги ижоди, — дейди "Йил ўқитувчиси — 2002" республика кўрик-танлови ғолиби, Мирзо Улуғбек туманидаги 121-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, ҳакамлар ҳайъати аъзоси Иродахон Ҳамидова. — Шундай бўлса-да, машғулотнинг муваффақиятли чиқиши дарс лойиҳаси меъмори — муаллимга кўпроқ боғлиқ бўлади.

(Давоми 4-бетда)

2004 yilning dekabrida Oliy Majlisimizga bo'lib o'tadigan yangi saylovlardan keyin hozirgi vaqtda Prezident rahbarlik qilayotgan Vazirlar Mahkamasini boshqarish vazifasi Bosh vazir zimmasiga yuklanadi.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси тўғрисида

АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

масъулиятимизни холисона кўришимиз ва англашимиз зарур, деди Юртбошимиз.

Ана шундай ҳали-бери ечилмаган масалалар ҳақида сўз юритар эканмиз, мени шахсан, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги соҳаси, умуман, қишлоқ ҳаётида бундай муаммоларнинг кўплиги қийнайди.

Албатта, бунинг негизида объектив сабаблар бор ва очиғини айтишимиз керак, уларнинг барчасини ечиш учун ҳозирча бизнинг имконият ва салоҳиятимиз етишмай турибди.

Лекин, бир нарсани тан олиш керак: қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш, соҳа инфратузилмасини ривожлантириш, бу ерда яшайдиган, аҳолимизнинг камида 60 фоизини ташкил этадиган одамларнинг муаммоларини, қийинчилик ва етишмовчиликларини ҳал қилиш, қишлоқда ҳаёт даражаси ва маданиятни юксалтириш учун ҳали жуда кўп иш қилишимиз керак.

Такрор-такрор айтишга тўғри келади: биз оғир табиий шароитда, иқлим кескин ўзгариб, сув ресурслари танқис бўлиб, ер унумдорлиги пасайиб бораётган бир вазиятда жуда катта машаққатли меҳнат эвазига ҳосил олишга эришмоқдамиз, деб таъкидлади Президентимиз.

Табиийки, биз кўпдан буён қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, унинг долзарб муаммоларини ечиш тўғрисида бош қотирамиз. Агар ўз вақтида шу масалаларни, яъни бозор иқтисодиёти талаб этаётган янгича мулкий муносабатлар, аввало, ерга эгалик ҳиссиётини шакллантириш, ер унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини замонавий техника билан таъминлаш, фермер ва деҳқон хўжаликларига кенг йўл очиб бериш, уларни қўллаб-қувватлаш, умуман қишлоқ хўжалиги тизимини бугунги кун даражасига кўтариш чорасини кўрмас эканмиз, эртага бундан ҳам кўпроқ муаммоларга дучор бўламиз. Биз раҳбар бўлиб, бу муаммоларнинг кўлами кенгайиб бораётганини пайқамасак, уларга тик қараш ўрнига ўзимизни улардан олиб қочиш кайфиятига берилиб кетсак, бу пировард натижада яхши оқибатга олиб келмайди. Бу борада охирги вақтда биз қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ муаммоларни ечиш масаласига жуда кўп эътибор бераётганимиз ва шу бўйича муҳим фармон ва қарорларни қабул қилганимиз сизларга яхши маълум.

Бугун мен шу муаммолар қаторида фақатгина бир масалага урғу бермоқчиман, деди давлатимиз раҳбари. Яъни, қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқариш масаласига эътиборингизни қаратмоқчиман. Шу соҳани бошқарадиган одамларга юксак масъулият билан бирга етарли ваколат ҳам бермасак, ўз-ўзидан аёнки, вазиятни сезиларли даражада ўзгартиришга эриша олмаймиз. Қишлоқ хўжалигини бошқариш, қишлоқ муаммоларини ечиш вазифалари ва масъулияти бугунги кунда кўпроқ жойлардаги вилоят ва туман ҳокимларининг зиммасига тушмоқда. Бу ерда нафақат деҳқончилик маданиятини ошириш, агротехникани юксалтириш, янги-янги технологияларни жорий қилиш масалалари, шу билан бирга, қишлоқда яшайдиган одамларнинг оғирини енгил қилиш, содда қилиб айтганда, қишлоқ аҳолисининг ташвишларини яқиндан билиб, улар билан ҳамдард бўлиб яшаш ана шу вилоят ва туман ҳокимлари, ширкат раҳбарлари зиммасида эканини биз яхши биламиз.

Бу ҳақиқат, лекин шу билан бирга, яна бир ҳақиқат борки, уни ҳам тан олиш керак. Яъни, жойлардан Марказга қўйилаётган талабларнинг вазирликлар, ҳукумат идоралари ва керак бўлса, ҳукуматнинг ўзида ҳал қилиниши жуда кўп ҳолларда қийин кечади ва пайсалга солинади. Лўнда қилиб айтганда, бу масалаларни ечишда Марказда, ҳукуматимизда зарур даражада масъулият етишмайди.

Очиқ эътироф этишимиз лозим — жойлардаги аҳволдан, қишлоқ одамларининг кундалик эҳтиёжларидан хабардор бўлиш, улар қўядиган масалаларни ечиш бизда қандайдир мавсумий бир одатга айланиб қолган, десам, айни ҳақиқат бўлади. Яъни, биз қишлоқ ҳаётини асосан кўкламги экиш даврида ва ҳосилни йиғиб олиш пайтида кўпроқ Марказдан туриб кузатамиз ва назорат қиламиз.

Шуни ҳеч қачон унутмаслигимиз зарурки, қишлоқ хўжалиги билан ҳар куни шуғулланиш керак. Қишлоқ ҳаётида учрайдиган катта ёки кичик масала бўладими, даромад ёки буромад бўладими, уларнинг ичига кириб бориш даркор. Ва бу иш мавсумий тадбирларни эмас, кескин ва қатъий чоралар кўришни талаб қилади, деди мамлакатимиз раҳбари.

Биз яна бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак: қишлоқ хўжалигининг унумдорлиги, унинг самараси, оладиган даромад ва фойдаси нафақат қишлоқда меҳнат қилаётган одамларни таъминлайди, балки, барчамиз яхши тушунамиз, бу соҳанинг таъсири бутун иқтисодиётимизда сезилади ва, керак бўлса, шу соҳага алоқадор бўлган барча-барча тармоқларни иш билан таъминлайди. Бу эса охир-оқибатда бутун иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатларини белгилайди.

Ҳаммамизга яхши маълумки, биз кейинги йилларда ҳукуматимизда қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқарадиган Бош вазир ўринбосари лавозимида кўп-кўп одамларни синадик, шу вазифага кўпгина раҳбарлар келиб кетди. Лекин вазият эскича қолмоқда.

Бугун Бош вазир лавозимида ишлаб келаётган Ўткир Тўхтамуродович Султонов бу борада қўлидан келганича ҳаракат қилаётганини ҳам айтишимиз лозим. Бу инсон ўзига юклатилган вазифага нисбатан масъулияти, меҳнатсеварлиги, бошқарувчилик малакаси, одамларга, ён-атрофдагиларга муносабати билан ҳар қандай ҳурматга сазовор.

Лекин, шуни ҳам тан олишимиз керакки, бу раҳбаримизнинг асосан индустрия-саноат соҳасини, авваламбор, юртимизда жойлашган катта-катта корхоналарнинг ишини ташкил қилишда кўпроқ тажрибаси бор. Қишлоқ хўжалиги соҳаси, қишлоқ муаммолари, уларни ўз вақтида узоқни кўзлаб ҳал қилиш масалалари эътибордан четда қолмоқда, десак, бу ҳам ҳақиқат.

Биз юқорида зикр этилган муаммоларни атрофлича кўриб чиқиб, бамаслаҳат бир хулосага келдик: Султоновни Бош вазир муовини лавозимига, яъни бугунги ҳукуматимиздаги иш тақсимоти бўйича машинасозлик, металлургия, химия, энергетика, нефть ва газ, геология ва шу каби тармоқларни бошқарадиган раҳбарлик вазифасига ўтказишга келишиб олдик. Бош вазир лавозимига эса кўп ўйлаб, мавжуд вазиятни инобатга олган ҳолда, аввало, ҳудудларимиздаги шароитни яхши биладиган, шу жойларда ишлаётган одамларнинг дарду ташвишлари, орзу-интилишларидан хабардор бўлган, буларнинг барчасини ўз тажрибаси, ўз ҳаётидан ўтказган одамни тайинлаш маъқул, деган хулосага келдик.

Куни кеча Олий Мажлис Кенгаши ва шу масалага алоқадор бўлган тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари билан маслаҳатлашиб, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига Самарқанд вилоятининг ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Шавкат Миромонович Мирзиёев номзодини таклиф этишга қарор қилдик, деди Президентимиз.

Бу борада яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Маълумки, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 93- ва 98-моддаларига биноан 2004 йилнинг декабрида Олий Мажлисимизга бўлиб ўтадиган янги сайловлардан кейин ҳозирги вақтда Президент раҳбарлик қилаётган Вазирлар Маҳкамасини бошқариш вазифаси Бош вазир зиммасига юкланади.

Бундай ўзгаришлар жараёни ўз навбатида ҳукумат аъзоларига ҳам ўта мураккаб ва масъулиятли вазифаларни юклайди. Шу боис ҳукумат бу вазифаларни самарали адо этиш учун ҳозирлик кўриши ва ўз масъулияти, ўз жавобгарлигини оширишга тайёр бўлиб туриши даркор.

Энг муҳими, аввало, иш услубларини ўзгартириш ва замон талабларига мослаштириш, демократик андозаларга риоя қилиш, тез ўзгариб бораётган ҳаёт суръатларига муносиб бўлиш, бир сўз билан айтганда, эл-юртимиз ишончини қозониш учун ҳукуматимиз бор куч ва тажрибасини, бутун борлиғини сафарбар қилиши керак.

Бугун сессиямиз кун тартибига қўйилган мана шу масала бўйича, яъни ҳукуматимизнинг Бош вазирини тайинлаш тўғрисидаги Президент Фармонини қўллаб-қувватлайсиз, деб ишонч билдиришга рухсат бергайсиз, деди давлатимиз раҳбари сўзининг охирида.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифини Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, Олий Мажлиснинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Э.Воҳидов, Самарқанд давлат университети ректори Р.Холмуродов, Бухоро вилояти ҳокими С.Ҳусенов, Ургут тумани ҳокими Х.Нуруллаев, «Пахта-банк» акционерлик тижорат банки бошқаруви раиси Қ.Тошматов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.Йўлдошев ўз чиқишларида қўллаб-қувватлади.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тайинлаш тўғрисидаги ҳамда Ў.Султоновни Бош вазир ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида молия вазири М.Нурмуродов маъруза қилди. Бу масала юзасидан Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Каримов қўшимча маъруза қилди.

Мамлакатимизнинг келгуси йил учун асосий молиявий ҳужжати муҳокамасида Амударё тумани ҳокими Р.Йўлдошев, парламентнинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари К.Йўлдошев, Қўрғонтепа тумани ҳокими М.Қосимов, Муҳиддин Қориёқубов номидаги академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси директори Ў.Саиджонов, Наманган вилоятидаги «Осиё» агрофирмаси бош директори Н.Қурбонбоев иштирок этди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджетини маъқуллади ва тегишли қарор қабул қилди.

«Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси М.Умаралиев депутатлар эътиборига ҳавола этди.

Қонун лойиҳаси муҳокамасида «Ўзбекинвест» миллий компанияси Фарғона вилояти бўлими директори А.Мўминов, «Андижондонмаҳсулот» акционерлик бирлашмаси раиси Б.Жалолов, Навоий тумани ҳокими Э.Бердиев, Урганч қурилиш касб-ҳунар коллежи директори И.Бойжонов, «Ўзмахсуссувдренаж» уюшмаси бошқаруви кенгаши раиси Б.Мамадалиев қатнашди.

Парламент «Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»ги қонунни маъқуллади ва уни амалга киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сессияда Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини депутатлар эътиборига тақдим этди. Мазкур ҳужжат муҳокамасида Хива тумани ҳокими М.Мадаминов, Тошкент шаҳридаги «Фармед» хусусий фирмаси бош директори Д.Тошмуҳамедова, Сариосиё тумани ҳокими П.Мадиев, Хатирчи туманидаги Акмал Икромов номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Э.Қаҳҳоров иштирок этди.

Депутатлар янги таҳрирдаги «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисида қарор қабул қилди. Парламент сессияси биринчи кунининг кечки мажлиси Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси М.Умаралиевнинг «Хусусий корхона тўғрисида»ги қонун лойиҳасига оид маърузаси билан бошланди. Ушбу ҳужжат муҳокамасида «Бухоро-турист» акционерлик жамияти раиси М.Зокиров, «Фарғонанефттехкимёмонтаж» масъулияти чекланган жамият бошқаруви раиси Р.Жалилов, Андижон шаҳри ҳокими А.Собиров иштирок этди. Парламент «Хусусий корхона тўғрисида»ги қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

«Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И.Кочмарик тақдим этди. Тошкент давлат аграр университетининг «Ахборот технологиялари» кафедраси мудири А.Абдураҳимов, «Фарғонаазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори А.Абдуллаев, Поп тумани ҳокими Р.Исматуллаев, Термиз шаҳридаги 2-ўрта мактаб директори Р.Каттаева чиқишларидан сўнг депутатлар «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сессияда Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа қўмитаси раиси ўринбосари С.Солиев «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига ҳавола этди.

Мазкур ҳужжат муҳокамасида Бухоро шаҳри ҳокими К.Камолов, «Ўзқишлоқмаш-холдинг» компанияси бошқаруви раиси Р.Матчонов, Шаҳрихон туманидаги Т.Саримсоқов номли ширкат хўжалиги раиси У.Бозорбоев, Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг Хоразм вилоят уюшмаси раҳбари Г.Ибодуллаева, «Новатор» ишлаб чиқариш бирлашмаси директорлар кенгаши раиси А.Матвеев иштирок этди. Депутатлар ушбу қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисида қарор қабул қилди. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси 12 декабрда ўз ишини давом эттиради.

Saxiy inson Azimjon Saydaliev Buloqboshi tumanidagi 14-maktab internatga o'z daromadi hisobidan 100. ming so'm pul hadya qildi.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси тўғрисида

АХБОРОТ

x x x

Тошкентда 12 декабрь куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Сессияни Олий Мажлис раиси Э.Халилов бошқарди.

Парламент сессияси ишининг иккинчи куни «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш билан бошланди. Уни депутатлар эътиборига Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа қўмитаси раиси И.Кочмарик ҳавола этди.

Ушбу ҳужжат муҳокамасида Қоракўл тумани ҳокими А.Раҳмонов, «Шўртаннефтгаз» шўъба корхонаси бошлиғи О.Муродов, Сурхондарё вилояти офтальмология шифохонаси бош шифокори Р.Муҳаммадиев, Ўзтелерадикомпаниянинг «Ўзбекистон» телеканали бош директори А.Аъзам иштирок этди. Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа қўмитаси раиси ўринбосари С.Солиевнинг маърузаси бўйича депутатлар «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилди. Самарқанд давлат университети ректори Р.Холмуродов, Ғузор тумани ҳокими Х.Бозоров, Қўқон шаҳридаги тиббиёт коллежи директори З.Охунова, «Бухоросувқурилиш» акционерлик жамияти раиси ўринбосари Э.Ҳайдаров мазкур ҳужжат бўйича ўз фикрларини билдирди. Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафаева «Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини сессияда кўриб чиқиш учун тақдим этди. Ушбу масала юзасидан муҳокама чоғида Қамаши тумани марказий шифохонаси бош шифокори А.Ғофуров, Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси раиси Ш.Салимова, «Урганчёғ» очиқ турдаги акционерлик жамияти директори ўринбосари К.Хўжамуродов, Ўзбекистон туманидаги 30-мактаб директори М.Анварова, Наманган вилоятидаги Норин-Сирдарё ирригация кўл тизими бошқармаси бўлими мудири Х.Сайдуллаев ўз фикрини билдирди. Парламент ушбу қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Сессияда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов депутатлар эътиборига тақдим этди. Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамасида Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў.Ҳошимов, Наманган давлат университети ректори Т.Файзуллаев, Ургут тумани ҳокими Х.Нуруллаев қатнашди.

Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов Олий Мажлиснинг қатор қўмиталари ва комиссиялари номидан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини сессияда кўриб чиқиш учун депутатлар эътиборига ҳавола этди ва мазкур қонун қабул қилинди.

Сессияда депутатлар Бухоро, Навоий, Наманган, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларининг туман маъмурий-ҳудудий тузилмаларини тугатиш ҳамда Навоий вилоятининг Навоий тумани чегараларини кенгайтириш ва номини ўзгартириш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Парламент Олий Мажлис сессияси Котибияти раҳбари Д.Тошмуҳамедованинг фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар тўғрисидаги ахборотини тинглади.

Олий Мажлис қатор халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарорларини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Ф.Муҳиддинованинг таклифига биноан Олий суд таркибига ўзгартишлар киритилди.

Шунингдек, депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси М.Абдусаломовнинг таклифига кўра Олий хўжалик суди таркибига ҳам ўзгартишлар киритди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси ўз ишини якунлади.

ҲИММАТ

Зангиота туманидаги «Иттифоқ» қишлоқ фуқаролар йиғинида фойдаланишга топширилган 320 ўринли янги мактаб биносида фан кабинетлари, ўқув лабораториялари, компьютер зали бор. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун етарлича шароит яратилган.

Мазкур билим маскани «Дамачи» балиқчилик хўжалиги ҳамда туман тадбиркорлари маблағи ҳисобидан барпо этилди.

Уларнинг ёрдамида бу йил вилоятда 12 замонавий спорт мажмуаси қуриб фойдаланишга топширилди, 38 спорт иншооти, 76 спорт зали таъмирланди.

Ўзлигини англаган инсон, халқ борки, енгилмасдир. Унинг қаддини букиб, руҳиятини синдириб бўлмайди. Бу туйғу эса бола қалбига тарих фанини чуқур ўргатиш орқали сингдирилади.

Шайхонтоҳур туманидаги 20-мактабнинг тажрибали тарих фани ўқитувчиси Мастура Йўлдошева мана 37 йилдирки, айни мақсадни олдига қўйиб дарс ўтишга интилади. Тарих фанининг ҳуқуқшунослик фани билан уйғунликда, интеграциялашган ҳолда ўтилиши эса ўқувчидаги ҳар иккала фанни ўрганишга ўзида эҳтиёж сезишга омил бўлади. Зеро, ҳар қандай тарихий бурилишлар даври халқнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини таниши билан бошланган.

Суратда: тажрибали ўқитувчи Мастура Йўлдошева 9-синф ўқувчиларига ҳуқуқшунослик фанидан дарс бермоқда.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат

Elim deganlar

Саховатпешалик, камтаринлик ва ишбилармонлик халқимизнинг азалий фазилатларидан саналади. Бугунги кунда ишбилармонлиги асосида ўз даромади ҳисобидан боғча, мактаблар қурдираётган, меҳр шафқат уйларига, ночор оилаларга беғараз ёрдам бераётган жуда кўп камтарин инсонларни биламиз.

Яқинда ҳамқишлоғимиз, сахий инсон Азимжон Сайдалиев Булоқбоши туманидаги 14-

ЎҚУВЧИЛАР ХУРСАНД БЎЛИШДИ

мактаб-интернатга ўз даромади ҳисобидан 100. минг сўм пул ҳадя қилди. Бу пулга ўқувчилар учун янги телевизор, спорт ва ошхона анжомлари сотиб олинди. Мактаб-интернат жамоаси бу ишдан жуда хурсанд бўлдилар.

Биз қишлоғимиздаги саховатпеша, самимий инсонлар ишларига омад ёр бўлишини ва уларнинг сафи янада ошишини тилаймиз.

Салимжон АСРАНОВ,
Булоқбоши туманидаги
14-мактаб-интернат
инглиз тили ўқитувчиси

«ГУЛЛАСИН БАХТ-ИҚБОЛИНГ»

Мирзо Улуғбек туманидаги 171-мактабда бахтимиз қомуси ҳисобланган Конституциянинг 11 йиллигига бағишланган "Гулласин бахт-иқболинг" номли катта тадбир ва семинар бўлиб ўтди. Тадбирда мактаб ўқувчилари томонидан ижро этилган Она Ватанимизга, Конституцияга аталган шеър ва қўшиқ, саҳна кўринишлари томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди. Байрам кечаси давлатимиз мадҳиясининг ижроси билан бошланди. Бу тадбирга М. Улуғбек тумани судьяси Х. Холбоев, Ўзбекистон Миллий Университетининг тарихшунос олимаси Ш. Ўлжаевалар ўз маърузалари ва берилган саволларга жавоблари билан иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Шунингдек, туман ҳокимиятининг вояга етмаганлар билан ишлаш бўлими раҳбари Ҳусниддин Исмоилов, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Ширмоной Асрановалар ҳам ўзларининг Қомусимиз ҳақида қизиқарли нутқлари, тилаклари билан қатнашдилар. Шу мактабда таълим олаётган ўқувчилар тадбирда ўзларининг Конституцияни ифода этувчи реферат ва фотокўргазмалари билан иштирок этдилар.

МУХБИРИМИЗ

"БОЗОРДАГИ БОЛАЛАР"
уларнинг қандай ҳуқуқи бор
("Ma'rifat" 2003 йил 15 ноябрь)

Газетамизнинг мазкур сонида "Маърифат"нинг махсус мухбири Шерзод Аҳматовнинг шу номли мақоласи эълон қилинган эди. Мақола юзасидан Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар прокуратурасидан жавоб олинди. Унда шундай дейилган:

"Маърифат" газетасининг жорий йил 15 ноябрь сонида чоп этилган "Бозордаги болалар" сарлавҳали мақоласи асосида қайд этилган ҳолатлар бўйича Акмал Икромов тумани прокуратураси томонидан "Фарҳод деҳқон бозори"да текшириш ўтказилди.

Ҳақиқатдан ҳам текширув жараёнида мақолада кўрсатилган ҳолатлар тасдиқланди, "Фарҳод деҳқон бозори" маъмурияти томонидан бозор ҳудудида вояга етмаганларни ноқонуний равишда аравакашлик фаолияти билан шуғулланиб келишларига йўл қўйилган.

"Ma'rifat"ga javob beradilar

Текширув натижасига кўра, А.Икромов туман прокуратураси томонидан туман ИИБ ҳамда "Фарҳод деҳқон бозори" маъмуриятига аниқланган қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан тегишли таъсир чоралари қўлланилди.

С.А.АЛИБОЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси вояга етмаганлар ҳақидаги қонунларнинг ижросини назорат қилиш бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчиси,
1 даражали юрист

ИЛК ҚАЛДИРҒОЧЛАР

Куни кеча Ўзбекистон кўзи ожиз ва заиф болалар ҳамда ёшларни реаблитация қилиш бўйича "Паноҳ шуъласи" жамғармасида республикамиз бўйича илк маротаба икки ойлик курсни тугатган 31 нафар тифлапедагог битирувчига сертификат топширилди.

Тадбирда турли интернатлардан Мавлуда Икромова, Нэла Абдураҳмонова, Тамара Саидакбарова каби малакали ўқитувчилар ҳам иштирок этишди. Бундан ташқари "СОРОС" ваколатхонасидан ҳам вакиллар қатнашдилар.

Тадбирнинг асосий ташкилотчиси, жамғарма директорининг ўринбосари Ҳадича Ризаева нафақат бугун, балки йил давомида нуқсони бор, ногирон болаларни унутмаслик, иложи борича уларга ёрдам бериш лозимлигини куюнчаклик билан айтиб ўтди. Тадбир давомида жамғарма директори Содиқ Ҳасановни суҳбатга тортдик.

— Ютуқ-камчиликлар, келгусида режалаштирилган ишлар ҳақида фикр юритар эканмиз, бугунги 31 нафар битирувчилар жамғарманинг илк қалдирғочларидир. Жамғармани тузиш ташаббуси 1997 йилдан бошланган эди. Ниҳоят у 2000 йил 18 июлда ташкил этилди. "ЮНИСЕФ" ва "СОРОС" ваколатхоналари ёрдамида 2002—2003 йилларда жамғарма учун муҳим бўлган ўқув қўлланмалари яратилди, бу жамғарманинг ютуқларидир.

Нодира ХОЛМИРЗАЕВА,
ЎзМУ журналистика факультети 2-курс талабаси

Ko'pchilikning hukmiga havola etayotgan ushbu muammo echimini topsa, o'zimizga yaxshi bo'lardi. Axir, xalqimiz nimani eksang, shuni o'rasan, deb bejiz aytmagan-ku!

ТАНЛОВДА ИЖОДКОР МУАЛЛИМЛАР КАШФ ЭТИЛАЯПТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жорий йилнинг 11—12 декабрь кунлари иштирокчиларнинг очиқ дарсларини кузатиб, бу фикрларнинг нақадар

тўғри айтилганига барча амин бўлди. Чинданам, беллашув иштирокчилари танловнинг муҳим шарти — очиқ дарсдан юқори балл олиш мақсадида ижодкорликларини тўла намоён этишди. Очиқ дарсда ўқитишнинг турли ноанъанавий, интерфаол усулларини, янги педагогик технологияларни қўллашди, кўргазмали ўқув қуролларидан, тестлардан, бошқотирмалардан самарали фойдаланишди. Жараённи янада жонлантириш учун фан янгиликларига оид мисоллар келтиришди. (Газетамизнинг келгуси сонларида очиқ дарслар тафсилотлари навбатма-навбат атрофлича ёритилади).

— Вилоятлардан ғолиб сифатида келган ўқитувчиларнинг танловнинг биринчи босқичи топшириқларини зийраклик билан бажаришларидан, шу қаторда очиқ дарсларга ижодий ёндашишларидан хурсанд бўлдик, — дейди Ўзбекистон Республикаси ХТВ умумий ўрта таълим бош бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи, ҳакамлар ҳайъати раиси муовини Шукур Пўлатов. — Бундан шундай хулоса қилиш мумкин: кўрик-танловда энг сара, энг ижодкор ўқитувчилар иштирок этишаяпти. Энг муҳими, ҳар бир қатнашчининг ўзига хос тажрибаси, ўқувчини билимлар сари йўналтира оладиган услуби борлиги маълум бўлмоқда.

Иштирокчилар маҳоратининг ўзига хос жиҳатларини ҳакамлар ҳайъати ва эксперт комиссияси аъзолари, ОАВ ходимлари қайд этишди. Барибир, танлов ўз номи билан танлов. Бугун РТМ мажлислар залида бўлиб ўтадиган "Йил ўқитувчиси — 2003" республика кўрик-танлови қатнашчиларининг касбий ва бадиий маҳоратларининг саҳнадаги намойишидан сўнг совринли ўринлар эгаларининг номлари эълон қилинади. Омад эса энг, энг, энг билимдон ва маҳоратли иштирокчиларгагина кулиб боқади. (Танлов жараёни хусусидаги батафсил ҳисоботни газетамизнинг навбатдаги сонида ўқийсиз).

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
"Ma'rifat"нинг махсус мухбири

Суратларда: "Йил ўқитувчиси—2003" республика кўрик-танлови жараёнидан лавҳалар акс этган.

Бурҳон РИЗО олган суратлар

Siz nima deysiz?

НИМАНИ ЭКСАК, ШУНИ ЎРАМИЗ!

Шаҳар йўналишларидан бирида қатнаётган "РАФ" русумли хусусий транспорт ҳайдовчиси йўл ҳақи учун 100 сўм пул тўлай олмаган мактаб ўқувчиси — ёшгина болакайни машинасидан тушириб юборди.

Йўловчиларнинг таъкидлашларича, шаҳар йўловчи транспортида бу одатий ҳолдир. Мактабга шошилаётган ёки мактабдан уйига қайтаётган бошланғич ва юқори синф ўқувчилари ёнларидан ғиз-ғиз ўтиб кетаётган автоуловларга умидсизлик билан қўл силкиб қолаверадилар. Тўғри, ҳайдовчиларнинг айримлари машинасини атай тўхтатиб, болакайларни манзилларига олиб кетишади. Лекин аксарият уларда атиги 100 сўм пул топилмаслигини ўйлаб, болакайлар ёнидан ғизиллаб ўтиб кетаверадилар.

Шундай экан, аслида унчалик аҳамиятсиздек туюлган ушбу ҳолга — болакайнинг йўловчи сифатидаги ҳолатига бироз эътибор қилайлик. Тўғри, баъзи кишилар пулсиз йўлга чиққан болакайнинг ота-онасини айблашади. Бир жиҳатдан бу ҳам тўғридир. 100 сўм пул ота-она учун анқонинг уруғи эмасдир, ахир! Лекин баъзан ота-оналарни ҳам тушунишга тўғри келиб қолади.

Аммо, барибир, гап бунда эмас. Гап болакай ва ҳайдовчи ўртасидаги муносабатга бориб тақалаверади. 100 сўм пули бўлмаганлиги учун машинасидан тушириб юборган ҳайдовчини болакай асло хотирасидан ўчирмайди. Унда алам, ўч ҳислари шакллана бошлайди. Ҳозирча "DAMAS"да юришга 100 сўм тополмаган аламзада болакай, улғайгач, қўлидан иш келадиган бўлгач "DAMAS"чиларнинг ҳаммасига ўз муносабатини билдирмаслигига ким кафолот беради?

Кейинги пайтларда баъзи болакайлар, яъни чўнтагида 100 сўм пули борлари бир шумликни ўйлаб топишди. Яъни 100 сўмлик пулни қўлларида тутиб, баланд кўтарганича ҳайдовчига кўрсатадиган бўлдилар. Ҳайдовчи ҳам болакай қўлидаги пулни кўрибоқ таққа тўхтайди, денг!

Афсуски, ушбу ҳол — болакайнинг ҳайдовчи билан пул воситасида муносабат ўрнатиши, умуман, уларнинг кўчадаги эрталабки аҳволлари ҳозирча ҳеч кимни ташвишга солмаётир.

Нима учун? Шунинг учунки, бугун катталардан раҳнамолик ва рўшнолик кўрмай ўсган бола феъли эртага айнан шу хислатлардан холи ҳолда шаклланиши мумкин. Бошқача айтганда, болакай аламзадалик гирдобида ўсиб улғаяди, жамият учун, ўзгалар учун фойдаси кам, худбин киши бўлиб етилади — ҳамма нарсани пулга чақадиган бўлиб қолади.

Хўш, бундан ким ютиб, ким ютқазади?

Шундай экан, мактаб ёшидаги, айниқса, бошланғич синф ўқувчисининг мактабга шаҳар хусусий йўловчи транспортида бепул бориб-келиш имкониятини яратишнинг бирор иложи йўқмикан? Эҳтимол, ушбу масала бўйича хусусий транспорт эгалари уюшмалари раҳбарлари бир ўйлаб кўришар. Эҳтимол, бу масалага иқтисодий бақувват корхоналар эътиборини тортиб, ҳомийлик масаласини ўртага ташлаш керакмикан?

Ҳар ҳолда, кўпчиликнинг ҳукмига ҳавола этаётган ушбу муаммо ечимини топса, ўзимизга яхши бўларди. Ахир, халқимиз нимани эксанг, шуни ўрасан, деб бежиз айтмаган-ку!

С.ҲУСАИНОВ,
Самарқанд вилояти

КОНСТИТУЦИЯДА ҚАДРИЯТЛАР ВА ҲУҚУҚНИНГ ИЖТИМОИЙ ҚИММАТИ

Давлатимизнинг Асосий Қонуни бўлган Конституциямиз ўн бир йил мобайнида жамиятимиз, давлатимиз ва халқимизнинг янги жамият ва фаровон ҳаёт қуришга қаратилган масъул ва мураккаб фаолиятига, интилишига ҳуқуқий асос ва пойдевор бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Таъкидлаш ўринлики, Асосий қонунимиз ўзида асрлар оша авлоддан авлодга ўтиб келган умуминсоний қадриятларни, жаҳон халқларининг эркинлик, тенглик ва ижтимоий адолат учун олиб борган узоқ ва машаққатли курашининг натижалари ҳисобланмиш давлат-ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий қадриятларни ўзида мужассам этганлиги билан ажралиб туради.

Маълумки, Конституция ҳар бир давлатнинг энг олий мақомга эга нуфузли ҳуқуқий ҳужжати сифатида, ўзида ўша давлатнинг ижтимоий-сиёсий институтларини мустаҳкамлаб қолмасдан, балки жамиятнинг ва унда истиқомат қиладиган аҳолининг умумий ривожланиши, жумладан, ҳуқуқий-сиёсий ривожланиш даражасини ҳам кўрсатади.

Бундан ташқари, Асосий қонунда мустаҳкамланган умуминсоний қадриятлар орқали халқнинг руҳи, орзу-умидлари, интилиш ва шижоати ҳам ўзининг ифодасини топади.

Конституциямизнинг яратилишига бош-қош бўлган Президентимиз Ислом Каримовнинг таъкидлашларича, "...ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир. Шу маънода Асосий Қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради".

Маъяумки, Конституция давлатнинг ҳуқуқ тизимига пойдевор, асос, манба бўлиб хизмат қилади, унинг қоида ва меъёрлари асосида кейинги қонунчилик шаклланади, ривожланади. Конституцияда мустаҳкамланган умуминсоний, ижтимоий-сиёсий ва давлат-ҳуқуқий қадриятлар амалдаги ҳуқуқ тизимида ўзининг давомини, ифодасини топади.

Бинобарин, Конституциямиздаги энг муҳим қадриятлардан бири бу адолат принципидир, бу принцип давлатимиз ҳуқуқ тизимининг барча таркибий қисмларига сингдирилгандир. Зеро, ҳуқуқнинг ижтимоий моҳияти унинг адолат ўлчови эканлигида ҳамдир. Чунки ҳуқуқ жамиятда адолатлилик, ҳақлик ўлчови сифатида амал қилиб, унинг бу жиҳати, хусусан, моддий бойликларни тақсимлашнинг тўғрилигини таъминлашда кўринади.

Умуман олганда, қадимданоқ ҳуқуқнинг адолат мезони эканлигига қаттиқ эътибор беришган, ҳуқуқийлик билан адолатлилик тушунчаси бир - бирига боғлиқ ҳолда талқин этилган. Амир Темурнинг давлатнинг олиб борадиган сиёсати адолатга асосланиши кераклиги ҳақидаги фикрлари фақат эълон этилибгина қолмай, балки ҳаётга татбиқ этилганлигига тарих гувоҳ. Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурларнинг адолатли қонунлар ҳақидаги фикрлари ва амалий ишлари халқимизнинг адолатга, тартиботга бўлган интилишларининг ифодаси бўлган дейиш мумкин.

Асосий қонунимизда шарқона, исломий қадриятлар ҳам ўзининг ифодасини топган. Дарҳақиқат, Конституциямиз Президентимиз таъкидлагандек "...умумий мазмунидан тортиб оддий бир бандига қадар, Хўжа Аҳмад Яссавий бобомиз даврида, буюк Амир Темур замонида шаклланган миллий тафаккурни, муқаддас исломий қадриятларни ўзида акс эттиради. Шу қўҳна замон одамлари кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик, тантилик каби улуғ хислатлар бу муборак ҳужжатдан муносиб ўрин олган."

Конституциямизнинг бу жиҳатлари ҳам амалдаги қонунларимиз руҳига сингдирилган, хусусан, ҳуқуқнинг инсонга хизмат қилиши, ўзида инсон манфаатларини ифодалаши, унинг гуманистик характери конституциявий қадриятлардан келиб чиққандир.

Ҳуқуқ ўзининг юқорида қайд этилган, конституциявий идеяларга асосланган жиҳатлари орқали жамиятнинг, давлатнинг олға қараб ҳаракат қилишини, равнақ топишини таъминлайди. Ҳуқуқ нафақат мавжуд ижтимоий муносабатларни тартибга солади, балки жамият учун керак бўлган муносабатларнинг ривожланишига, кенг тарқалишига ҳам хизмат қилади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришиб, янги демократик жамият қуриш йўлини танлагач, жамиятимизда конституциявий ғоялар асосида кўплаб ижобий ижтимоий -ҳуқуқий қадриятлар вужудга келди. Улар сиёсий, давлат-ҳуқуқий амалиётимиздан, халқнинг қалбидан муносиб ўрин эгаллади ва ҳозирги кунда ҳаётимизда позитив роль ўйнамоқда.

Ҳуқуқий қадриятлар — ижтимоий муносабатларни самарали тартибга солишга, жамиятда қонун устуворлиги ва адолат тантана қилишига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари собитқадамлик билан таъминланишига, юксак ҳуқуқий онг ва маданият шаклланишига хизмат қиладиган ҳуқуқий ҳодисалардир.

Шундай қилиб, Конституциямизда мустаҳкамланган қадриятлар, инсоний ғоялар, қонунчиликка, ҳуқуқ тизимига маънавий асос бўлиб хизмат қилади. Бинобарин, ҳуқуқнинг қадр-қиммати унинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари мезонини белгилашида, ижтимоий адолатни таъминлашнинг самарали воситаси сифатида майдонга чиқишида, фуқароларнинг, бутун жамиятнинг илғор ижобий талаб-эҳтиёжларини ва манфаатларини қондиришга хизмат қилишида намоён бўлади.

Азиз РАҲМОНОВ,
ТДЮИ 2-курс талабаси

Шундай касб эгалари борки, уларнинг умр йўли икки йўналишда кечади. Бири — ўзининг шахсий ҳаёти. Иккинчиси эса, образлари ҳаёти. Улар актёрлардир. Тўғрисини айтганда, бу касб эгалари бошқаларга нисбатан тезроқ танилади. Аммо ҳаммаси ҳам эмас, чинакам истеъдод эгаларигина машҳурлик даражасига эришадилар.

Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов ҳам актёрлик касби орқасидан эл назарига тушди, обрў-эътибор топди.

Теша МЎМИНОВ:

ҲАЁТ САҲНАСИДАН САНЪАТ САҲНАСИГА

— Ҳар бир касб эгаси бахтга эришиши мумкин, қачонки у ўша касбга ихлос-эътиқод билан ёндашса. Сиз ўзингизни актёрлик бахтига эришган киши сифатида тан олсангиз керак ва буни қандай ифодалашингиз мумкин?

— Донишмандлардан бирининг айтиб кетган ҳикмати бор, мазмуни шуки, киши бахтли бўлиши керак, мабодо у бахтсиз экан, бунга унинг ўзи айбдордир. Бахтни ҳамма ҳам орзу қилади, аммо ана шу тўрт ҳарфдан иборат сўзнинг талқини, таърифу тавсифини ҳар ким ҳар хил ифодалайди. Менимча, бахт бу кишининг танлаган касбу ҳунари орқасидан тинч ва осойишта умр кечириши, мўмин-қобил, зукко, билимдон, жисмонан соғлом фарзандларга ота-оналик қилиши бўлса керак. Бу ёруғ оламда қайсидир замонларда яшаб ўтган донишмандлар бахт ҳақида турлича фикрларни ёзиб қолдиришган. Назаримда, ана шу тилакларнинг туб-тубида мен айтган икки-уч жиҳат мавжуд.

Бухоронинг Тоқи заргарон маҳалласида дунёга келганман. Отанам олти фарзандини тупроққа қўйгач, туз ва қум конларида такрор-такрор даволаниш эвазига 1949 йилда мен туғилган эканман. Олти зурриёднинг умри қисқалиги раҳматли отам ва онамга не бир залолатлар келтирмаган дейсиз. Шу боис ҳам каминанинг исмини Тешабой деб қўйишган.

Шукрки, уларнинг Яратган эгамдан менга астойдил умр тилаб, яхши ният билан исм қўйишлари ижобат бўлиб, ўсиб-улғайдим, ҳаётдан ўз ўрнимни топдим. Оилада ҳам, театр санъатида ҳам, демакки, жамиятда ҳам бахтли инсонман.

— Актёр қандай хислатларга эга бўлиши керак?

— Актёрликнинг ҳам ўзига яраша тош-тарозиси бор. Биринчи навбатда унинг қуввайи ҳофизаси кенг бўлиши керак. Ҳис-ҳаяжонга тез берила олиши, синчковлиги, зийраклиги, ўзини идора этиши, ўз дунёсидан чиқиб, образ оламига кириши ва ҳоказо. Раҳматли Шукур Бурҳонов айтар эдилар: "Сочининг учидан оёқ тирноқларига қадар ўзини актёр деб ҳис қилмаган киши бу касбда ишлай олмайди". Бунга қўшимча қилишдан ожиз бўлсамда, битта фикрни айтиб ўтмоқчиман. Агар Оллоҳнинг "юқтиргани" бўлмаса, кишида қадди-қомат, ҳис-ҳаяжонга берилиш, кучли хотира, катта қалб, тажриба етарли бўлгани билан, у актёрликка даъво қила олмайди. "Юқтирган" деганим, бу бир фоиз истеъдоддир, қолгани эса меҳнат, сабр-тоқат, интилиш, ижод машаққати, қўйингки, ихлос ва эътиқод ҳамдир.

— Назаримда, актёрликнинг ҳаётда иккита саҳнаси бор. Бири ўз шахсий ҳаётиники, иккинчиси санъат саҳнаси. Актёр ана шу иккита саҳнада бирдек фаолият юритади. Сиз уларнинг қайси бирида кўпроқ "яшайсиз"?

— Актёрлар икки тоифага ажратилади. Биринчи тоифа тасаввур қилиб ўйнайди, иккинчи тоифа ўз бошидан ўтказгандек, ўз дунёсидан чиқиб ўйнайди. Аслида иккита тоифанинг ҳам мақсад-муддаоси бир: образ яратиш. Аммо уни яратишга тасаввур қилиб ўйнаш, ўзлигидан чекиниб ўйнаш нуқтаи назаридан қараганимизда, роллар томошабинни, мухлисни қойил қолдирадиган, кези келса кўзидан шашқатор ёш оқизадиган даражада чиқавермайди. Демак, актёрлар ҳар хил ўйнайди. Мухлислар ҳам уларни турлича қабул қилади.

Актёр сифатида мен ўзлигимнинг айрим жиҳатларидан фойдаланса, инсон сифатида баъзан образларимнинг таъсирига бериламан. Модомики, сиз таъкидлаганингиздек, бизнинг касбдагиларга иккита саҳнада яшаш ёки фаолият юритиш насиб этган экан, биз уларнинг ҳар иккисига бирдек муносабатда бўлишга мажбурмиз. Аслида биз ҳаёт саҳнасидан санъат саҳнасига кириб келганмиз. Яъни ҳар иккиси учун баробармиз. Шу боис унисида кўпроқ, бунисида камроқ "яшаш" деган гапни айтиш эришроқ туюлса керак.

Театримизда Англия парламентидан келган вакилларга Шекспирнинг "Отелло" асарини намойиш этганимизда, Аброр Ҳидоятовга нисбатан улар "Ўзбекистонда ҳам туғма Отеллолар бор экан", деб айтишган эди. Шундан билингки, Аброр Ҳидоятов, Шукур Бурҳоновда Оллоҳ "юқтирган" истеъдод, қаддиқомат, эмоция, қалб бойлиги, хуллас, ҳамма-ҳаммаси мужассам бўлган. Шу боис ҳам улар томошабинни йиғлатган, нафратлантирган, ҳайратларга солган.

— Актёр ижоди серқирра бўлиши керак. Сиз кўпинча мультфильм образларига ҳам овоз берасиз. Бунинг масъулияти нимада?

— Дубляж санъатининг масъулияти роль яратишдек мураккаб. Томошабинга фақат ролнинг ҳаракатига мос тушадиган овозни тақдим этиш эмас, балки айнан унинг юриш-туриши, ўзини тутишига мос хатти-ҳаракат ҳам керак бўлади. Айрим кинолар борки, ўзидан кўра дубляж варианти зиёда чиққан. Дубляжда катта маҳорат мактаби яратган санъаткорларимиз бор: Мукамбар Раҳимова, Ҳамза Умаров, Ёқуб Аҳмедов, Тўлқин Тожиев, Обид Юнусов, Ойбарчин Бакирова, Гулчеҳра Жамилова... Қулоққа «наушник» тақиб олиб, диққатни бир нуқтага жамлаб, синхрон таржимада роль ўйнашга ҳамма актёр ҳам ҳафсала қилавермайди. Мен "Ҳур қизлар" фильмида Васковга овоз бергандим. Ҳозирги Санкт-Петербург шаҳрида дубляж санъати учун бу фильм биринчи ўринни олган эди. Жамики берган овозларим тахминан 1000 дан ошиқ. Аммо уларнинг қай бири муваффақиятли, қай бири ноўхшаш чиққан, менга маълум эмас.

Mehmonxona

— Биз қайси касб эгаси бўлишимиздан қатъи назар, аввало, инсонмиз. Ҳаётда бир-биримизга яхшилик, меҳр-оқибатни соғиниб яшаймиз. Кимгадир яхшилик қилиб, ундан натижа қайтмас. Сизда ҳам шундай ҳолат кузатилганми?

— Кузатилган, аммо "Дарёга қилиб яхшилик, натижасин чўлдан кўр" деган мақол бор: бу кимгадир ёрдам берсанг, натижаси бошқадан қайтишига ишора бўлса керак. Ривоят қилишларича, пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.нинг амакилари ўлим тўшагида ётган пайтда "Ло иллоҳо иллоллоҳ" деб айтишини уч марта сўраганларида ҳам ушбу калимани келтирмаган экан. Шунда пайғамбаримизга Оллоҳдан ваҳий келган экан: "Буни мен унинг кўнглига солишим керак". Демоқчи бўлганим, яхшилик қилишни, меҳр-мурувват кўрсатишни Худо кўнглимизга солсин, аммо буни зинҳор-базинҳор миннат қилиш, жавоб қайтиши учун қилмаслигимиз лозим. "Яхшилик қил, дарёга ташла, балиқ билар, балиқ билмаса Холиқ билар", деган мақол ҳам бор-ку. Яхшилик қилсак, натижаси бошқадан қайтади. Ёмонлик қилсак, бунинг ҳам жазоси бор. Президентимизнинг "Савоб ишни ҳар бир киши ҳар куни қилиши керак", деган гаплари ҳам шиорга айланиб кетди. Демак, қўлимиздан келган яхшиликни, меҳр-оқибатни ҳеч кимдан, хоҳ у қариндош-уруғимиз бўлсин, хоҳ таниш-билиш, хоҳ бегона бўлсин, дариғ тутмаслигимиз керак.

— Сизнинг етук ва забардаст актёр бўлишингизга ёрдам берган, йўл очган, қўллаб-қувватлаган кишилар ҳақида билгимиз келади.

— Раҳматли Шукур Бурҳонов институтни энди битириб келган йилларимда "Ана шу болада бир гап бор", деб қўярди кўрсаткич бармоғи билан ишора қилиб. Ўша йилларда театримизда Олим Хўжаев, Ёқуб Аҳмедов, Турғун Азизов, Шукур Бурҳонов, Наби Раҳимов, Зикир Муҳаммаджонов, Пўлат Саидқосимов, Сора Эшонтўраева сингари устоз санъаткорлар меҳнат қилишарди. Биз уларга ҳавас қилар, юриш-туришидан тортиб, саҳнада ўзини тутишигача зимдан кузатардик. Ёш актёрлар уларга бириктириб қўйилар, устоз-шогирдлик муносабатларининг илдиз отишига муҳит яратилган эди. Олим Хўжаевни тўрт киши танлаб қўйгач, мен Шукур Бурҳоновнинг этагини тутганман. Раҳматли Олим Хўжаев юмшоқ табиатлироқ эди. Шу боис ёшлар у кишини тезлик билан танлаб қўйишган экан. Шукур Бурҳонов эса аксинча қаттиққўл, синчков, образ учун жонини беришга тайёр турадиган, театрда оёқ товушини чиқармасдан юрадиган, бу даргоҳга ўнг оёқ билан киришни уқтирадиган санъаткор эди. Ҳамкасбларим у кишини танлашдан чўчишганининг боиси ҳам шундан. Мен Шукур акани устозликка танлаганимдан сўнг Олим Хўжаев бундан хафа бўлганини сезиб қолдим. Чунки у киши билан ҳамшаҳар эдик. Ярим ҳазил, ярим чин хафа бўлганини англаб, мен "Сизни танлашга улгурмай қолдим, Олим ака, шогирдларингиз кўплигидан хурсанд бўлишингиз керак", деб қўйдим.

1993—96 йилларда маданият ишлари вазири ўринбосари лавозимида ишлаганман. Иш кўп, бош қашишга вақт тополмайман. Музейлар, кутубхоналар, театрлар, концерт бирлашмалари, республика миқёсидаги турли тадбирлар — санаб адоғига етолмайдиган иш. Айниқса ўринбосар бўлгач, масъулият жуда катта экан. Кунларнинг бирида хизмат телефоним жиринглаб қолди. Кўтарсам, раҳматли устозимиз Наби Раҳимовнинг овози. Саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашгач, "Олтита рақамни териб, қалайсиз, деб қўйиш, шунчалик қийинми?" деб қолса бўладими? Наби Раҳимовнинг юзимни телефон орқали кўриш имконига эга бўлмаганидан мамнун эдим. Ўзимни оқлашга уринмадим, узр сўраган киши бўлдим. Аммо мен чиндан ҳам қўнғироқ қилиб устоздан ҳол-аҳвол сўрашга вақт ҳам, имкон ҳам топишим мумкин эди. Бунга балки ҳафсала қилмагандирман, балки ишнинг кўплиги халал бергандир. Ҳарқалай ўшанда бир марта бўлса-да, Наби Раҳимовни сим қоқиб йўқлаб қўймаганим учун афсусланаман.

— Мактаб кишининг тақдири, бирор касб-ҳунарни эгаллашида бошланғич шаҳобча вазифасини ўтайди. Бу фикрга ўз ҳаётингиз мисолида амин бўлгандирсиз?

— Нимасини айтасиз, мактабни шахс камолотининг пиллапояси дейиш мумкин. Бухоро шаҳридаги 6-мактабда таълим олганман. Бахтиёр Ихтиёров ҳам шу мактабнинг собиқ ўқувчиси. Ўша даргоҳга иккаламизнинг портретимизни осиб қўйишган.

Биринчи устозим, синф раҳбаримиз Саиджон Аҳмедов эди. У киши синф раҳбаримиз бўлиб, Бухоро радиоси билан ҳамкорлик қилар, болаларни санъатга, адабиётга қизиқтирарди. Бухоро шаҳар театрида ишлаган Азизжон Маҳмудовдан ҳам анча-мунча нарса ўрганганман. Мактаб саҳнаси учун тайёрланган тадбирларда иштирок этмасдан қолмасдик. Шеърлар айтардик, роль ўйнардик, қисқаси, мактаб менга санъаткор бўлишим учун асосий замин яратган.

— Сиз "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи" кўрсатувида ҳам роллар ўйнайсиз, баъзан салбий, баъзан ижобий. Икки хил образни яратишнинг машаққати бир-биридан кам эмасдир.

— Роль ижобийми, салбийми, асосийси, уни томошабинга маъқул қилдириш. Сенга ишониб тақдим этилган ролга хафа ёки хурсанд бўлмасдан, кутилган даражадаги образни яратолсанг, ана шунинг ўзи актёр учун катта гап. Раҳматли Қудрат Хўжаев кўпинча салбий ролларни ижро этган. Ҳаётда эса у киши жуда олижаноб инсон бўлган. Актёрга қандай роль юкланишидан қатъи назар, уни бир фарзанднинг дунёга келиши билан қиёслайман. Унинг "ҳомиладорлик" даври деб образни пишитиш, тайёр ҳолга келтириш бўлса, тўлғоқ азоблари, яъни унинг дунёга келиши саҳна деган улуғ саждагоҳда рўй беради.

— Жами қанча образ яратгансиз ва улар орасида ўзингизга энг ёққани, ёқмаганлари борми?

— Албатта, яратган образларим ичида ҳаммаси ҳам ўзимга маъқул келавермайди. Юздан зиёд роль ўйнаган бўлсам, улар орасидаги энг ардоқлилари сифатида Амир Темур, Ғофир, Шерзод, Йўлчи, Кормолан, Пири Зиндоний, Турдивой, Гётенинг "Фауст" асаридаги Мифестофелни айтишим мумкин.

— Фарзандларингиз орасида сизнинг изингиздан кетганлари борми?

— Оиламизда уч ўғил, бир қиз вояга етди. Ўғлим Толибжон менинг касбимни танлади. Санъат институтида икки йил ўқиб, сўнгра худди шу йўналишдаги Москва давлат кинематография институтида таҳсилни давом эттирди. Ҳозир ўзим билан ёнма-ён, энг яқин шогирдим. Шукр, олиб кетиши ёмон эмас. "Қуёши ботмайдиган юрт" телевизион видеофильмида бош роль билан мухлислар назарига тушди. Театримизда Абдураим Абдуваҳобов, Фатхулла Маъсудов, Тоҳир Саидов, Ғайбулла Ҳожиев сингари иқтидорли актёрларимиз борки, уларни айрим шошма-шошарлик, пала-партишлик билан роль ўйновчи актёрлардан фарқлаш керак.

— "Маърифат" мухлислари орасида сизни ўйнаган ролларингиз орқали билувчилар кўп. Демак, тилакка навбат келиб қолди...

— Маънавият ва маърифат бир олманинг икки палласи. Ана шу икки тушунчани бир-биридан айрича талқин қилмаган кишилар "Қорним оч бўлса ҳам, маънавиятим тўқ бўлсин", дейишади. Ва бу фикр доимо устунлик қилади. Оллоҳ умрни ҳар биримизга ўлчаб берган. Инсон бу дунёдан кўз юмгач, қилган ишлари ёдга олинади. Буюк соҳибқирон Амир Темур ролини ўйнаганимда унинг ибратомуз бир фикри миямга махкам ўрнашган: "Ҳеч бир инсон бу дунёда мангу қололмас. Туғилмоқлик бор эканки, ўлмоқлик ҳам бор гап. Мен суронли ҳаётимдан розимен рози. Буюк давлат барпо этдим, Тангрига шукр. Фарзандларим, қўриқлангиз, уни сизга қолдирмоқдамен". Умримизни покиза ниятлар безаши керак. Разм солиб қарасак, тоза ниятли кишилар ҳамиша обрў-эътиборга эришган. Устоз-муаллимлар жамиятимизнинг катта таянчи ҳисобланади. Ана шу таянчдаги сабр-тоқат, куч-қувват, ирода, ҳафсала, ҳавас ва эътиқод ҳеч қачон сўнмаган. Ана шу хислатлар бу касб соҳибларидан йироқлашмагай.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА суҳбатлашди.

Na vazn, na qofiyani tan olmaydigan, she'riyatning bizga ma'lum qoliplaridan chiqib ketgan o'zbek modern she'riyatining ildizi, mutaxassislarning fikricha, G'arbga emas, eng qadimiy tosh bitiklarga, O'rxun — Enisey yozma yodgorliklariga borib taqalar ekan.

"ХАЛҚ ТАЪЛИМИ" — 85 ЁШДА

"Халқ таълими" журнали чиқа бошлаганига 85 йил бўлди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг "Халқ таълими" журналининг 85 йиллик юбилейини ўтказиш тўғрисидаги буйруғи эълон қилинди. Унга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар таълим муассасаларида жорий йилнинг декабрь ва 2004 йилнинг январь ойлари "Халқ таълими" журнали кунлари" деб эълон қилинди. "Халқ таълими" журнали кунлари" журнал таҳририятининг ўз фаолиятини янада такомиллаштириши, юзма-юз мулоқотларда муштарийлар эҳтиёжи, фикрини ўрганишлари учун имкон туғдиради.

Халқ таълими соҳасидаги ислоҳотлар, янгиликлар кўзгуси бўлган журналнинг 85 йиллигига бағишланган шу йилги 6-сони ҳар галгидек соҳа мутахассислари, журналхонлар учун зарур ва қизиқарли мақолаларни жамлаган.

Ш.Қурбонов, Э. Сейтхалиловнинг "Жамият тараққиётида таълим" мақоласида "таълим ва жамият", "жамият ва давлат", "таълим ва шахс", "жамият ва шахс", "давлат ва шахс" категорияларининг бир-бирига ўзаро таъсири ва уйғунлашуви мавзуси теварагида таълимнинг жамият тараққиётидаги бетакрор ўрни юзасидан сўз юритилган.

У.Олтиновнинг "Мафкуравий тарғиботни услубий такомиллаштириш йўллари", Н.Ортиқовнинг "Маҳалла қўмитаси қошида ҳамкорлик кенгаши", З.Қосимованинг "Ёшлар, информацион хуружлар ва тарбия", М.Нурматованинг "Ёш авлод ҳар бир миллат умиди", З.Қурбонниёзованинг "Ижтимоий тарбия муаммолари", Н.Жумаеванинг "Таълимни инсонпарварлаштириш моҳияти ва тарбия" каби мақолалари ҳам ёшлар тарбияси қирралари, бу борада таълимнинг ўрни ҳақида тушунчалар беради.

Б.Умаров, Ш.Олимов, Т.Султонов, С.Якубова, Д.Жўраев, Д.Эргашев, Қ.Жўраев ва яна бошқа кўплаб муаллифларнинг ўзига хос янгиликларни акс эттирувчи кичик тадқиқотлар натижаси ўлароқ ёзилган мақолалари ҳам мутахассислару ўқувчиларга нимадир тақдим этиши билан аҳамиятли.

"Халқ таълими" журнали таҳририяти ходимларини қутлуғ байрамлари билан қутлаб, фаолиятлари янада серқирра, фойдали ва самарали бўлишини тилаб қоламиз.

Ҳ.НИШОНОВ



ҚАЛАМ АҲЛИГА МАНЗУР БЎЛАДИГАН ЛУҒАТ

Республикамиз ОАВ таҳририятлари, журналистлар, талабалар ва китобхонлар қўлига яқинда "Луғат — маълумотнома: журналистика, реклама, паблик рилейшнз" деб номланган китоб тегди. Мазкур нашр Ўзбекистон Миллий Университети журналистика факультети профессор-ўқитувчилари, амалиётчи журналистлар томонидан Евразия жамғармаси молиявий кўмаги эвазига ўзбек ва рус тилларида чоп этилди. Луғатдан журналистик ижод, фотожурналистика, реклама ва оммавий алоқалар назарияси ва амалиётига оид турли атамалар изоҳи, ОАВ фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳалқаро ташкилот ва жамғармалар хусусидаги батафсил маълумотлар ўрин олган.

Луғатда таъкидланишича, АҚШда ўн журналистдан саккизтаси махсус маълумотга эга, ҳар бир ОАВ таҳририяти эса компьютерлар билан жиҳозланган ва Интернетга уланган. Айнан Интернет тармоғининг ривожланганлиги жамият тараққиётининг асосий омилларидан бирига айланмоқда. Луғат муаллифлари фикрича, Ўзбекистонда Интернет тизими кенгайиши жараёнлари авж олмоқда. Кўплаб Ўзбекистон газеталари, теле ва радиоканаллари, ахборот агентликлари ўз веб — сайтларига эгадир. Бу эса журналистларга тезкор равишда ахборот излаш, уни қайта ишлаш ва узатишда катта бир кўмак бўлмоқда.

Журналистлар, матбуот котиблари, ахборот ва реклама агентликлари ходимлари шаклланаётган ахборий жамият тўғрисида батафсил билим ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим. Луғат муаллифлари бу борада ахборот алмашуви жараёнларини шиддат билан ривожланаётганини ҳам эътиборга олганлар. Жумладан, ахборий жамиятга хос бўлган "Олтин миллиард назарияси", "Коммуникацион портлаш", "Статус — кво назарияси", ПР стратегияси каби атамаларнинг атрофлича изоҳлари келтирилган. Шу билан бирга реклама тайёрлаш сирлари, фотожурналистикада ижод омилларига кенг тўхталган. Луғатнинг яна бир ижобий томони — Ўзбекистон ОАВларидан Марказий Осиё, Россия, Германия, Буюк Британия, АҚШ, Афғонистон, Япония матбуоти, телевидение ва радиоси амалиётига оид қизиқарли маълумотлар берилган. Журналист текшируви, репортёрлик, шарҳловчилик назарияси ва амалиёти, теле-радиожурналистика билан боғлиқ бўлган атамалар тавсифи ҳам салмоқли ўрин эгаллаган.

Профессор Ф.Нестеренко, доцентлар Ё.Маматова Қ.Ирназаров, таниқли тележурналист С.Суяров ва бошқалар томонидан тақдим этилган мазкур луғат журналист кадрлар тайёрлашда, уларнинг жаҳон журналистикасига уйғун интеграциялашувига ёрдам бериши, шубҳасиз.

С.СУЛАЙМОНОВА,
ЎзМУ ўқитувчиси

МАЪРИФАТ ФИДОЙИЛАРИ ҲАҚИДА КИТОБ

Сурхон ўлкаси жаннатмакон табиати, серфайз тупроғи ва мўъжизакор табиати билан оламга машҳур. Зараутсой ажойиботлари бундан 10-15 минг йил илгари аждодларимиз санъатидан ривоят этса, Жарқўтоннинг мўъжизакор тошпилдиқлари эса бундан 3,5 — 4 минг йил олдинги юртимиз тарихий маданиятидан дарак беради. Бундан ташқари Далварзинтепа, Оқмозортепа, Конитуртепа ва Қирққиз қалъалари тарихимиз нурли саҳифаларида зарҳал ҳарфлар билан битилган. Бу кўҳна тупроқ оламга машҳур илм-фан, дин намояндаларини етиштириб берган. Бу заминда қадим даврларда ҳам маданият, маърифат, маънавият ва санъатнинг турли кўринишлари ривожланган.



Сурхон воҳасида Шеробод тумани муҳим аҳамият касб этади. Негаки, бу гўша тарихдан маърифат ўчоқларидан бири ва олиму фозиллар ватани бўлиб келган. Бугунги кунда ҳам ўз мавқеига эга бўлиб келаётган шерободлик маърифат фидойилари келажагимиз эгаларини камол топтиришда бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Мутафаккир устозларнинг муносиб давомчилари бўлган Абдусамад Бобохўжаев, Қулмурод Шодмонов, Акбар Маматқулов, Раҳмон Маматқулов, Ибройимжон Маматқулов, Абдураҳмон, Эргаш ва Дўстмуҳаммад Қулмаматовлар, Сайфулла Турсунов, Бекмурод Қодиров каби юзга яқин маърифатпарвар устозлар республикамиз илм-фани, маданияти ва санъатини ривожлантиришда ўз ҳиссаларини қўшганлиги кўпчиликка маълум.

Яқинда Қарши шаҳридаги «Насаф» нашриётида чоп этилган ижодкорлар — Мамарайим Бойқулов ва Йўлдош Пўлатовларнинг «Шерободлик маърифат фидойилари» номли китоби ана шундай заҳматли ва шарафли касбга умрларини фидо этган инсонларнинг ҳаёт ва маърифат йўлидаги фаолиятига бағишланади. Китоб саҳифаларидан ўрин олган барча маърифат дарғалари ўзига хос йўли ва услубларига эга.

Бундан ташқари, китобда бугунги кунда республикамизда олиб борилаётган таълим ислоҳотлари, бунёд этилган янги мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг фаолияти ҳақида ҳам маълумотлар берилган.

ЎЗБЕК МОДЕРН ШЕЪРИЯТИ

Ўтган асрнинг сўнгги йилларида "Ёшлик" журналида модерн услубида ёзилган шеърлар эълон қилина бошланди. Бу ҳол ўзбек адабиётида янги ҳодиса эмасди. Чунки на вазн, на қофияни тан олмайдиган, шеъриятнинг бизга маълум қолипларидан чиқиб кетган ўзбек модерн шеъриятининг илдизи, мутахассисларнинг фикрича, Ғарбга эмас, энг қадимий тош битикларга, Ўрхун — Енисей ёзма ёдгорликларига бориб тақалар экан. Бу, ҳар қандай янгилик, яхшигина унутилган эскиликдир, деган ҳикматни ёдга солади.

Хуллас, яқинда аждодларимизнинг шеърий анъаналарига содиқ қолган бир гуруҳ модернист шоирларимизнинг "Ўзбек модерн шеърияти" деб номланган тўплами "Янги аср авлоди" нашриёти томонидан чоп этилди.

Бу, албатта, қувончли ҳол. Чунки МДҲ давлатлари адабиёти жабҳасида Ўзбекистон модернчилари алоҳида ажралиб туради. Аммо Марказий Осиё минтақасида бу йўналиш ҳали у қадар оммалашмаганлигини ҳам таъкидламоқ жоиз. Барибир, шунга қарамай минтақамизга модернизм ҳодисаси ўзбек шеърияти орқали кириб келаётганлиги катта ютуқ. Адабиётшуносларнинг тан олишларича, ҳатто ҳозирги замон рус шеъриятида ҳам бу каби янгиланиш йўқ.

Дарвоқе, ўқувчида биз сўз юритаётган "модернизм" нима, у қандай маъноні беради, деган савол туғилиши табиий. "Модернизм" ("Moderni") французча атама бўлиб, она тилимизга ўгирганимизда "Замонавий" деган маъноні беради. Шеърият ихлосмандларининг кўпчилиги "модернизм" ҳодисасини тўла шарҳлаб берилишини исташади, баъзи мунаққидлар эса мазкур атаманинг ўзбекча шакли топилса, деган таклифни билдиришади. Бунга мухтасар қилиб модернизм алоҳида олинган ўзгача оқим эмас — шунчаки тажриба қилиб кўриш мақсадида бадиий сўзни ўзгача тарзда ишлатиш усулларининг мажмуи, деб жавоб бериш мумкин.

Қолаверса модерн ҳодисаси дунёнинг деярли ҳамма халқлари адабиётига хос. ХХ аср ярмидан бошлаб Европада мазкур оқим оммалашди. Шунингдек, турк, ҳинд, япон, корейс, форс назмида ҳам модернизм етакчилик қилади.

Юқорида, модернизм ҳодисаси ўзбек адабиётида кенг қамровда қулоч ёзаётганлигини айтиб ўтдик. Аммо бу адабиётимизга модернизм энди кириб келибди-да, деган хулосага олиб келмаслиги лозим. Чунки ХХ асрнинг 20-30-йилларида турк тимсолчилари таъсирида Фитрат, Чўлпон, Абдулла Алавий, Ойбек сингари шоирлар шаклий жиҳатдан ўзгариш ясашга жаҳд этган, бу жараёнга рус футуристлари ва тимсолчилари ҳам ўз таъсирини ўтказганди. Бироқ собиқ тузумнинг инжиқ "цензураси" бу ҳодисани тан олмади. Уни адабиёт майдонидан бадарға қилди. Бу "қувғинлик" ўтган асрнинг 70-йилларигача давом этди...

Китобни варақлаган ҳар қандай ўқувчи сўз саънатининг янги шакли олдида ҳайратга тушади. Ўзига хос, такрорланмас услубда битилган бу шеърлар чиндан-да ҳайратли.

Абдулҳамид МУХТОРОВ

КИМЁВИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРНИ БИЛАСИЗМИ?

Кимё фани умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей, касб-ҳунар коллежи ва олий таълим тизимларида педагогик жараённинг ажралмас қисмидир.

Кимё фанини ўрганиш кимёвий элементлардан бошланади. Шунинг учун ўқувчиларнинг кимёвий билимларга қизиши ва уларни чуқур ўзлаштириш кимёвий элементларнинг хоссалари, кашф этилиши, тарихи, табиатда тарқалиши, халқ хўжалигида қўлланилиши билан бевосита боғлиқ. Ғузор туман халқ таълими бўлими мудири Ҳ.Нуриддиновнинг 2002 йилда нашрдан чиққан «Кимёвий элементлар ҳақида нималарни биласиз?» рисоласи юқоридаги талабларни ўзида мужассам этганлиги билан ажралиб туради.



Китобча Халқ таълими вазирлиги қошидаги республика Таълим маркази кимё-ўқув методик кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган бўлиб, умумий ўрта таълим мактаблари ва академик лицей ўқувчилари ҳамда кимё билан қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган. Китобчада кимёвий элементлар тўғрисида ҳозиргача кўпчилик ўқувчиларга маълум бўлмаган маълумотлар ҳам содда тилда ҳикоя қилиб берилади. Рисола икки қисмдан иборат. Биринчи қисмида газлар, иккинчи қисмида эса асл ва нодир металлар ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган. Энг асосийси, ҳар бир мавзу таъсирчан оҳангда ёзилган бўлиб, ўқувчилар тез ўзлаштириб олишлари ва узоқ вақт эсда сақлашларига замин яратади.

Дилмурод СОДИҚОВ

КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШДА

янги босқич бошланади

Аввал хабар берганимиздек, шу йилнинг 1-3 декабрь кунлари Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис Марказида "Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришнинг илғор технологиялари" мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманнинг биринчи ва иккинчи иш кунида бўлиб ўтган ялпи мажлис хусусида ўтган сонда ахборот бергандик. Ялпи мажлисдан сўнг иштирокчилар "Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришнинг илғор технологиялари", "Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришда психологик-педагогик ташхис муаммолари", "Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришда тиббий ва дефектологик ташхис муаммолари", "Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришда ахборот технологиялари" каби шўъбаларга бўлинган ҳолда турли мавзуларда маърузалар тинглаб, соҳа олдида турган долзарб масалалар юзасидан муҳокама олиб бордилар. Тадбирда хорижлик мутахассислар билан биргаликда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган бир қатор етакчи тадқиқотчи-олимлар ҳам иштирок этдилар.

Анжуманнинг учинчи куни мутахассислар иштирокида тренинг машғулотлари ўтказилди. Тренингга Европа таълим жамғармасининг Ўзбекистондаги вакили Ш. Рашидов ҳамда Осиё Тараққиёт банки миллий эксперти В. Шариповларнинг ташрифи ҳамда уларнинг турли қизиқарли мавзулардаги маърузалари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Анжуман якунида унда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

"Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришнинг илғор технологиялари" мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси ТАВСИЯЛАРИ

Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис қилиш жараёни таълим-тарбия билан узвий кечадиган, унинг барча қирраларини қамраб оладиган узлуксиз жараёндир. Мактабгача, умумий ўрта, мактабдан ташқари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари, жамоа ташкилотлари ҳамда ота-оналарнинг ўзаро ҳамкорлиги бу жараённинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Бундай ҳамкорлик, пировард натижада, ўсиб келаётган авлод учун онгли касб танлаш, ўз касбий истиқболини белгилаш, танлаган соҳасида унумли меҳнат қилиш ҳамда жамият равнақига ўзи муносиб ҳиссасини қўшиш имконини яратади.

Қадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида касб-ҳунарга йўналтириш назарияси ва амалиётида мавжуд бўлган илмий хулосалар ва услубий тавсияларни янгилаш таълим жараёнининг бош мақсади — баркамол инсонни тарбиялаш нуқтаи назаридан ёндашишни тақозо этади.

Ҳозирги замон фани ва жаҳон тажрибасига мос, мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар тадрижини ҳисобга олган ҳолда касб-ҳунарга йўналтириш тизимининг мазмунини белгиловчи асосий йўналишларни аниқлаш, уларни амалга оширишнинг самарали воситаларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш шу куннинг долзарб вазифасидир.

Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш жараёнидаги муаммоларнинг таълим ислоҳотларидаги ўрни ва моҳиятини белгилаш ривожланган давлатлар, ватанимизда амалга оширилган илмий-тадқиқот ва инновацион ишланмаларни амалиётга татбиқ қилиш мақсадида берилган таклифлар, ғоялар, фикр ва мулоҳазалар асосида илмий-амалий Конференция тавсия этади:

— касб-ҳунарга йўналтиришнинг фундаментал фанлар интеграциясига асосланган, мавжуд илмий муаммоларнинг амалий ечимини топишга хизмат қиладиган илмий–назарий асосларини яратиш;

— касб-ҳунарлар тарғиботи орқали ёшларни онгли касб танлашга тайёрлаш учун аҳолининг касбий маданиятини ривожлантириш, бунда оммавий ахборот воситалари, матбуот ва жамоатчиликни фаол жалб қилиш;

— иқтидорли, истеъдодли ёшларни аниқлаш, улар билан олиб бориладиган ишлар сифатини ошириш;

— касб-ҳунарга йўналтиришда мактаб, оила, ҳомий ташкилотлар, касб-ҳунар коллежлари, маҳаллий бошқарув органлари ва жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

— касб-ҳунарга йўналтириш соҳасидаги илмий-педагогик кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш (шу жумладан, у ривожланган хорижий давлатларда ҳам) ишларини жадаллаштириш;

— ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ишларини ва таълим муассасаларидаги психологик хизматни мувофиқлаштириш республика, вилоят, туман(шаҳар)лар кенгашлари, мактаб ўқувчиларини ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига йўналтириш комиссиялари фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

— ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришда мактаблардаги меҳнат таълими имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш мақсадида меҳнат таълими ўқитувчиларининг таркибини қайта кўриб чиқиш ва уларнинг касбий малакаларини такомиллаштириш. Меҳнат

Anjuman

таълими фани таркибидаги "Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш асослари" махсус курси мазмунини қайта кўриб чиқиш, шу курс бўйича давлат таълим стандартига қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар киритиш;

— умумий ўрта таълим мактабларидаги касб-ҳунарга йўналтириш ишларини олиб борадиган мутахассисни педагогик кенгашда тайинлаш ва унинг мавқеини (статусини) аниқлаш; мактаб амалий психологи фаолиятига тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, унинг иш кўлами ва статусини аниқ белгилаш;

— ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис Марказларининг, педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари ва таълим Марказлари билан ҳамкорлигини кучайтириш;

— умумий ўрта таълим мактабларидаги касб-ҳунарга йўналтириш хоналарини талаб даражасида жиҳозлаш, уларни мунтазам ҳаракатдаги ўқув-амалий ва маслаҳат марказларига айлантириш;

— тегишли олий таълим муассасаларида касб-ҳунарга йўналтирувчи, психолог, дефектолог мутахассислар тайёрлашнинг сифатини ошириш;

— илғор ахборот технологиялари, компьютер дастурлари, ахборотлар банкларини яратиш асосида касб-ҳунарга йўналтиришнинг мазмунини такомиллаштириш;

— касбий психологик-педагогик ташхис методикаларининг компьютер вариантларини ишлаб чиқиш, мактаб психологи, касб-ҳунарга йўналтирувчи мутахассисларнинг автоматлаштирилган иш жойини ташкил қилиш. Республика ташхис Маркази томонидан яратилган ишланмаларнинг барча умумий ўрта таълим мактабларига етиб бориши ва улардан амалда унумли фойдаланишни таъминлаш;

— касб-ҳунарга йўналтириш тизимининг барча даражаларини назорат қилиш ва мувофиқлаштиришнинг компьютер-ахборот тизимини яратиш;

— касб-ҳунарга йўналтириш ишларини ҳудудий, этник, ижтимоий, демографик хусусиятларни эътиборга олган ҳолда ташкил этиш;

— узлуксиз таълим тизимида касб-ҳунарга йўналтиришнинг ҳар бир ёш босқичига мос келадиган қулай технологияларини ишлаб чиқиш;

— педагогика, психология, тиббиёт ва ахборот соҳаларидаги етакчи олим, мутахассисларнинг ҳамкорлиги асосида ўқувчиларни ўзлигини англаш ва касбга йўналганлик даражасини кузатиб бориш имконини берувчи ташхис ва баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш;

— касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис муаммоларининг ечимига йўналтирилган илмий тадқиқот ва изланишлар кўламини кенгайтириш. Республика ташхис Маркази қошидаги илмий кенгашнинг мавқеи ва салоҳиятини кучайтириш;

— жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчи-ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш жараёнида тиббий, психологик, реабилитация, ижтимоий-педагогик муҳофаза қилиш ишларининг самарадорлигини ошириш билан уларнинг имкониятига мос касбларни танлаш ҳамда жамиятда ўз ўринларини топишлари учун шарт-шароитлар яратиш.

Мазкур конференция тавсияларини Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг ҳайъат йиғилишларида туман, шаҳар ташхис Марказларининг раҳбарлари, умумий ўрта таълим мактабларининг касб-ҳунарга йўналтирувчи мутахассислари, амалиётчи психологлари иштирокида ўрганиб чиқиш ва жойларда амалга татбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Ҳудудий ташхис Марказлари ўзларининг йиллик ва истиқбол режаларини тузишда ушбу тавсиялардан фойдаланадилар.

ЎТГАН ЙИЛЛАР САЛМОҒИ

Мирзо Улуғбек тумани ХТБга қарашли 419-мактабгача таълим муассасасининг ташкил бўлганига 35 йил тўлди. Буни шу атрофдаги барча каттаю-кичик билади. Чунки сиз суратларда кўраётганингиздек, 30 йил олдин шу боғчада тарбияланган оналар бугун ўз фарзандларини яна шу масканга етаклаб келишган. Ёки бўлмаса, 15—20 йил олдин ўзи шу ерда ўйнаб юрган ака-опалар ука-сингилларини қўлидан тутганича боғчага келиб, тарбиячиларга раҳмат айтиб кетишади. Улар жигарларини бошқа боғчага беришни хаёлларига ҳам келтиришмайди. Сабаби, 35 ёшли боғчада ўзига хос анъаналар шаклланган. Шунинг учун ҳам 220 ўринга мўлжалланган МТМда 304 нафар бола тарбия топмоқда. Яна айтиш керакки, боғчанинг мудираси Лена Мирқосимова 30 йилдан буён жамоани бошқариб келаётганлиги муассасада бир қатор тизимли ишларнинг амалга оширилишига сабаб бўлмоқда. Хусусан, мазкур МТМ 8 йилдан буён мактабгача таълим муассасаларида ихтиро муаммоларини ечиш назарияси(ИМЕН)ни қўллаш бўйича услубий бирлашманинг таянч базаси ҳисобланади. Бу йўналишда 4 ёшли болалар учун мактабгача таълим гимназияси ташкил этилиб, унда болаларга ўқишни ўргатиш тажриба-синов тариқасида амалга оширилди. Натижада танланган иқтидорли ва эрта ривожланган болалар 6—7 ёшга етганда машғулотлар самараси ўлароқ, бир дақиқа ичида 40—60 та сўзни ўқийдиган бўлишди. 7 ёшли болалар ихчам ва ўнчалик катта бўлмаган ҳикояларни, эртакларни мустақил тарзда ўқий олади. Шунингдек, инглиз тили ўқитиш бўйича ҳам қатор самарали услублар ишлаб чиқилганлиги боис, қилинган ишлар юзасидан республика миқёсида семинар ва тренинглар ташкил этилди. Жойлардаги барча мутахассисларга керакли тавсиялар берилди...

Насиба ЭРХОНОВА,
"Маърифат" мухбири

Суратларни Алишер РИСҚИЕВ олган.

Alisher Navoiy uning ko'zi ojiz bo'lishiga qaramasdan, nihoyatda ziyrak va zehnli bo'lganligi haqidagi ma'lumotdan ham xabardor qiladi.

Dunyo bir qo'li bilan asal tutsa, ikkinchi qo'li bilan zahar tutadi.

AHMAD YUGNAKIY

DIDAKTIK DOSTON

«Didaktika» yunoncha so'z bo'lib, «o'qitadigan», «o'rgatadigan» degan ma'nolarni bildiradi. Doston esa, xalq og'zaki ijodi va yozma adabiyotiga xos adabiy asarning bir turi. Ko'pincha nazm va nasr aralash keladi. Xalq dostonlari soz bilan aytiladi. Didaktik doston deyilganda esa, pand-nasihat ruhidagi asar ko'zda tutiladi. Bu asosan yozma adabiyotga xos. Didaktik dostonchilik adabiyotimizda qadim an'analariga ega. Bu haqda M. Qoshg'ariy «Devonu lug'otit turk»da ma'lumot berib o'tadi va she'riy yo'l bilan pand-nasihat aytuvchi bilimdon, donishmand kishilar ko'p bo'lganini xabar qiladi. Bizning adabiyotimizda didaktik dostonning ilk namunalari «Qutadg'u bilig» va «Hibatul haqoyiq»dir. Keyingi asrlarda bu xil sof didaktik dostonlar deyarli uchramaydi. Ular ko'pincha ishqiy, maishiy sarguzasht yo'nalishlari bilan birgalikda keladi.

Didaktik adabiyot degan tushuncha esa pand-nasihat ruhidagi xilma-xil janr va turlarda yozilgan asarlarni qamrab oladi.

«Masnaviy» arabchada ikkilik ma'nosini anglatadi. She'riy asarda misralarning aa, bb, vv, gg. kabi o'zaro qofiyalanib kelishi ko'zda tutiladi. Keyingi misralari o'zaro qofiyalanib keluvchi she'r turiga masnaviy deyilgan. Yirik asarlar, masalan dostonlar, masnaviyda yozilgan. Fors tilidagi masnaviylarning ilk mashhur namunasi Firdavsiyning «Shohnoma» asaridir. Turkiy tildagi ilk badiiy doston «Qutadg'u bilig» bo'ladi. Yusuf Xos Hojib ham o'z asarini «Shohnoma» singari aruzning mutaqorib vaznida yozdi.

Ahmad Yugnakiy didaktik adabiyotning Yusuf Xos Hojibdan keyingi mashhur vakilidir. U ko'proq «Adib Ahmad» nomi bilan shuhrat topgan. Alisher Navoiyning nazariga tushgan shoirlardan. Navoiy o'zining «Nasoyim ul-muhabbat» asarida Ahmad Yugnakiy haqida maxsus to'xtalgan. Buyuk shoir, avvalo, uning «turk eli»dan ekanligini ta'kidlaydi. So'ng u haqda tarqalgan naqllardan keltiradi: ***«Adib Ahmad ham turk elidin ermish. Aning ishida g'arib (ajoyib, qiziqarli) nimalar manquldur (naql qilingan). Derlarki ko'zlari butov (tamom bitib ketgan, yopiq) ermishki, aslo zohir ermas ermish (ochilmasmish). Basir (ko'rmaydigan) bo'lub, o'zga basirlardek andoq emas ermishki, ko'z bo'lg'ay va ko'rmas bo'lg'ay».***

Adibning bizgacha yetib kelgan «Hibat ul-haqoyiq» kitobiga bitilgan ilovada «Tug'a ko'rmas edi adibning ko'zi» degan qayd bor. Bu Navoiy fikrlarini tasdiqlaydi. Alisher Navoiy uning ko'zi ojiz bo'lishiga qaramasdan, nihoyatda ziyrak va zehnli bo'lganligi haqidagi ma'lumotdan ham xabardor qiladi: ***«Ammo bag'oyat ziyrak va zakiy (aqlli), zohid va muttaqiy (taqvodor, parhezkor) kishi ermish. Haq subhonoho taolo, agarchi zohir ko'zin yopuq yaratqondur, ammo ko'ngli ko'zin bag'oyat yoruq qilg'ondur».*** Shoir Ahmad Yugnakiyning ziyr«kligini isbot qilish uchun quyidagi dalillarni keltiradi: «lubyo (loviya)g'a ilik (qo'l) surtubdur va debturki, qo'y bukrag (buyrak)iga o'xshaydur va naxud (no'xat)ni barmog'i bila silab, debturki, itolg'u (qush nomi) boshig'a o'xshar». Shuningdek, Navoiy uning bir muddat Bag'dod atrofida yashagani, o'z davrining mashhur imomlaridan biri darsiga qatnagani va ustozi uning zehni hamda salohiyatiga yuksak baho bergani haqidagi naqlni keltiradi, ikki bayt she'rini ilova qiladi, ***«...aning tili turk alfozi (so'zlari) bila mavoiz (va'zlar)u nasoyih (nasihatlar)g'a go'yo (biyron, yetuk) ermish. Xeyli elning muqtadosi (piri) ermish. Balki aksar turk ulusida hikmatu nuktalari shoe' (mashhur)dir»***, - deb yozadi.

Yugnakiyning umrbayoniga doir ma'lumotlar nihoyatda kam. Shoirning «Hibat ul-haqoyiq» asarining o'zida ayrim chizgilargina mavjud:

Adib Ahmad ayttim, adab, pand so'zim,
So'zum munda qalur, barur bu o'zum.

Demak, muallif o'z nomini Ahmad deb tanishtirmoqda. Adib — uning ijodkorligiga ishora. Ehtimol, bu xalq orasidagi mashhurlik belgisidir. Adib Ahmadning tug'ilgan yeri, otasi haqidagi ma'lumotlar yuqorida tilga olingan kitobiga yozilgan ilovada uchraydi:

Adibning yeri oti Yugnak erur,
Safoliq ajab yer, ko'ngillar erur.

Atosi oti Mahmudi Yugnakiy,
Adib Ahmad o'g'li, yo'q ul hech shaki.

She'rda adibning tug'ilgan yeri ko'ngillarni yayratadigan go'zal bir maskan ekanligi, nomi Yugnakligi qayd etilayapti. Yugnak yoxud Yug'noq shahrining qaerda joylashganligi haqida har xil fikrlar bor. Bunday nomdagi shahar uch joyda uchraydi: Samarqand atrofida, Farg'ona vodiysida, Turkiston (Qozog'iston)da. Adib Ahmadning bu uch Yugnakdan qaysi birida yashab o'tgani haqida aniq ma'lumot yo'q. Ayrim manbalarda bu shaharning qadimgi nomi Sig'noq bo'lib, Samarqand yaqinida deb ham ko'rsatiladi.

Bizgacha yetib kelgan kitobining nomi «Hibat ul-haqoyiq» bo'lib, ma'nosi «Haqiqatlar armug'oni»dir. Kitob uch nusxada yetib kelgan. Nusxalar bir-biridan kichik farqlarga ega. Ulardan eng eskisi Samarqandda Zaynul Obidin degan hattot tomonidan uyg'ur yozuvida ko'chirilgan bo'lib, 1444 yilda Turkiyaga borib qolgan. 1480 yilda Abdurazzoq baxshi degan kishi O'rta Osiyodan Turkiyaga borib, ushbu kitobdan arab va uyg'ur yozuvida 2 nusxa ko'chirgan. Har uch nusxa Istanbulda saqlanadi. So'ngroq yana ikki nusxasi topilib, hozirda kitob qo'lyozmasining besh nusxasi mavjud.

Zaynul Obidin nusxasida kitobning nomi «Atebat ul-haqoyiq» («Haqiqatlar eshigi») deb berilgan. Shu sababli, uni Turkiyada ko'proq shu nom bilan ataydilar. Undan ko'chirilgan nusxalarning birida «Aybat ul-haqoyiq», ikkinchisida «Hibat ul-haqoyiq» deb yozilgan. Asar o'zbek adabiyotshunosligi fanida «Hibat ul-haqoyiq» nomi bilan shuhrat topdi. Uni o'rganishda olimlarimizdan Qayum Karimov, Qozoqboy Mahmudovlarning xizmati katta bo'ldi.

Mutaxassislar asarning paydo bo'lish tarixini XII asrning oxirlari deb belgilaydilar. Kitob muallif zamondoshi Dod Sipohsolor bekka bag'ishlangan. Sipohsolor bosh qo'mondon degani. Lekin bu bosh qo'mondonning qachon, qaerda yashagani ma'lum emas. Kitob so'ngida kotib Zaynul Obidin asar va uning muallifi haqida ma'lumot beradi. Chunonchi, unda quyidagi satrlar bor:

Kitobining oti erur «Hibatul»,
«Haqoyiq» bo'lubdur arabtin o'shul.

Tamomi erur koshg'ariy til bila,
Ayitmish adib riqqati til bila.

Agar bilsa koshg'ar tilin har kishi,
Bilur ul adibning nekim aymishi.

Bu yerdagi so'zlardan shu narsa anglashilayaptiki, kotib — hattot turkiy bo'lmagan so'zlarning, ya'ni arabchaning kitoblarga kirib kelayotganini yaxshi anglaydi. haqiqatan ham, bundan bir asr oldin yozilgan Yusuf Xos Hojib asari «Qutadg'u bilig» turkcha nomlangan edi. Ahmad Yugnakiy kitobi esa, arabcha ataldi. Mutaxassislar uning ich matnida ham 15-20 foyizgacha arabiy-forsiy so'zlar ko'radilar. Bu shuni ko'rsatadiki, XII-XIII asrlardan boshlab, turkiy adabiy tilda arabcha so'zlar ko'payib borgan. Ikkinchi tomondan, koshg'ariy tili shu davr adabiy tilining ko'rkam namunasi ekanligiga dalolat qiladi. Koshg'ar tili degani uyg'ur tili emas, albatta. Mahmud Koshg'ariy ham Koshg'ar (Qashqar)dan, lekin uning butun ijodi va faoliyati butun turkiy tillar tadqiqiga qaratilgan, «Devonu lug'otit turk»isi esa, X-XI asrlardagi barcha turkiy tillarning qomusi edi. Hattot — kotibning asarga qilgan ilovasidagi fikrlarni shunday tushunmoq kerak.

Asar muallifi va yozilishi ham kishini qiziqtiradi. Agar adib Ahmad «tug'a ko'rmas» bo'lsa, asarini qanday yozgan? Bu borada turli fikrlar bor. Ulardan eng haqiqatga yaqin bo'lgani shuki, shoir boshqa bir kishiga aytib turib, yozdirgan. «Hibbat ul-haqoyiq» hajman unchalik katta emas: bor-yo'g'i 256 bayt (512 satr)ni tashkil qiladi. Yana shuni ta'kidlash kerakki, «Qutadg'u bilig»da ozmi-ko'pmi syujet — voqea bor edi, bunda u ham yo'q. «Hibat ul-haqoyiq» — boshidan oxirigacha ta'rif-tavsifga qurilgan asar.

Alisher Navoiy Ahmad Yugnakiy ijodi haqida to'xtalganida, uning o'z pand-nasihatlarini «nazm tariyqi bila» aytishiga diqqatni qaratib, quyidagi satrlarini ajratib ko'rsatgan edi:

Ulug'lar ne bersa, yemasman dema,
Ilik sun, og'iz ur, emasang yema.

So'ngakka iliktur, yeranga – bilik,
Biliksiz yeran – ul so'ngaksiz ilik.

Alisher Navoiy e'tirof qilishicha, Ahmad Yugnakiyning hikmat va pandlari turk ulusi orasida juda mashhur bo'lgan. Shoir yuqorida shulardan ikkitasini keltirgan. Birinchi bayt ulug'larga ehtirom haqida. «Ulug'» so'zining ma'nosi ancha keng. Asl ma'nosi «katta» bo'lsa-da, ko'pincha, yoshi katta, qadri aziz, hurmatga sazovor, mavqei baland kishilarga nisbatan ishlatiladi. Asosiy fikrga keladigan bo'lsak, gap dasturxon odobi vositasida tushuntirilmoqda. Chunonchi: ulug'lar bir narsa bersalar, yemayman dema; yemasang ham qo'l ur, yegandek bo'l. Kengroq mazmunini oladigan bo'lsak: yoshi katta, tajribali, dunyo ko'rgan kishilarning gaplarini qulog'ingga ol, aytganlarini qil, hech bo'lmasa, ular haqida o'ylab ko'r. Chunki ular ma'nisiz, keraksiz gapni gapirmaydilar.

Ulug' Navoiy tomonidan Ahmad Yugnakiyga nisbat berilgan bu bayt «Hibat ul-haqoyiq»dagi 256 bayt orasida yo'q. Ehtimol, bu uning bizga yetib kelmagan boshqa asarlaridan olingandir. Lekin uning vazni, uslubi shundoqqina Adib Ahmadga tegishli ekanligini ko'rsatib turibdi. Keyingi baytda bilimning qadri va o'rni chiroyli odob tilni tiymoqdan boshlanadi:

Eshitgil, biliklik negu teb ayur,
Adablar boshi til kuzazmak turur.

*(*Ilmli kishi nimalarni so'zlaydi, sen unga quloq sol. Adablar boshi tildir, uni tiymoq zarur*). Shu bois shoir til odobiga alohida e'tibor beradi:*

Tiling bekta tutg'il, tishing sinmasun,
Qali chiqsa, bekta tishingni siyur.

*(*Tilingni tiy, tishing sinmasin. Agar o'ylovsiz so'zlab yuborsang, tishingni sindiradi*).*

Keyingi satrlarda u buning sabablarini ochishga harakat qiladi:

Sonib so'zlagan er so'zi sog'i,
O'kush yangshag'an til ayalmas yog'i.

*(*O'ylab so'zlagan kishining so'zi to'g'ridir. O'rinsiz ortiqcha vaysagan til ayovsiz yovdir*).*

So'zung bo'shlug' esma, yig'a tut tiling,
Yetar boshqa bir kun bu til so'z bo'shi.

*(*So'zlaringni achchiq qilma, tilingni tiyib tut. Achchiq, tiyiqsiz til bir kuni boshingga yetadi*).*

Shoir bu fikrni keyingi misralarda yanada kuchaytiradi:

Xiradliqmu bo'lur tili bo'sh kishi,
Telim boshni yedi bu til so'z bo'shi.

*(*Tili achchiq kishining aqli yetuk bo'ladimi? Til va so'z zahari ko'p kishilarning boshini yedi*).*

Demak, behuda so'zdan, achchiq tildan saqlanmoq kerak. Behuda so'z obro'ni to'kadi, achchiq til boshga yetadi. Kam so'zlamoq bir o'xshatish bilan ko'rsatib berilmoqda. Chunonchi: suyakning qimmati uning ichida iligi borligida, odamning odamligi bilimi borligida. Bilimi yo'q odam iligi yo'q suyak kabidir. Iligi yo'q suyak esa, keraksizdir. Unga qo'l urilmaydi. Bilimning ahamiyatini bunday tushuntirish har jihatdan asosli va uni ko'z oldimizga keltirish qiyin emas. Ayniqsa, hayotlarida chorvachilik muhim o'rin tutgan ajdodlarimiz uchun.

Darhaqiqat, bilimning foydasi, jaholatning zarari haqidagi o'zaro muqoyasali tasvir asarning asosiy qismini egallaydi. Shoir kitobning kirish qismlari — hamd, na't va choryorlar madhidan so'ng Sipohsolor maqtoviga va shundan keyinoq ilm haqidagi fikrlarga o'tadi. Uning fikricha, baxtga etishishning yo'li bitta, u ham bo'lsa, ilmdir. Shoir qiyoslar keltiradi. Masalan: ilmlining o'zi o'lganda ham nomi o'lmaydi. Ilmsiz tirik o'likdir, o'zi hayot bo'lsa ham nomi o'likdir. Nom kishini yuksakka ko'taradi, ilmsizlik tubanlashtiradi va hokazo.

Kitobda salmoqli o'rinni odob-axloq masalalari egallaydi. Ahmad Yugnakiy fikricha, bilan birgalikda to'g'ri so'zlamoq kerak. To'g'ri so'z tilning bezagidir. Shoirning to'g'ri va yolg'on so'zlar uchun qo'llagan o'xshatishlari ham e'tiborni tortadi. To'g'ri so'z yoqimli bo'lganidan uni shirinliklarning eng yaxshisi – asalga, yolg'on so'zning achchiq ta'sirini esa yovvoyi sarimsoq piyoz (basal)ga qiyoslaydi. Yugnakiy bu bilan kifoyalanmasdan to'g'ri va yolg'on so'zni tinglovchi ko'zi oldida yanada aniqroq gavdalantirishga urinadi. Bu maqsadda kasallik va uning davosi bilan bog'liq o'xshatishlarni keltiradi. Bunda yolg'on so'z dard, kasallikka, to'g'ri so'z esa uning davosiga qiyoslanadi:

Ko'ni so'z asalteg, bu yalg'an – basal,
Basal yeb achitma ag'iz, ye asal.
Bu yalg'an so'z igteg, ko'ni so'z – shifa,
Bu bir so'z o'zag'i urulmish masal.

(To'g'ri so'z asal kabidir, yolg'on (so'z) sarimsoq piyozdir,

Sarimsoq piyoz yeb og'izni achitmay, asal yegin.

Yolg'on so'z kasallik kabidir, chin so'z shifodir,

Bu so'z to'g'risida (qadimda) shunday masal to'qilgan.*)*

So'zni o'z o'rnida qo'llash — nozik san'at. Uning nazokatini teran anglash uchun, eng avvalo, bilim hamda bilimdonlik, zukkolik kerak. Bilimli odam so'z qo'llash me'yorlarini ham biladi, undagi ma'no nozikliklarini yaxshi his qiladi. Bilimsiz esa so'zni pala-partish ishlataveradi, unda ifodalangan ma'noning kishi qalbiga, ruhiy olamiga ta'sirini nozik anglashdan mahrum. Har kim ko'rgilikni tilidan ko'radi, deb ta'kidlanishiga sabab ham aslida shu bilan bog'liq:

Neki kelsa erka tilitin kelur,
Bu tiltin kim ezgu, kim aqir bo'lur.

*(*Kishi boshiga tushgan har qanday ish uning tili tufayli sodir bo'ladi, Bu til sababli ayrimlar yaxshilik, ba'zilar hurmat ko'radi).

Eshit, but bu so'zga qamug' tengda teng,
Ko'zub, tilga yuknub tazarru qilur.

(Bu butun so'z (o'git-nasihat) barchaga teng, Ular so'zni hurmatlab, tilga yukinadilar).

Shoir so'zni to'g'rilikka burib, to'g'ri so'zlik va to'g'rilikni ulug'laydi:

Ko'ni bo'l, ko'nilik qil, atan ko'ni,
Ko'ni tiyu bilsun xaloyiq seni.

*(*To'g'ri bo'l, to'g'ri ish qil, to'g'ri deb nom chiqar. Xaloyiq seni to'g'ri deb bilsin*).*

Asarning maxsus bir bobi dunyo va umr haqidagi falsafiy kuzatishlarga bag'ishlangan. Shoir dunyoni odamlar bir qo'nib o'tib ketadigan karvonsaroy (rabot) deb tushuntiradi. Unga qanchadan-qancha karvonlar kelib ketaveradilar. Shu sababli, mol-dunyo orqasidan quvish aqlli kishining ishi emas. Bu dunyo boyligidan yegulik, kiygulik bo'lsa, yetarli, ortiqcha tilama. Ortiqchasi — ziyon, uvol. Dunyo lazzati vaqtinchalik. Uning mazalik davri bir pasda yeldek o'tib ketadi. Yigit keksayadi, yangi eskiradi. Obodlik vayronlikka yuz tutadi. Boyliging bugun bor, ertaga yo'q. Qani qanchadan-qancha donolar, faylasuflar?! Ularning mingdan biri qolmadi. Dunyo bir qo'li bilan asal tutsa, ikkinchi qo'li bilan zahar tutadi. Bu dunyo - ilon. Avraydi, aldaydi, qo'yningga kirib oladi va zahrini quyadi. Unga ko'ngil bermoq aqldan emas. Baxt - omonat. U qushdek uchib yuradi. Hech kimning boshida uzoq turmaydi.

Adibning bu muqoyasalari mol-dunyo uchun olib boriladigan qirg'in-barot urushlarga, zulm-zo'ravonlikka dashnom edi. Shuning uchun ham u saxiylikni insonlikning eng muhim belgisi deb biladi. Baxilni qoralab, saxiyni ulug'laydi:

Axi bo'l, sanga so'z so'kunch kelmasun,
So'kunch kelgu yo'lni axilik tiyur.

*(*Saxiy bo'l, senga la'nat kelmasin, saxovat la'nat yo'lini berkitadi*).*

Uningcha, saxiy har qanday tosh ko'ngilni ham erita oladi. Nimani tilasa, erisha oladi. Ular o'zlaridan yaxshi nom qoldiradilar va bu nom tufayli uzoq yashaydilar. Baxillar esa, o'z mollarini harom bilan yig'adilar va hamisha la'nat ostida qoladilar. Baxillik dori bilan tuzatib bo'lmaydigan kasallikdir. Baxillik harislik (mol-dunyoga hirs qo'yish) bilan yonma-yon yuradi. Baxil mol-dunyoga quldir. Saxiyga esa, mol-dunyo quldir. Kishilar saxiyni sevadilar. Baxil yemay-ichmay, mol-dunyo to'playdi va to'plagani boshqalarga, ko'pincha, dushmaniga buyuradi.

Adib fikricha, muhim insoniy sifatlardan biri muloyimlik, kichikfe'llikdir. Dunyoda manmanlikdan, takabburlikdan yomon narsa yo'q. Muloyimlik manmanlik belgisidir. Eng go'zal insoniy fazilatlardan biri boshqalarga marhamat ko'rsatish, lutfu karamdir:

Yemishsiz yig'ochtek karamsiz kishi,
Yemishsiz yig'ochni kesib, o'rtagil.

*(*Birovlarga himmat, marhamat ko'rsatmaydigan kishi mevasiz daraxt kabidir. Mevasiz daraxtni kesib yondirgin*).*

Xalq ishongan aqidaga ko'ra, daraxt ekishdan maqsad uning mevasidir. Daraxt o'ssa-yu, mevasi bo'lmasa, bu unga sarflangan mehnatning bekor ketganligi nishonasidir. U qurigan daraxt kabidir. Uni kesib yoqish kerak. Shu vaziyatni shoir insonga tatbiq etadi. Insonning ham inson qilib yaratilishidan maqsad uning atrofidagilarga himmatli, marhamatli bo'lmog'idir. Aks holda sen uni inson hisoblama, u inson emas.

Yusuf Xos Hojib singari adib Ahmadning ham eng katta orzularidan biri el-yurt osoyishtaligi edi. U zulm-zo'ravonlik dushmani edi. Aslida zulm Qur'on va hadisda ham qoralanadi. Shoir fikrini xuddi shu nuqtadan davom ettiradi, payg'ambarimizning bu boradagi hadislarini sharhlaydi:

Jafo qildachingg'a yanut qil vafo,
Arimas, necha yuvsa, qon birla qon.

*(*Jafo qiluvchiga sen vafo bilan javob qil, qonni qon bilan qancha yuvsa ham toza bo'lmaydi*).*

Kuch emgak tegurma kishiga qali,
Agar tegsa emgak kishidin ko'tur.

*(*Imkonini topsang, kishiga zulm-zo'ravonlik qilma. Agar biror kishi qiyinchilikka duch kelsa, unga yordam ber*).*

Agar kelsa ertin sanga ezguluk,
O'kush qil, ul erning sanosin tila.

*(*Agar biror kishidan senga yaxshilik kelsa, sen u kishini maqta. U kishining duosida bo'l*).*

Yozug'lug' kishining yozug'in kechur,
Adovat ko'kini qazib kes, ko'chur.

*(*Gunohkor kishining gunohini kechir. Adovat – dushmanlik ko'chatini qazib olib, ko'chirib tashla*).*

Alinglansa tutnub, g'azab, inod o'ti,
Halimliq suvin soch, ul o'tni o'chur.

*(*G'azab o'ti tutab, alangalanib avj olsa, muloyimlik bilan shafqat, marhamat, haqiqat suvini sochib, uni o'chir*).*

Shoir zamonasidagi nosozliklar haqida so'zlaydi. Hayotdagi adolatsizliklar, vafo o'rniga jafo, sadoqat o'rniga xiyonat ko'payganligiga diqqatni qaratadi. Do'stlik degan narsaning faqat nomi qolganligi, chinakam do'st mingtadan bitta ham topilmasligini, haqiqiy insonlikning oradan ko'tarilganini aytadi. Yaxshilar kamayib, yomon ko'payganidan shikoyat qiladi. Lekin u zamonani qoralamaydi. Aybni odamlardan qidiradi. Chunki zamonaning egasi odamlardir:

Yirarsan zamonangni, xalqni qo'yub,
Zamonangni yirma, kishisini yir.

*(*Xalqingni qo'yib, zamonangni ayblama. Zamonangni emas, kishilarini aybla*).*

Ko'rinayaptiki, Ahmad Yugnakiy davrining eng eng dolzarb masalalarini insoniylikning asosiy belgilari bilan bog'lab tahlil qiladi. Xullas, shoir kishilarga ibrat, ta'lim beruvchi, ularni odobga chaqiruvchi pandnoma, go'zal va totli bir asar qoldirib ketdi.

«Hibat ul-haqoyiq» asari badiiy jihatidan ham yetuk edi. Doston, asosan, aruzning mutaqorib bahrida to'rtliklar bilan yozilgan. Vaqti-vaqti bilan shoir masnaviyga ham murojaat qiladi. Asarning ifoda tarzi - ta'sirchan, serbo'yoq, o'xshatishlarga boy. Asar boshidan oxirigacha pandnoma yo'lida bitilgan yaxlit bir dostondir. Shoir badiiylikning xilma-xil vositalaridan samarali foydalanadi. Jumladan, unda tashxis (jonsiz narsalarga jonli narsalarning xususiyatlarini singdirish)ning go'zal namunalarini uchratamiz:

Aning baxshishidin bulut o'ptanur..

*(*Uning marhamatidan bulut uyaladi*).*

Ochun kulchirar boz alin qosh chetar,
Bir ilkin tutub shahd, biri zahr qotar.

*(*Olam kulib boqadi, so'ng birdan qovog'ini

O'qituvchiga yordam

soladi. Bir qo'li bilan asal bersa, ikkinchisi bilan zahar tutadi*).*

Asarda turkiy tilning o'ziga xos jozibali so'zlari katta o'rin tutadi. Asarda takrorlanishlarini hisobga olmaganda mingga yaqin so'z qo'llangan, ularning uchdan ikki qismini sof turkiy so'zlar tashkil etadi. Faqat bir qism so'zlargina arab va fors tilidan o'zlashgan. Buni «Qutadg'u bilig» tili bilan qiyoslasak, adabiy tilda arabcha va forscha so'zlar salmog'i ortib borayotganini ko'rish mumkin. Chunki «Qutadg'u bilig»da arabcha va forscha so'zlar salmog'i 4–5 foizdan oshmaydi. Asarning til xususiyatlari bir tomondan XI asrda yaratilgan «Qutadg'u bilig»ga, ikkinchi tomondan «Qissasi Rabg'uziy»ga o'xshab ketadi. Shunga ko'ra uni XII asr oxiri XIII asr boshlarida yaratilgan deb aytish mumkin.

Ahmad Yugnakiy tazod — o'zaro zid ma'noli so'zlarni ko'p ishlatadi. Chunonchi: bilim-jaholat, halol-harom, to'g'rilik-egrilik, atlas-bo'z kabi:

Baholiq dinor ul biliklik kishi,
Bu johil biliksiz bahosiz bishi.
Biliklik biliksiz qachon teng bo'lur,
Biliklik tishi er, jahil er—tishi.

Qimmatli dinordir ilmli kishi,
Keraksiz mevadir ilmsiz kishi.
Ilmli ilmsiz qachon teng bo'lar,
Ilmli ayol erdir, johil er - ayol.)

Bu to'rtlik to'lig'icha o'zaro zid ma'noli so'zlarga tayanadi. Baholiq — bahosiz, biliklik — biliksiz, tishi — er *so'zlarining ma'nolari orasidagi qarama-qarshilik vositasida Ahmad Yugnakiy bilim, ilm-ma'rifatning qadrini ko'rsatishga muyassar bo'lgan.*

«Hibat ul-haqoyiq» o'zidan keyingi adabiyotga sezilarli ta'sir ko'rsatdi. Buning yorqin dalili Navoiyning e'tirofi, mumtoz she'riyatimizda didaktikaning uzoq asrlar asosiy unsurlardan bo'lib kelganligi, ilm-fanga rag'batning hech qachon so'nmaganligi, axloq va odobning hamma zamonlarda yuksak qadrlanganligidir.

Savol va topshiriqlar

1. Alisher Navoiyning adib haqidagi fikrlarini yodga tushiring. Mutafakkirning adib Ahmad shaxsi, salohiyati haqidagi xulosalarini eslang.

2. «Hibat ul-haqoyiq»da bilimga qanday ta'rif berilgan? Chiqishda bilimga buncha katta e'tibor berilishi sababini izohlang.

3. ***Asarning:*** «Tiling bekta tutg'il, tishing sinmasun» ***misrasi orqali ifodalangan ma'no va uning tasvir yo'sini haqida fikrlang.***

4. Shoirning mol-dunyoga hirs qo'ymaslik, saxiylik va baxillik haqidagi fikrlarini matndan topib sharhlab bering.

5. ***Dostondagi:*** «Emishsiz yig'ochtek karamsiz kishi, Emishsiz yig'ochni kesib o'rtagil» ***satrlarini tahlil qilib bering.***

6. Shoirning zulm-zo'ravonlik haqidagi fikrlariga e'tibor qiling. U el-yurt forovonligi va osoyishtaligini ta'minlash uchun nimalarni taklif qiladi?

7. Adib Ahmadning o'zgalar aybini kechirish to'g'risidagi qarashlariga munosabat bildiring.

Asarning badiiy xususiyatlari janri, vazni, ifoda tarzi haqida fikr bildirishga urinib ko'ring.

Xurshid, ayniqsa, XX asrning 20—30-yillarida ijodiy jarayonda katta shuhrat qozondi, mashhur dramaturg, teatr namoyandasi, taniqli ma'rifatparvar shoir sifatida dovrug' taratdi.



Xurshid tavalludining 110 yilligiga

САҲНА ҚАЛДИРҒОЧИ

XX асрнинг 10 — 20-йиллари ўзбек миллий драматургияси ва янгича театрининг юзага келиб, шаклланиши ҳамда равнақ топишида катта ва муҳим аҳамият касб этди. Айни шу палларда театр маданияти майдонига йирик драматурглардан ва атоқли театр намояндалари ҳамда ташкилотчиларидан — Беҳбудий, Мунаввар қори, Абдулла Авлоний, Фитрат, Ҳожи Муйин, Абдулла Бадрий, Хуршид, Тангриқул ҳожи, Ҳамза, Қодирий, Ғози Юнус, Шораҳим Шоумаров, Қори Ёқубий, Ғулом Зафарий, Маннон Уйғур, Чўлпон, Камол биринчи, Миршоҳид Мироқилий, Миронов, Аброр Ҳидоятов, Музаффар Муҳамедов, Ятим Бобожонов, Махсума Қориевалар кириб келиб, фаоллик кўрсатдилар, самарали ижод қилдилар. Айнан шу даврларда биринчи ўзбек театршунос-мунаққиди Мирмулла Шермуҳаммедов ҳам қизғин фаолият кўрсатиб келди.

XX асрнинг 10 — 20-йиллари маънавий-маданий ҳаётига, миллий драматургия, театр, мусиқа санъати жараёнига, «чолғули манзума» ва «чолғули ҳангома» каби мутлақо янги атама, жанрлари олиб кирилди ҳамда бунингдек муҳим, хосиятли ташаббус бошида атоқли драматург, йирик театр намояндаси ва ташкилотчиси, ўша вақтлардаёқ халқ орасида яхши маълум бўлган ажойиб шоир Шамсиддин Шарофиддинов — Хуршид турди. Мазкур ташаббус наинки Ўзбекистонда, балки бутун Туркистон ўлкасида юзага келган, авваллари маданий ҳаётда сира учрамаган янги атамалар, миллий шевадаги саҳна санъати турлари эди ва бизлардаги ўзига хос, халқчил «мусиқий драма» ҳамда «мусиқий комедия» тушунчаларининг индаллоси, тамал тошини қўйиб берилиши эди ва мана шу хайрли ишни бадиий ижодкорликнинг илғор намояндаларидан бўлган Хуршид бошлаб берганди. Ушбу жанр — театр турининг дебочаларини ана ўша XX асрнинг 10 — 20-йилларида драматург ва театр намояндаси яратган «Ориф ила Маъруф», «Бечора волида ёхуд савдогар хотуни», «Қора хотун», «Аввали ҳой, охири вой», «Заволли ватан ёхуд Туркистон», «Кичик аскар», «Ҳамият еринда хиёнат», «Буюк аскар» сингари «чолғули манзума», «чолғули ҳангома», яъни «мусиқий драма» ва «мусиқий комедия»ларда ҳам кўриш мумкин. Бунингдек мусиқий саҳна асарлари ўша вақтлардаёқ Андижон, Фарғона, Конибодом театру тўдалари томонидан саҳналаштирилиб, томошабинларга кўрсатилган эди; шунингдек, мусиқий саҳна «томошо»лари Тошкентдаги «Шайҳовандтаҳур», «Каффоли Шоший», «Чой-сарой», «Шарқ саҳнаси», «Роҳат боғи», «Деҳқонлар уйи», «Қойихон-қули», «Кўкалдош мадрасаси», «Профинтерн» клуби, «Темур тўдаси», «Турон саҳнаси», «Апполо», «Колизея», «Тилак» тўдаси, «Мирмуҳсин театруси» саҳналарида, «Ҳуррият уйи»даги театру саҳнасида («Жадид ва Қадим», «Ҳамият еринда хиёнат», «Кичик аскар») намойиш этилар ва бунингдек спектакларнинг афиша, программалар (маромномалар)и пештоқига, Хуршид — «Театрудан олиб ибрат тараққий топди Оврупо», «Театру вермиш биза нур ила зиё», «Театру ҳаёт кўзгусидир», «Театру ҳаёт ва ибрат мактабидур», «Театру маърифат ва нафосат мактабидур», «Театру ҳақиқат оинасидур, ҳаёт дорилфунунидир» деган пурмазмун таълим-тарғибий, нафосатий-ташвиқий сўзлару гўзалликка чорловчи даъватномаларни чиройли ҳуснихатлар билан ўзи битиб қўярди. Мана шундай олижаноб саъй-ҳаракатларни, таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқот ишлару ташаббусларни эслаб, зикр этарканмиз, атоқли олим, таниқли адабиётшунос ва мунаққидлардан бўлган академик Иззат Султон, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Ҳомил Ёқубов, ўзбек архитектурасининг қалдирғоч намояндаси Абдувоҳид Жаҳонгиров, кашшоф бастакорлардан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Шораҳим Шоумаров ва академиклардан Яҳё Ғуломов, Юнус Ражабий, халқ артисти, давлат мукофоти нишондори Тамара хонимларнинг — «Хуршид XX асрнинг буюк мутафаккири, театру санъати, маданий меросимизнинг улкан тарғиботчиси, фидойи ва заҳматкаш ташвиқотчиси эди», деган самимий сўзларини хотира тасмасида жонлантиргимиз келади...

XX асрнинг 10-йилларида драматург Хуршид ўзбек мусиқий театрчилиги жараёнига «оперетта», «кичик опера» сингари атамаларни ҳам олиб кирди ва бир қатор бир пардали ҳамда кўп пардали мусиқий саҳна асарларини яратди. Мана шундайлар қаторида «Кичик аскар», «Буюк аскар», «Заволли Ватан» тетралогияси ҳам мавжуд эди ва булар Тошкентнинг эски шаҳаридаги «Шарқ», «Кўкалдош» саҳналарида намойиш этилганди. 1918—1919 йилларда матбуотда ёритилган тақризу мақолаларида Мирмулла Шермуҳамедов, жумладан, «Иштирокиюн» газетасидаги тақризида «Кичик аскар»ни ёш томошабинлар учун яратилган биринчи ўзбек операси дея атаганди ҳамда афиша, маромномалар пештоқига «Театрудан олиб ибрат, тараққий топди Оврупо» деб ёзиб қўйган ҳамда уларда мусиқий рамз бўлган «лира»ни акс эттирганди.

Театр борасидаги ташкилотчилик-тарғиботчилик ишларида ҳам Хуршиднинг ўша паллалардаги кашшофлик фаолияти жиддий ва салмоқли аҳамият касб этади, шунингдек, унинг ташаббускорлиги билан ўлкадаги қалдирғоч дорилфунун (Мунаввар қори тўғонбошисида турган) «Дорил муаллимин» қошида театру тўдаси ташкил этилганди (1918 й.) ва унинг фаолиятида Шораҳим Шоумаров, Аброр Ҳидоятов, Сайфи қори Олимов, Обид Жалилов, Собиржон Раҳимий, Абдувоҳид Жаҳонгиров, Асқаров сингари иқтидорлар қатнашиб, роллар ўйнагандилар. Келгусида булар республика маданий ҳаётининг таниқли намояндалари бўлиб қолдилар.

Шамсиддин Шарофиддинов—Хуршид ташаббуси билан Тошкентда XX асрнинг 10-йиллари сўнгларида (1918—1920 й.й.) ташкил этилган «Темур», «Тилак» каби адабий, драматик, мусиқий, маърифий тўдалари ҳам назм, драматургия, мусиқавий ва театрчилик санъатимизнинг равнақи йўлидаги дебоча саъй-ҳаракатлардан эди. Ушбу театру труппаларига Хуршид наинки бош-қошлик қилди, унда режиссёрлик ва актёрлик фаолиятини ҳам авж олдириб, спектакларни саҳналаштирди ҳамда саҳна асарларидаги етакчи ролларни ижро этди. Мазкур театру труппалари ва ижодий тўдалари ўша давр ёшларининг маънавий камолотида, маърифий тарбиясида муҳим эстетик аҳамият касб этди. Бу ижодий тўдалар, айниқса, олий ўқув масканида, ўрта махсус билим юртларида, мактабларда кенг таълим-тарғибот ишларини олиб борардилар. XX асрнинг 10, 20, 30-йилларида Хуршид маориф соҳасида бундай ишларни амалга оширишга катта аҳамият берди ва Тангриқул ҳожи, Ғулом Зафарий, Ғози Юнуслар сингари мактаб театру тўдалари учун бир қатор кичик ва катта пьесалар ёзиб бериб, уларни саҳналаштиришда ҳам фаол қатнашди. Мана шундай пьесалар қаторида «Ёмон ўртоқ», «Шаҳзода ва тиланчи», «Аввали ҳой, охири вой», «Маҳмуд чапан», «Тарякхўр (кўкнорихўр)» каби ёшларни соғлом маънавий камолотга, эстетик бойликларни ўзлаштиришга, меҳр-оқибатли, ҳалол ва пок виждонли бўлишга, яхши ўқишга, Ватанга садоқатли бўлишга даъват этувчи «кичик опера», драматик саҳна асарлари, мусиқий пьесалар — «чолғули манзума», «чолғули ҳангома», «оперетта»лар ҳам мавжуд эди. Атоқли ижодкор ва саҳна санъатининг улкан тарғиботчиси мактабларда, клубларда «Қўвурчоқ(қўғирчоқ)», «Чодир хаёл», «Лайзонгул», «Муқаллид» театру-ҳаваскорлик тўдаларини ҳам ташкил қилиб, болаларни саҳна санъати, театр маданиятига кенг жалб қилиш борасида катта ва салоҳиятли ишларни амалга оширди; себзорлик машҳур Исроил қўғирчоқбоз, довруғли Рафиқ қизиқлар билан ҳамкорликда қадимдан силсила тортиб келаётган миллий қўғирчоқбозлик ва «мазхара (масхара)—қизиқчилик санъатимизни сақлаб қолиш ва равнақ топтиришга катта ҳисса қўшди. Бундай томошалар айниқса Хуршиднинг ўзи фаоллик кўрсатган «Қойихон қули», «Кўкалдош», «Шайҳовандтаҳур» театру саҳналарида намойиш этилиб турарди. Буюк маърифатпарвар ижодкор ва нафосат тарғиботчиси ташкил этган мана шундай театру—драматик тўдаларидан келгусида атоқли драматург, саҳна намояндалари, етук шоирлар, театр намояндалари, маърифатчилигимизнинг таниқли арбоблари, элда яхши маълум бўлган қалам соҳиблари етишиб чиқдилар. Бу борада айниқса «Темур» адабий, драматик, мусиқий бадиий-ижодкорлик тўдаси(уюшмаси, 1918-19 й.й.)нинг моҳияти, салоҳияти салмоқли бўлди. «Темур» тўдаси фаолиятида ўша паллаларда ёш иқтидорлардан бўлган: Ойбек, Боту, Олтой, Ғайратий, Воҳид Зоҳидов, Субутой Долимов, Умаржон Исмоилов, Собир Муҳаммедов (таниқли кинодраматург), Карим Абдуллаев(композитор), Акбар Асқаров(профессор), Зиё Саид, Ботир(шоир), Сайдимаъруф Карим, Саъдулла Норхонов (Фарҳод роли ижрочилари) иштирок этардилар. Улар ижод бўстонига мазкур адабий, драматик, мусиқий тўда(уюшма)дан тетапоя қилгандилар. Хуршиднинг ўзи бу ерда адабий раҳбар, режиссёрлик қиларди, турли асарларни саҳналаштириб, оммага кўрсатарди.

Хуршид, айниқса, XX асрнинг 20—30-йилларида ижодий жараёнда катта шуҳрат қозонди, машҳур драматург, театр намояндаси, таниқли маърифатпарвар шоир сифатида довруғ таратди. У ижодий фаолияти мобайнида 30 га яқин катта ва кичик саҳна асарлари яратди, булар орасида «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун»лар айниқса санъат мухлислари орасида улкан шуҳратга эга бўлди. Унинг қаламига жаҳон, Ғарб, Шарқ, рус ва бошқа мумтоз драматургларнинг шеърий асарларининг таржималари ҳам мансубдир. Хуршид шеъри ила айтиладиган қўшиқ, маршлар ҳам 100 дан ортиқ эди.

Хуршиднинг маданиятимиз, маърифатчилигимиз, драматургиямиз ҳамда театр санъатимиз равнақига қўшган катта хизматлари юксак баҳоланди. Унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони берилганди. Хуршиднинг номида бугун Тошкентда маҳалла, кўча, 65-мактаб ҳам бордир. Мустақиллигимиз боис унинг номи, ижодий мероси янада эъзозланиб, қадрланмоқда. Шу кунларда таваллудининг 110 йиллиги нишонланаётганлиги ҳам мана шундан далолат беради.

Б.НАСРИДДИНОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими,
О.РИЗАЕВ,
санъатшунослик фанлари номзоди,
Р.ШАРАФИДДИНОВА,
ЎзФА Алишер Навоий номидаги адабиёт музейининг катта илмий ходими

Fanimiz fidoiylari

УМР ДАФТАРИ



Келажаги буюк Ўзбекистонимизнинг ҳақиқий ворислари — навқирон авлод таълим-тарбияси, камолотини узлуксиз таълим тизими муассасалари ходимлари, жумладан, олий ўқув юрти ўқитувчилари ихтиёрига ишониб топшириб қўйилган. Ана шу шарафли, айни пайтда ўта масъулиятли вазифани сидқидилдан адо этаётганлар сафида география фанлари номзоди, Жиззах давлат педагогика институти Минтақавий география ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири, доцент Камол Қурбоновнинг ҳам муносиб ўрни бор.

Жиззах вилоятининг Жиззах туманида таваллуд топган Камол Қурбонов 1963 йилда Тошкент Давлат педагогика институтини тугатиб, география ихтисослиги бўйича ўқитувчи касбини эгаллади.

Камол Қурбонов ўша йилларни эслар экан, институтда сўнгги давлат имтиҳонини топшириб шарафли касб эгаси — ўқитувчи бўлганидан ўша куниёқ ота-онасига мамнун, қувончи ичига сиғмай хабар қилганини кечагидай эслайди. Ҳа, қувонмай бўладими, ҳадемай ўзи ўқиган жонажон мактабига қайтиб, уни олий ўқув юртида ўқишга даъват қилган устозлари сафида болаларга зиё тарқатади. Қанчадан-қанча ўқувчилар унга меҳр билан "Устоз" дея мурожаат қилади, шунинг ўзи бахт эмасми?! Шу билан бирга илмга ошуфта қалби яна ўқишга — аспирантурага ундарди. Шундай хаёллар оғушида 5 йил таҳсил кўрган қадрдон илм даргоҳидан кетатуриб, ногаҳон кафедра мудири, доцент Паттох Баратовга дуч келади. Паттох Баратов уни аспирантурада ўқишга даъват қилади. Устознинг даъвати унинг аспирантурада ўқиш масаласидаги иккиланишини тумандек тарқатиб юборди. Шу воқеадан кўп ўтмай ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг география факультети аспирантурасига кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширади ва Тошкентда қолиб ўқий бошлайди.

Аспирантурани ўтаб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси қошидаги «География» бўлимида кичик илмий ходим лавозимида илмий изланишларини давом эттиради. Номзодлик диссертациясини 1980 йилда ҳимоя қилгач эса, катта илмий ходим вазифасида ишлайди. Айни пайтда «Ўзбекистоннинг янги ўзлаштирилган туманларида агросаноат мажмуаси эҳтиёжи негизида қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил қилиш» мавзусида докторлик диссертацияси бўйича тадқиқот олиб бориб, 2 та монография чоп қилдирди.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, вилоятлардаги олий ўқув юртларини моддий техник ҳамда малакали кадрлар билан таъминлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланиб, у зиёлилар зиммасига қўшимча масъулиятлар юклади. Шундай вазиятда Камол Қурбонов туғилиб ўсган юрти, Жиззах давлат педагогика институтида фаолият кўрсатишни ватанпарварлик бурчи деб билди. Мана 10 йилдирки, у мазкур илм даргоҳида доцент, кафедра мудири, декан муовини вазифаларида сидқидилдан хизмат қилмоқда. Ўзи бошқараётган кафедрадаги ўқитувчилардан юксак савия, билим ва маҳорат, тинимсиз изланишни талаб қилиш учун аввало унинг ўзи шу жиҳатларда намуна бўлмоқда. Кафедрани бошқариш билан бир пайтда талабаларга сермазмун, таъсирчан маърузалар ўқийди, айни пайтда педагогик фаолиятга докторлик диссертация изланишларини уйғун олиб бормоқда.

Амалиётсиз илмни мевасиз дарахтга ўхшатса бўлади. Зеро, ҳаётда қўлланмаган, самара бермаган илм ҳақида ижобий фикр айтиш қийин. Камол Қурбонов бундай тоифалардан эмас. Унинг изланишлари асосида тузилган 30 га яқин хариталардан турли йилларда Ўзбекистон географик атласларини яратишда унумли фойдаланилган.

«Ўзбекистонда чўлланиш ҳодисаси ва унга қарши кураш» номли рус тилида чоп қилинган монографияси хорижлик мутахассисларни ҳам қизиқтирмоқда. Инчинун монографиянинг ўнлаб нусхаси буюртма бўйича жаҳоннинг 17 мамлакатидаги компанияларга етказиб берилган.

Камол Қурбонов кафедрага раҳбарлик қилган йилларида географияга ҳавасманд талабалар сони кўпайди. Республика олий ўқув юртларияро ўтган «Талаба ва фан-техника тараққиёти» (2003) олимпиада мусобақаларида кафедранинг 3 нафар талабаси совринли ўринни қўлга киритди. Шунингдек, унинг ташаббуси билан вилоятдаги О.Икромов номидаги 4-сон ҳамда Ҳ.Носиров номидаги 16-мактабларда географияга ихтисослашган синфлар ташкил қилинди.

40 йиллик илмий-педагогик фаолият... Бу даврда орттирилган бой тажриба бу фидоий олим умр дафтарининг ёрқин саҳифаларини ҳали қанчадан-қанча эзгу ишлар билан тўлдиражак.

Жаҳонгир МУСАЕВ,
география фанлари номзоди

Kimyoviy-texnologik tadqiqotlar, arxeologlar tomonidan topilgan shishasozlik ustaxonalari O'rta Osiyoning o'rta asrlarda shishasozlikning o'ziga xos va mustaqil markazlaridan biri bo'lganligidan dalolat beradi.

Moziydan sado

ШИШАСОЗЛИК МАРКАЗЛАРИДАН БИРИ

Инсон шишанинг безак ва турмуш буюмларини ясаш учун зарур ва фойдали хусусиятларини анча олдин кашф қилган.

Шиша ва унинг хусусиятлари билан илк танишув қадим замонларга бориб тақалади. У қачон ва қаерда кашф қилингани ҳозирча маълум бўлмаса-да, қадимги Шарқ давлатлари, айниқса, Миср, Месопотамия, Финикия, кейинроқ Ўрта Осиё ҳам шишасозликнинг қадимги марказлари эканлиги, шубҳасиздир.

Ҳозирги кунда Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларидан топилган, эрамиздан аввалги I мингйилликка тегишли шиша буюмлар топилмалари ҳақида археологик ва ёзма манбалар мавжуд.

1048 йили Беруний бу хусусда алоҳида катта асар ҳам битган. "Қимматбаҳо металларни билиш тўғрисидаги тўплам" асарида у минераллар классификациясини келтириб, шишага санъат ашёси сифатида ёндашган. Ибн Сино асарларида ўрта асрлар шишасозлари ишлатган хом ашё материаллари ҳақидаги маълумотларга дуч келамиз. Машҳур аллома Ибн Хавснинг "Кичик Қандия" асарида шиша учун ишлатиладиган бўёқларга етарлича диққат ажратилган.

Хоразмдаги Кўкча қабристонида олиб борилган қазилмаларда археологлар шишасозликка оид кўплаб маълумотларни қўлга киритишган. Бу ердан ёрқин ҳаво рангидаги IX—XI асрларга оид шишадан ясалган мунчоқлар топилган. Бундан ташқари, Жонбошқалъа хароба-ларидан турли шакл ва рангдаги шиша мунчоқлар ҳам топилган. Ўтган эра охирларида ясалган кўплаб маржонлар ҳам қазиб олинган. Қадимий Термиздан топилган, эрамизнинг I асрига оид шиша тошқол ҳамда анча емирилган шиша буюмлар ҳам диққатга сазовор.

Ўрта асрлар шишасозлиги ҳақида сўз кетар экан, XI—XII асрлар Термиз шоҳлари саройида олиб борилган қазишмалардан топилган буюмларни таъкидлаш жоиз. Архитектура-декоратив безак вазифасини ўтаган алебастр панжарага зийнат бўлган шиша медальонлар ўша давр ижод маҳсулидир. Бир медальонда қуш ушлаган чавандоз тасвири, бошқасида ов саҳнаси, шунингдек, босма араб ёзуви нақшланган. Бундан ташқари, айлана ичида шер тасвири ёки шунчаки чечак кўриниши тасвири ҳам бор. Ушбу буюмларга яқин жойдан билагузук, қадаҳ ҳамда дераза ойнаси парчалари ҳам топилган.

Тошкент ҳудудидаги қазилмалар жараёнида ҳам кўплаб шиша буюмлар қазиб олинган. Олмазор даҳаси қурилиши даврида шишасозлик устахонаси қолдиқлари топилган бўлиб, у X—XII асрларга оид шаффоф яшил ва сариқ шишалардан ясалган йирик сув идиши, графин, флакон, кимёвий идиш, болалар беланчаги ва бошқа нарсалардан иборат бир бутун коллекцияни жамлаган эди.

Фарғона вилояти Қува шаҳарчасидан X—XII асрларга тегишли дераза ойнаси, аёллар зебу зийнатлари, шунингдек, турли идишлар қазиб олинган. Эгри-бугри, концентрик нақшли юпқа шишадан ясалган қадаҳлар алоҳида қизиқиш туғдиради.

Юртимиз ҳудудларида шишасозлик Ўрта Осиё шаҳарларининг X—XII асрлардаги гуллаб-яшнаган даврида юксак чўққисига кўтарилди. Айнан ушбу даврда шаҳар маданиятининг умумий кўриниши ҳамда ҳунармандлик, шу жумладан, шишасозликнинг тараққиёти кўзга ташланади. Ушбу даврларда бу ерларда турли ҳунармандлар, жумладан, шишасозлар жамланган даҳа—работлар шаклланди. Айнан шу даврда ишлаб чиқариш технологиялари такомиллашиб, шиша сифати яхшиланди. Шиша турмушда кенг қўлланиб, олимлар унинг кимёвий ва физик хусусиятларини тадқиқ қила бошладилар.

Таъкидлаш жоизки, Ўрта Осиёда ишлаб чиқарилган шиша буюмлар Кавказ ёки Қадимги Русь каби йирик ўрта аср шишасозлик марказларида ишлаб чиқарилганларидан етарлича фарқ қилади. Кимёвий таркиби хусусида сўз борганда, Ўрта Осиё шишаларининг ўзига хослиги янада ёрқин намоён бўлади. Ўрта асрлар Ўрта Осиё шишаларининг кимёвий таҳлили шуни кўрсатадики, улар калийли-натрий, кальций-магнийли шишалар сирасига киради. Шиша буюмларнинг асосий таркиби беш компонент: кремнезий, кальций, магний, натрий ва калий элементларидан ташкил топган. Улар биргаликда шиша таркибининг 93—95 фоизини ташкил қилади. Фақатгина Қува шишалари бундан мустасно.

Шишадан буюм ясаш жуда секин, эрамиздан аввалги 2500 йилдан эрамизгача бўлган мингйилликлар давомида ривожланган. Шишасозлик тарихидаги биринчи устахона археолог Флиндерс Петри томонидан Тел-эл-Амарна шаҳрида кашф қилинган бўлиб, у номаълум уста томонидан эрамиздан аввалги 1370 йилда барпо қилинган. Ўша даврда шиша қайнатиш печларида ҳарорат 1100 градусдан ошмаган. Шиша суюқ ҳолатга етмай, зич ва қайишқоқ бўлган ҳамда кўпиклар кўплиги эвазига ярим шаффоф ҳолига келган. Бундай қалин ва қайишқоқ шишани чўзиш, ёйиш, фақатгина пластик ҳолатда қайта ишлаш мумкин бўлган. Бўлакларга қандай ажратилгани ҳозиргача номаълум. Хумда қайнатилгач, шиша совутилган, ролик кўринишида қалин қилиб ёйилган, юпқа новда шаклида чўзилган, сўнгра мис симларга ўрашган. Агарда юзаси етарлича текис чиқмаса, дағал ва ғадир-будур бўлса, текислаш ва силлиқлаш учун яна печга солганлар. Мунчоқлар худди шу тартибда ясалган.

Таъкидлаш лозимки, бўлакларга ажратиш асбоби кашф этилгунича тайёрланадиган нарсалар, дейлик, идишларнинг ички юзаси жуда текис бўлмаган: баъзи жойлари туртиб чиққан, қум донаси қолдиқ изларни, чуқурчалар бўлган.

Эрамиз арафасида шишасозликда туб бурилиш рўй берди. Шиша пуфлайдиган трубка ихтиро қилинди. Бу даврда эритиш печлари ҳароратини янада кўтариш имконияти юзага келди. Эритилган шишанинг қайишқоқлиги пасайди, бўлакларга ажратиш сезиларли равишда осонлашди. Шиша пуфловчи трубкалар гоҳ керамика, гоҳо металдан ясаларди. Энди ғовак буюмлар алоҳида сайқаллангани билан ажралиб турар, ички юзаси деярли силлиқланган даражада эди. Умуман, Ўрта Осиёда сайқал бериш санъати юксак даражада бўлган. Силлиқлаш ва сайқал бериш билан шуғулланадиган махсус усталар бўлган. Бу ҳақдаги маълумотлар Берунийнинг "Минералогия" асарида ҳам бор бўлиб, шиша, тоғ биллури, зумрад, кварц, сердаликни сайқаллаш ва жило бериш юзасидан батафсил сўз юритилган.

Шиша пуфлайдиган трубкалардан ташқари, шиша идишлар ясашда уларнинг шакли ва мураккаблик даражасига қараб омбур, мўйчинак, илгич ва бошқа шаклдаги асбоблардан ҳам фойдаланилган.

Шундай хулоса қилиш мумкинки, Ўрта Осиё шишасозлиги ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу идишларнинг ўзига хос шакллари, шишанинг ушбу ҳудудга хос кимёвий таркибга эгалиги, шунингдек, ўзига хос ишлаб чиқариш технологияси билан характерланади. Айнан ушбу кимёвий-технологик тадқиқотлар, археологлар томонидан топилган шишасозлик устахоналари Ўрта Осиёнинг ўрта асрларда шишасозликнинг ўзига хос ва мустақил марказларидан бири бўлганлигидан далолат беради.

А.ГАЗИЗОВА

G'urur

ЎЗБЕКИСТОН МАДҲИЯСИ — МУҚАДДАС ҚАДРИЯТ

Мадҳиямиз бир неча босқичдан иборат ўзига хос тадрижий жараённи бошидан кечирди.

1990 йили Олий Кенгашнинг биринчи сессиясидан 1992 йил декабр бошларига қадар ўтган даврда мадҳия матни ва мусиқасини танлаш босқичлари давом этди. Ўтган давр мобайнида олтмишдан ортиқ шеър матни ва ўттизга яқин мадҳия мусиқаси танловга тавсия қилинган.

Танловга тақдим этилган шеърий ва мусиқий асарларни холисона баҳолаш ва Давлат мадҳияси танловини ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қошида махсус ишчи гуруҳ тузилди. Ишчи гуруҳ таркибига ўз соҳасининг таниқли мутахассислари таклиф қилинди. Унга Олий Кенгашнинг Миллатлараро муносабатлар, тил ва маданият қўмитаси раиси П.Қодиров раҳбарлик қилди.

Ишчи гуруҳ муқобиллик асосида уч асарни Олий Кенгаш муҳокамасига тавсия этди.

1. Абдулла Орипов сўзи, Бахтиёр Алиев мусиқаси.

2. Мирпўлат Мирзо сўзи, Рустам Абдуллаев мусиқаси.

3. Абдулла Орипов сўзи, Мутал Бурҳонов мусиқаси.

Бу уч асарнинг матни ва мусиқаси "Халқ сўзи" газетасининг 1992 йил 28 ноябрь сонида эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил декабрида бўлиб ўтган навбатдаги сессиясида учала асар муқобил вариантлар сифатида кўриб чиқилди.

Учинчи муқобил вариантдаги Абдулла Орипов ва Мутал Бурҳонов ҳамкорлигида яратилган асарнинг ярми ижро этилганда залдаги депутатлар қарсак чалиб ўрниларидан туриб қабул қилдилар.

Давлат Мадҳияси сифатида қабул қилинган матн ҳар жиҳатдан — куй-оҳанги, жарангли садоси, мазмун-моҳияти, ижтимоий-сиёсий залворлилиги тарафидан ҳам мукаммал.

Мадҳиямиздаги сўзларнинг мазмун-моҳиятини филолог олим Султонмурод Олимнинг "Олтмиш сўзнинг соҳир (сеҳрли) қудрати" мақоласини ўқиган одам тез тушуниб етади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисидаги қонунда Мадҳия Давлат суверенитетининг рамзидир, деб эътироф этилган. Мазкур қонунда "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясига зўр эҳтиром билан қараш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг ватанпарварлик бурчидир", деб таъкидланиши бежиз эмас.

Мадҳия сўзининг луғавий маъноси — таснифлаш, таърифлаш, мақташтир.

Гимн (изоҳли луғатда) — давлатнинг бирлиги рамзи сифатидаги тантанавор қўшиқ, деб таърифланган.

Давлат мадҳияси давлатнинг мустақиллиги таърифи, тавсифини улуғловчи даъваткор мусиқа ва қўшиқ ҳамоҳанглигини англатади. Давлат мадҳияси Республикамизда нишонланадиган умумхалқ байрамларига бағишланган тантанали йиғилишлар ва мажлисларнинг очилиши ва ёпилиши вақтида, республикамиз ҳаётидаги муҳим тарихий воқеаларни нишонлаш юзасидан, атоқли сиёсий, давлат ва ҳарбий арбоблар, халқ қаҳрамонлари, адабиёт ва санъат арбоблари шарафига ўрнатиладиган ҳайкаллар, шунингдек, монументлар, ёдгорликлар ва бошқа иншоотларнинг очилишида, Давлат идоралари ва жамоат бирлашмалари томонидан ўтказиладиган маросимларда, ташкилот раҳбарларининг қарорига биноан бошқа ҳолларда ҳам ижро этилиши мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон мадҳиясини мудофаа ва ички ишлар вазирликларининг қисмлари ҳамда идораларида, таълим муассасаларида ижро этишда ҳарбий уставлар, вазирликлар белгилаб қўядиган қоидалар билан тартибга солинади.

Мадҳиямизнинг ўзига хослиги, яъни халқнинг хусусиятлари билан Ватаннинг фазилатлари уйғунлашиб кетгани Ўзбекистондан узоқда халқаро спорт мусобақаларда қатнашиб, ғолиб бўлганларнинг суҳбатларида яққол сезилади. Улар ғолиблик шоҳсупасига кўтарилаётганларида, ринглар, стадионларда Ўзбекистон мадҳияси янграганда ўзларида ишонч, далда, ғурур сезишларини беихтиёр кўзларига ёш келиши билан ифода этишади.

Бунга асосий сабаблардан бири Ўзбекистон давлатининг "серқуёш, ҳур ўлкам", "олтин бу водийлар", "жон Ўзбекистон", "она юрт", "оламни маҳлиё айлаган диёр" тарзида турли-турли ифодалар билан мадҳ этилишидир.

Яна бир сабаб — халқнинг таърифи "эл", "халқ", "ўзбек" деган сўзлар билан тилга олиниши бўлса, қўшимча равишда яна "аждодлар" ва "авлодлар"нинг ҳам эслаб ўтилишидир.

Учинчиси — истиқлолга берилган таъриф "Истиқлол машъали, тинчлик посбони" бўлса, тўртинчиси — мадҳияга абадийлик руҳининг "Яшнагай то абад илму фан ижод", "Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод" мисраларига сингдирилганидир. Давлатнинг Конституцияси, қонунлар билан тасдиқланган мустақиллигини ифода этувчи: номи, чегараси, тили, байроғи, герби, пойтахти ва бошқа рамзлари билан бир қаторда мадҳияси ҳам Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун муқаддас қадриятдир.

Акрам АКМАЛОВ,
Тамара МИРУСМОНОВА

Ta'limni takomillashtirish, uni yuqori bosqichga olib chiqish o'qituvchi yoki faqatgina maktabning emas, balki har bir fuqaroning, hattoki ta'lim jarayonining asosiy ishtirokchilari bo'lgan o'quvchilarning ham qo'lidadir.

Jarayon

PEAKS "ЧЎҚКИ" ДЕГАНИ

лойиҳанинг мақсади эса таълимни юксак чўққига кўтариш

ТАЪЛИМ ҲАММА УЧУН

Мактаб ўқитувчилари, маҳалла ва ота-оналар ҳамда болаларнинг ўз муаммолари, ўй-хаёллари борлигини биламиз. Аммо кўпчилик бу муаммоларнинг турли соҳаларга бўлинишини билавермаса керак. Масалан, ўқитувчилар ўқувчиларнинг давомати, таълим соҳаси, жамоатчиликнинг таълим соҳасидаги яхши ёки ёмон иштироки борасида кўп ўйлайдилар. Дейлик, нега ўқувчиларнинг давомати пасайиб кетди, деган саволга улар "болалар дала ишларига жалб қилинадилар, тез-тез касал бўлиб турадилар, уй ишлари ва оилавий маросимлар туфайли мактабга келишмайди, ота-оналар боласининг таълим-тарбиясига масъулиятсиз" деган бир қатор сабабларни кўрсатишади. Худди шундай сабаблар маҳалла ва ота-оналар ҳамда болаларнинг муаммоларига айланган. Таълим соҳасидаги муаммолар: методик қўлланма ва адабиётларнинг, фанлар бўйича мутахассисларнинг, замон талабига жавоб берадиган техника воситаларининг етишмаслиги, дарсликлар билан таъминлашнинг ёмонлиги, жамоатчиликнинг таълим соҳасидаги иштирокининг яхши ёки ёмон бўлишида ҳам болаларнинг таълим олишга қизиқмаслиги, ўқитувчилар ва ўқувчилар орасида ўзаро ҳурматнинг йўқлиги, тўгаракларнинг яхши ишламаслиги, болалар вақтининг бекор ўтиши, маҳалла билан мактаб ҳамкорлигининг йўқлиги каби бир қатор масалалар ўртага ташланади.

Хўш, бу муаммолар яқин кунларда тилга олиндими, кимлар томонидан ўртага ташланди? Ва улар қачон ечилади ёки бу муаммоларни ижобий ҳал қилиш учун қандай ишларни амалга ошириш керак?

АҚШнинг Таълимни ривожлантириш академияси бошчилигидаги консорциуми томонидан амалга оширилаётган "PEAKS" лойиҳасида нафақат ЮСАИД, балки Очиқ жамият институти Кўмак, Буюк Британиянинг "Болаларни қутқаринг" жамғармалари, АҚШнинг худди шу номдаги ташкилоти, Abt Associatesлар ҳам иштирок этишмоқда.

"PEAKS" лойиҳаси ўқиш ва ўқитишнинг янги методларини татбиқ этиш, ўқув режалари ва дастурларини ислоҳ қилиш, маҳаллий бошқарув органларини мактаблар билан ҳамкорликка жалб қилиш, таълимдаги бошқарувни мустаҳкамлаш ва мактаб инфраструктурасини такомиллаштириш орқали Ўзбекистонда ўрта мактаб ёшидаги болаларнинг ўқув натижаларини яхшилашга ҳиссасини қўшишни ўз олдига мақсад қилиб олган.

Ушбу бошланғич ва ўрта таълимга кўмак Лойиҳаси 2003 йилнинг баҳоридан бошланган. У уч йилга мўлжалланган бўлиб, шу кунгача сезиларли натижаларга эришилди. Лойиҳа давомида тахминан яна 100 тача мактабни қамраб олиш режалаштирилган. Шу кунгача Халқ таълими вазирлиги ҳамда лойиҳа ҳамкорлари Тошкент шаҳри, Тошкент, Фарғона, Хоразм, Бухоро вилоятлари, Қорақалпоғистон республикасидан 11 та тажриба мактабларини танлаб, иш олиб бордилар.

Ўқитувчиларнинг малакасини ошириш доирасида "Қадам бақадам", "Мактабларни такомиллаштириш", "Танқидий фикр" каби махсус дастурлар бўйича бир қатор тренинг машғулотлари ўтказилди. 10 та мактаб ва 9 та мактабгача таълим муассасаси "Қадам бақадам" дастури бўйича жиҳозланди. 2003 йилнинг сентябридан юқоридаги таълим муассасаларининг 20 та синфи ва 18 та болалар гуруҳи янги ўқув методика дастури бўйича иш бошлади. Ушбу мактаб ва боғчалар ўқитувчилари билан бирга қатор муассаса ва ташкилотлар (жами 164 нафар) мутахассислари "Қадам бақадам" янги педагогик методика бўйича ўқув семинарларида қатнашиб, малака оширишди. Бундан ташқари "Танқидий фикр" дастурида 450 нафар ўқитувчи малака оширган бўлса, "Мактабларни такомиллаштириш" дастурида 20 нафар тренер тайёрланди ва улар шу кунгача тахминан 400 нафар ўқитувчи ва бошқарув ходимлари учун тренинглар ўтказиб, уларнинг малакасини оширишди. "Қадам бақадам", "Танқидий фикр" махсус дастурлари бўйича дарс ўтадиган ўқитувчиларнинг малака стандартлари ва улар қўйган шартлар ишлаб чиқилди ҳамда чоп этишга тайёрланди.

Жойларда Таълим бўйича маҳалла қўмиталарини тузиш ва имкониятларини такомиллаштириш компоненти бўйича 10 та Маҳалла Таълим Қўмитаси ташкил этилди ва улар асосида Оққўрғон ва Данғара туманларида катта тадқиқот ишлари олиб борилди. Мазкур ишлар жараёнида маҳалла таълим ахборот тизими ташкил топди.

Таълимда бошқарув салоҳиятини юксалтириш компоненти доирасида Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда мактабларни молиявий бошқаришда қатнашаётган бир қатор муассаса ва ташкилотлар билан суҳбатлар ва муҳокамалар ўтказилди. Шу муҳокамалар натижасида 2004—2005 йиллар давомида молиявий бошқарувда тажрибалар ўтказиш режалаштирилмоқда.

Юқорида қайд этилган ишлардан ташқари, Лойиҳа таълимнинг бир неча долзарб муаммоларини ёритишга ҳам ўз ҳиссасини қўшади. Гендер масалалари, таълим сифати, мониторинг ва баҳолаш ҳамда Донор (ҳомий) ташкилотлар ўртасида ўзаро суҳбатлар олиб бориш ҳам лойиҳа амалга оширишни кўзда тутган масалалардир.

Лойиҳа нафақат Ўзбекистонда, балки Ўрта Осиё мамлакатларида ҳам, жумладан, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистонда ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда. Лойиҳа доирасида ўзбекистонлик ўқитувчи-мутахассислар улар билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда.

ОҚҚЎРҒОНДА ФОРУМ

Тажриба учун танланган мактаблар орасида Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманидаги 6-ўрта мактаб ҳам бор эди.

Мактабда куни кеча-мана шу лойиҳанинг олти ойлик якунларига ҳамда келгуси ишларни белгилаб олишга бағишланган форум бўлиб ўтди.

Биз мактаб директори Қулмуҳаммад Нодировдан ушбу лойиҳа иштирокчиси бўлиб қолиш сабаблари ҳамда лойиҳа миқёсида олиб борилаётган ишлар хусусида сўрадик.

—2001 йили биз таълимни ривожлантириш бўйича СОРОСнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ўтказган танловида иштирок этдик. Мана шу танлов шартига кўра, "Ҳамкорлик мактаби" номи остида лойиҳа тайёрладик. Лойиҳамиз жамғарма томонидан маъқулланди ва биз танловнинг етти кишидан иборат лойиҳа тузувчиларга маблағ ва 5000 АҚШ доллари миқдоридаги техник воситалардан иборат бўлган грантини ютиб олдик. Мана шундан бошлаб бизнинг халқаро ташкилотларга аъзолигимиз бошланди. Шундан сўнг Буюк Британиянинг "Болаларни қутқаринг" ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, яъни Қўқон шаҳрида жойлашган "Зиё" Марказига СОРОС жамғармаси бизнинг мактабни ҳамкорликда ишлаш учун тавсия қилган. "Зиё" вакиллари мактабимизга келиб, аҳвол билан танишиб, ўқитувчилар, маҳалла, ота-оналар, ўқувчилар билан учрашиб, суҳбатлашиб "Зиё" билан ҳамкорлик қилишга таклиф этишди. 2003 йилнинг апрель ойидан бошлаб биз "Зиё" билан ҳам ишламоқдамиз. Марказ "PEAKS" лойиҳасини бошлаганидан сўнг (уларнинг "Таълим ҳамма учун" деб номланган шиори бор) Лойиҳа тренерлари энг аввало ўқитувчиларни қайта тайёрлашди, сўнгра ота-оналар, маҳалла фаоллари, ўқувчиларга турли мавзуларда семинарлар ўтказишди. Лойиҳанинг асосий мақсади ота-оналар, маҳалла билан мактаб ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, ота-оналарнинг ўз фарзанди тақдирига бўлган лоқайдлигини йўқотиш, таълимни юқори босқичга олиб чиқишдир. "PEAKS"нинг бизга берган энг катта ёрдами шунда бўлдики, ўқитувчи ва ота-оналар, маҳалла фаоллари билан алоқаларимиз яхшиланди, ота-оналардаги "мактаб болам тарбиясига, таълим олишига масъул, у эрта билан мактабга кетяпти-ку, унинг ҳар бир ҳатти-ҳаракатига муаллими жавобгар", деган фикрини камайтиришга эришдик.

— Ота-она ва маҳалла фаоллари ушбу лойиҳага ижобий муносабатда бўлишибди-да?

— Албатта, лойиҳани амалга ошириш чоғида Маҳалла Таълим Қўмиталари тузилди ва уларнинг ўрни ва фаолияти белгилаб олинди. Айни кунда 25 нафар аъзога эга бўлган ушбу қўмита фаолият юритмоқда. Лойиҳа доирасида биз тўртта — "Оила", "Болалар", "Маҳалла", "Ўқитувчи" блоки асосида тадқиқотлар олиб бордик. Бу тадқиқотлар давомида "Маҳалла" блокида 81, "Ўқитувчилар" блокида 56, "Болалар" блокида 95 , "Оила" блокида 387 нафар киши қатнашиб, таълим жараёнидаги муаммоларга, таълим тизимига ижобий ва салбий таъсир кўрсатаётган омилларга, таълимни юқори босқичга олиб чиқиш учун нималарга эътибор қаратиш зарурлигига оид ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришган.

Дарҳақиқат, сўровда қатнашганларнинг аксарияти ўқувчиларни мактабга жалб қилиш учун, аввало, билим олишга қизиқтириш, мактабларда дарс бериш сифатини, ўқитувчиларнинг болага бўлган муносабатини яхшилаш, мактабни ободонлаштириш каби ишларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблашган. Энг қизиқарлиси, "Болалар" блокида ўтказилган сўровларда болаларнинг ўзи мактабга мунтазам қатнаши учун мактаб ҳудуди обод бўлиши керак, деб жавоб беришган.

Форумда иштирок этган ота-оналар, маҳалла фаоллари, ўқитувчи ва ўқувчилар муаммоларни уч босқичли тизимда баҳолаб, ҳал этиш йўлларини ҳам мана шу босқичларга қўйиб чиқишди. Биринчи босқичда ўқувчи, ўқитувчи, ота-она, маҳалла фаоллари ҳамкорликда ечиши мумкин бўлган муаммолар тилга олинди, иккинчи босқич муаммоларини маҳаллий ҳокимият ва тегишли ташкилотлар ҳал этиши мумкин деб, учинчи босқич муаммоларини эса форум иштирокчилари ҳукумат миқёсида кўриб чиқиш керак, деб ҳисоблашди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, таълимни такомиллаштириш, уни юқори босқичга олиб чиқиш ўқитувчи ёки фақатгина мактабнинг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг, ҳаттоки таълим жараёнининг асосий иштирокчилари бўлган ўқувчиларнинг ҳам қўлидадир.

Форумда "PEAKS" лойиҳаси директори Камол Жиянхўжаев, ЮСАИД координатори Илгиза Шарипова, "Зиё" маркази раҳбари Муборак Асрақулова ва бошқалар иштирок этишди.

Форум тренингларида Шарифа МАДРАҲИМОВА қатнашди ва ёзиб келди.

САВОДХОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 11 йиллиги муносабати билан Тошкент мелиорация ва сув хўжалиги коллежининг 1-босқич ўқувчилари ўртасида "Конституция — бахтимиз пойдевори" шиори остида беллашув бўлиб ўтди. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги муҳандислари институти маданият саройида ташкиллаштирилган мазкур тадбирда коллеж бухгалтерия факультетининг "Ёш ҳисобчи" ва ҳуқуқшунослик факультетининг "Қонун ҳимоячилари" жамоалари ўзаро куч синашди.

Танловда ўқувчилар нафақат ҳуқуқ соҳасидаги билимлари бўйича, балки санъат соҳасида ҳам баҳс олиб бордилар. Иккала жамоада ҳам зукко ва истеъдодли ўқувчилар яққол кўзга ташланди. Ўқувчилар бугунги куннинг долзарб муаммолари — гиёҳвандлик, кашандалик ва ҳаётга енгил-елпи қарашнинг зарари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини саҳна кўринишлари орқали ифодалашди. Талабалар Қомусимизнинг моддаларини шарҳлаш билан бир қаторда, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни хусусида ҳам тўхталишди.

Кўрик-танлов якунида ғолибларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

У.ЁҚУБОВ,
ЎзМУ журналистика факультети талабаси

ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АМАЛИЁТДА

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Солиқ академиясида "Солиқ органлари кадрларини тайёрлаш тизимидаги таълим жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этишнинг илмий асослари" мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда бир қатор нуфузли халқаро ташкилотлар, мамлакатимизнинг етакчи олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот муассасалари олимлари иштирок этдилар. Уч кун давом этган конференция сўнгида солиқ тизимидаги таълим жараёнига янги педагогик технологияларни тадбиқ этиш бўйича бир қатор амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Халқаро анжуманнинг амалий натижаси ўлароқ, "Таълим самарадорлигини ошириш йўллари" мавзуидаги семинар-тренинг ва академия таълим жараёнига янги педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш бўйича кафедраларо кўрик-танлов ўтказилди. Бир ой давомида кафедраларда профессор-ўқитувчилар ўтиладиган фанларни ўқитишга йўналтирилган машғулотларни ноанъанавий шаклларда ташкил этиш, таълим жараёнида қўйилган мақсад ва натижага эришишда кафолатланган мукаммал замонавий таълим педагогикасидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш кўникмаларини шакллантиришга эришилди.

Илғор технологик воситалардан фойдаланиб, маъруза матнларини замонавий техник воситаларнинг мультимедиа усулидан фойдаланган ҳолда, таълимнинг оригинал мониторинги яратилди ва талабалар томонидан назарий билимлар чуқур, пухта ўзлаштирилишига, уларда кўникма ва малакаларнинг ҳосил бўлишини кафолатлай олишга эришиш йўлларини излаб топиш ва уни кундалик иш фаолиятида қўллаш технологиялари ишлаб чиқилди.

Ижодкор ўқитувчилар фаолиятини муносиб тақдирлаш мақсадида академия маъмурияти томонидан ташкиллаштирилган ушбу кўрик-танловда "Информатика асослари", "Ижтимоий гуманитар фанлар", "Солиқлар ва солиққа тортиш кафедралари" ғолиб деб топилди. Бундай кўрик-танловлар академияда анъанавий тарзда давом этмоқда.

Зарифа МУҲИДДИН қизи,
Шерматилла ЮСУПОВ

Indoneziyada 150 ga yaqin elat va etnik guruh yashaydi. Mamlakat aholisining 96 foiz tili, madaniyati va urf-odatiga ko'ra malayyaromeneziya til oilasining indonez guruhiga mansub.

ТЕЛЬ-АВИВ МАРКАЗИДА КУЧЛИ ПОРТЛАШ

Исроилнинг Тель-Авив шаҳри марказидаги қаҳвахоналарнинг бирида кучли портлаш содир этилган. Ҳозирча шаҳар полиция маҳкамаси портлашни айни фаластинлик террорчилар уюштиргани ҳақида маълумотлар йўқлигини таъкидлашмоқда. Шу билан бир қаторда полиция икки киши қурбон бўлганлигини билдирди. «Рейтер» ахборот агентлиги 15 киши оғир тан жароҳати олган, деб хабар берган. Полиция бу портлаш шаҳардаги жиноий гуруҳлар ўртасидаги келишмовчилик оқибатида содир бўлган бўлиши мумкин, деган фикрларни ҳам билдирмоқда. Бу ҳақда «ВВС» интернет сайти хабар берди.

БАҒДОДДА ҚЎПОРУВЧИЛИК

Шу кеча-кундузда Ироқнинг Бағдод шаҳрида яна бир неча портлашлар содир этилган. Маълумотларга қараганда, террорчилик хуружлари коалицион кучлар мажмуаси ёнида ёки унинг атрофида амалга оширилган. «ВВС» ахборот агентлигининг хабар беришича, портлашлар кеч соат 12 ларда содир этилган. Коалицион кучлар мажмуаси томонидан қуюқ тутун кўтарилган ва сиреналар жаранги эшитилган. Бир неча кун олдин эса айни ушбу мажмуага номаълум томондан ракеталар келиб тушган. Ўша куннинг ўзида АҚШ ҳарбийларининг Рамади шаҳарчасидаги ҳарбий базасига қарши ҳужумлар уюштирилган. Натижада бир киши ҳалок бўлган ва 14 киши оғир тан жароҳати олган. Шикастланганлар ичида уч нафар Ироқ фуқароси ҳам бўлган.

РОССИЯДА ПРЕЗИДЕНТЛИК САЙЛОВЛАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Россиянинг марказий сайлов комиссияси президентлик сайловларига тайёргарликни бошлаб юборди. 2004 йилнинг 14 март кунига режалаштирилган сайловларда кўплаб сиёсатчилар қатнашиши кутилмоқда. Марказий сайлов комиссияси номзодларнинг фаолияти, молиявий аҳволи ва қонун билан боғлиқ муаммоси бўлмаган кишиларгагина сайловда қатнашиш имкониятини беради.

Социологик тадқиқотларга қараганда, амалда фаолият кўрсатаётган президент Владимир Путиннинг имкониятлари катта. Буни яқинда бўлиб ўтган парламент сайловларида ғолиб чиққан партиялар мисолидан кўриш мумкин.

Ҳозирда кўплаб россияликлар Владимир Путинга ишонч билдиришмоқда, деб хабар беради Россиянинг социологик тадқиқотлар интернет сайти.

БЕРЛИН ДЕВОРИ

Аввал Германияни иккига бўлиб турган улкан девор қолдиқлари ҳозирда аукционга қўйила бошланди. 29 метрли бетон деворга Германиянинг ўзидан харидор чиқиб қолди ва ушбу тарихий ёдгорлик учун 280 минг доллар санаб берди. Бироқ ҳозирча харидор ўз исмини сир сақламоқда. Аукцион ташкилотчилари Берлин муницеполитетининг хабар беришича, аукциондан тушган маблағлар шаҳар ободончилигига сарфланади. Деворнинг янги эгаси эса ушбу жойда бинолар қуришни режалаштирмоқда. Берлин муницеполитети деворни бузишга йўл қўймайди, чунки у тарихий ёдгорлик ҳисобланади, деб хабар беради Германия интернет сайти.

Интернет хабарлари асосида Сарвар ФАЙЗУЛЛАЕВ тайёрлади.

Dunyo mamlakatlari

ИНДОНЕЗИЯ

Бугунги кунда Индонезия давлати Осиё мамлакатлари ичида сиёсий ва иқтисодий томондан анча илгарилаб кетган. Бу давлат асосан ороллардан таркиб топганлиги билан бошқа ривожланган давлатлардан фарқ қилади.

Индонезия республикаси Жанубий-Шарқий Осиёдаги давлат. Дунёдаги энг катта Молай архипелагининг 17,5 минг ороли ва Янги Гвинея оролининг ғарбий қисмида жойлашган, майдони 1904,6 минг км². ***Аҳолиси 228,4 миллион киши. Пойтахти Жакарта шаҳридир. Маъмурий жиҳатдан 26 вилоят (province)га бўлинади.***

Индонезия Республикаси Ўзбекистон суверенитетини 1991 йил 28 декабрда тан олган. 1992 йил 23 июнда иккала давлат дипломатик алоқаларини ўрнатди. Шундан сўнг иккала давлат ўртасида иқтисодий ҳамкорлик, савдо-сотиқ ривожлана бошлади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.Каримовнинг 1992 йил июнида Индонезияга ташрифи давомида икки мамлакатнинг ўзаро муносабатларига мустаҳкам асос яратилди. Ташриф чоғида "Иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида битим", "Ўзаро муносабатлар ҳақида қўшма ахборот", шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан "ПТ Прима комексиндо" компанияси ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида ҳужжат имзоланди. 1995 йилда Индонезия президентининг Ўзбекистонга қилган ташрифи давомида икки томонлама ҳамкорлик, ҳаво транспорти ва туризм соҳасида бир қатор муҳим ҳужжатларга қўл қўйилди. Умуман, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қоидалари ва йўналишларини белгиловчи 10 та ҳужжат қабул қилинган.

Ўзбекистон билан Индонезия ўртасидаги товар айланмаси 2000 йилда 361,8 минг АҚШ долларини ташкил қилган. Индонезия Ўзбекистондан калава ип сотиб олмоқда ва транспорт соҳасидаги хизматдан фойдаланмоқда. Айни вақтда Индонезия Ўзбекистонга электр асбобускуналари, қора металлдан ясалган буюмлар ва балиқ маҳсулоти сотмоқда.

Индонезиянинг "ПТ Бакри коммуникейшн корпорейшн" компанияси билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги барпо этган "Ўзтелекоминтернейшн" қўшма корхонаси Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида ўз филиалларини очган. Бундан ташқари, индонез инвесторларининг сармояси 100 фоиз бўлган 2 та корхона ташкил этилган. "Бузтел" ва "Бакри Инвестидо" корхоналари уяли телефон станциялари қуриш ва уларни ишлатиш ҳамда сайёҳларга хизмат кўрсатиш, меҳмонхона хўжалигини йўлга қўйиш билан шуғулланади.

Ўзбекистонда "ПТ Тиртамас коменсиндо" ва "ПТ Бакри коммуникейшн" корпорейшн компанияларининг ваколатхоналари ишлаб турибди.

Индонезия унитар республика ҳисобланади. Амалдаги конституцияси 1945 йил 18 августда қабул қилинган. Давлат ва ҳукумат бошлиғи президент. 5 йил муддатга сайланади. Давлат ҳокимиятининг олий органи Халқ маслаҳат конгресси. У конституцияни тасдиқлайди, унга ўзгаришлар киритади, президент ва вице-президентни сайлайди. Қонун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент — халқ вакиллари кенгашидан иборат. У жорий қонун чиқарувчилик расмияти билан шуғулланади. Унинг 500 депутатидан 462 нафари умумий овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади ва қолган 38 нафар (ҳарбий фракцияси) президент томонидан тайинланади. Ижроия ҳокимиятни президент ўзи тайинлаган ҳукумат билан бирга амалга оширади.

Индонезиянинг сиёсий партияларига тўхталадиган бўлсак, Бирлик ва тараққиёт партияси 1973 йилда мусулмонларнинг 4 партияси бирлашиши натижасида тузилган, Индонезия демократик партияси 1973 йил 5 та партиянинг қўшилиши натижасида тузилган, Голкар 1964 йил сиёсий партияларга кирмайдиган давлат хизматчилари, касаба уюшма, ёшлар, хотин-қизлар, диний ташкилотлар вакиллари иттифоқи сифатида тузилган. 1998 йилда партияга айлантирилган, Миллий мандат партияси 1998 йилда ташкил этилган, Миллий уйғониш партияси 1998 йилда тузилган.

Индонезия аграр-индустриал мамлакат. Ялпи ички маҳсулотдан қишлоқ хўжалигининг улуши ўртача 17 фоизни ташкил этади. Аҳолининг ярмидан кўпроғи қишлоқ хўжалигида машғул. Индонезия табиий каучук (йилига 1 миллион тоннадан ортиқ) ва пальма ёғи (йилига 2 миллион тонна мойли пальма маҳсулотлари) ишлаб чиқариш бўйича дунёда I-ўринда туради, тропик дарахт ёғочидан ясалган буюмлар, тамаки, кофе (йилига 400 минг т.), чой, зиравор-дориворлар ва денгиз маҳсулотлари энг кўп етказиб берувчи давлатдир.

Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши ўртача 20 фоизни ташкил қилади. Кончилик саноати бюджет тушмаларининг анчагина қисмини таъминлайди. Йилига ўртача 576 миллион баррель нефть қазиб олинади. Нефть конлари, асосан, Суматра оролида, шунингдек, Ява денгизи ва Макосар бўғозида кўп.

Индонезия суюлтирилган табиий газни четга чиқаришда дунёда 1-ўринда (йилига 90 млрд — м³дан кўпроқ газ қазиб олинади), қалай қазиб олишда 2-ўринда (30 минг тоннадан зиёд), никель қазиб олишда 4-ўринда (2 миллион тоннадан кўп) туради.

Ҳозирда мамлакат иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган хорижий сармояни кенг жалб этиш сиёсатини ўтказмоқда. 1967-95 йилларда киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 131,4 млрд долларни ташкил этди. Шундан 30 млрд доллардан ортиғи нефть ва газ қазиб олишга ишлатилди. Сармоя асосан Япония, Буюк Британия, Гонконг, АҚШ, Сингапур, Тайван, Нидерландия, Жанубий Кореядан олинди.

Индонезиянинг ташқи савдодаги мижозлари ҳам шу давлатлардир. Пул бирлиги Индонезия рупиясидир.

Индонезияда 150 га яқин элат ва этник гуруҳ яшайди. Мамлакат аҳолисининг 96 фоиз тили, маданияти ва урф-одатига кўра малайяроменезия тил оиласининг индонез гуруҳига мансуб. Булардан энг йириклари: яваликлар, сундлар, мадуралар, малайялар, жакарталиклар, ачелар, батаклан, даяклар ва бошқалар. Булардан ташқари, Индонезияда меланезлар, напуаслар, хитойлар, араблар, голландлар, ҳиндлар ва бошқалар яшайди. Давлат тили — индонез тили. Асосий дин — ислом дини. Аҳолининг 80 фоизи мусулмонлар, 10 фоизи христианлар, қолган қисми ҳиндулик, буддавийлик, конфуциялик ва маҳаллий анъанавий динларга эътиқод қилади. Индонезия аҳолисининг 213 қисми мамлакат ҳудудининг 7 фоизини ташкил этган Ява оролида яшайди. Йирик шаҳарлари Жакарта, Сурабайя, Бандунг, Семаранг Меданлардир.

Индонезияда 6 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар учун бошланғич мажбурий таълим жорий қилинган. Бошланғич мактабда ўқиш муддати 6 йил, ўрта мактабда ҳам 6 йил белгиланган. Давлат мактаблари билан бир қаторда хусусий мактаблар ҳам бор. 1- ва 2-босқич техника ва тижорат мактаблари ва шунга ўхшаш ўқув юртлари ҳунар таълимини беради. Ўқитувчилар 3 йиллик педагогик мактаблар, педагогик коллежлар ва университетларда тайёрланади.

Жакартадаги Индонезия давлат университети (1950 йилда асос солинган), Миллий университет, (1949 йилда асос солинган), Жокьякортадаги Ислом хусусий университет (1945 йилда асос солинган)лари бор. 1967 йилда ташкил этилган Индонезия фанлар институти 40 дан ортиқ илмий муассаса ва жамиятни бирлаштиради. Йирик кутубхоналар: Жакартадаги оммавий Парламент кутубхоналари, Бандунг, Богора, Жақьякорта, Макассар, Медандаги кутубхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Жакартада Индонезия маданияти музейи (1778 йилда асос солинган), Богорада зоология музейи (1894 йилда асос солинган) бор.

Индонезияда энг йирик газеталар "Компас" (300 минг нусха), "Мердека"("Озодлик", кундалик газета 1945 йилдан), "Пелита" ("Машъал", кундалик газета 1974 йилдан), "Суара карья" ("Меҳнаткаш овози", кундалик газета, 1971 йилдан), "Биснис Индонесиа" ("Индонезия бизнеси", кундалик газета, 1985 йилдан), "Брита буана ("Жаҳон янгиликлари", кундалик газета 1970 йилдан), "Брита юдха" ("Ҳарбий янгиликлар", кундалик газета, 1970 йилдан), "Индонезион овсервер" ("Индонезия шарҳи", инглиз тилида чиқадиган кундалик газета, 1950 йилдан), "Бизнес янгиликлари", индонез тилида ҳафтасига 3 марта чиқадиган бюллетен, 1956 йилдан), "Синор" ("Нур" тадбиркорларнинг ҳафталик журнали, 1993 йилдан)лардир. Антараа-Миллий ахборот агентлигига 1937 йилда асос солинган. Индонезия Республикаси радиоси 1945 йилда ташкил этилган. Индонезия Республикаси телевидениесига 1926 йил асос солинган.

Шерзод АҲМАТОВ тайёрлади.

Frantsuz jurnali "Plezir de Frans" qissa haqida bunday deb yozadi: "Tan olaylik, ayni kunda g'arb adabiyotida "Oq kema"ga tenglashadigan asar yo'q".

ЭЗГУЛИК КУЙЧИСИ

Буюк қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов айни пайтда Л.Толстой, Достоевский, Шолохов, Фолкнер каби даҳо адиблар қаторида тан олинмоқда, ҳаёт чоғида мумтоз (классик) адиб сифатида эътироф қилинмоқда.

Чингиз Айтматов 1928 йил 12 декабрда Қирғизистоннинг Талас водийсидаги Шакар овулида туғилади. Чингиз оғанинг отаси Тўрақул Айтматов маълумотли, кенг дунёқарашли одам бўлиб, кейинчалик у катта давлат арбоби даражасига кўтарилади. Лекин у ҳам миллионлаб кишилар қаторида қатағон қурбони бўлади. Китобхонлар ёзувчининг "Момо Ер" асарини яхши билишади, ушбу қисса бошида шундай бағишлов бор:

"Ота, мен сенинг қаерга кўмилганингни билмайман. Бу китобни Сенга — Тўрақул Айтматовга бағишлайман.

Она, сен бизни — тўрт фарзандингни вояга етказдинг. Бу китобни Сенга — Нагима Айтматовага бағишлайман".

Ҳа, фарзанд отасининг қаерга кўмилганини билмас эди.

Йиллар ўтди. СССР деган империя қулади, унинг қирқ йилдан кейин ҳам қийиғи чиқадиган мудҳиш жиноятлари фош бўла борди. Йилда **Қирғизистондаги қатағон қурбонларининг номсиз мозори очилади,** ундан 137 нафар инсон бош чаноғи, суяклари қазиб олинади ва... Тўрақул Айтматов кўкрак чўнтагидан мўъжиза туфайлигина чириб кетмаган уч варақ ҳукмнома, қатлга маҳкум қилинганлар рўйхати топилади. Марҳумларни қайта кўмиш маросими ўтказилиб, унга Люксембургдан Чингиз Айтматов ҳам етиб келади, нутқ сўзлайди, ўша мозористонга Ота Бейит номи берилади.

Жабрдийда Нагима она ўқимишли, оқила аёл бўлиб, у тўрт фарзанди — Чингиз, Илгиз, Люция, Розани минг бир машаққат билан вояга етказади. Бўлажак адиб рус мактабида, сўнгра қирғиз мактабида ўқийди. "Буюк ёзувчи бўлиш учун, — деб ёзади Хемингуэй, — истеъдод, билим керак ва албатта бахтсиз болаликни бошдан кечириш лозим". Иккинчи жаҳон уруши йилларида қишлоқ кенгашида котиб, тракторчилар бригадасида ҳисобчи, солиқ йиғувчи, почтальон бўлган Чингиз иштиробли ҳаётнинг изғирин шамолларини ўз елкасида туяди, болалиги жуда ҳам серташвиш кечади. 1946 йилда Чингиз Айтматов саккизинчи синфни тугатиб, Авлиёотадаги зооветеринария ўқув юртига, уни тугатгач Скрябин номидаги Қирғизистон қишлоқ хўжалик институтига киради ва зоотехниклик касбини эгаллайди. Уч йил ушбу касбда ишлайди, бу соҳадаги билими кейин яратган асарларида жониворлар оламини очиб беришда роса қўл келади. Ўша студентлик йилларидаёқ бадиий ижод билан астойдил шуғулланади, дастлаб қирғиз ёзувчиларининг асарларини рус тилига таржима қила бошлайди. Илк асари "Газетачи Дзюйдо" ҳикояси 1952 йилда рус тилида эълон қилинган. Сўнгра изма-из чоп қилинган "Ҳошим" (1952), "Сепоячи", "Оқ ёмғир" (1954), "Рақиблар", "Байдамтол соҳилларида" (1955), "Юзма-юз" каби асарлари ёш зуллисонайн ёзувчининг улкан истеъдодидан далолат беради.

У 1956-1958 йиллари Москвада Ёзувчилар уюшмаси қошидаги олий адабиёт курсида таҳсил олди.

Чингиз Айтматов 1958 йилда "Жамила" қиссасини яратади, лекин уни босиб чиқаришмайди. Қўлёзмани ўқиб чиққан атоқли француз адиби Луи Арагон "чиқарадиган бўлсаларинг ҳаракат қилинглар, бўлмаса биз Францияда босиб чиқарамиз, сизлар уялиб юрасизлар", деганидан кейин рус тилида чоп қилишади. Бор-йўғи 54 бетдан иборат қисса адибга оламшумул шон-шуҳрат олиб келади, икки йил ичида ўттиздан ортиқ тилга ўгирилади. Асарни француз тилига таржима қилган Луи Арагон, "муҳаббат ҳақида ёзилган энг дилбар қўшиқ" деб баҳолайди. Унинг саъи-ҳаракатларини, устозларга хос ғамхўрлигини Чингиз оға асло унутмайди, оқибатли шогирд Луи Арагон вафотидан сўнг у ҳақида ажойиб мақола ёзади, Парижга махсус сафар қилиб, адиб қабрини зиёрат қилади.

"Жамила" қиссасидаги воқеалар овуллардан бирида кечади. Олисларда уруш кетаяпти. Уруш ортидаги барча ишлар болажонлар ва аёллар зиммасида. Шундай пайтда Дониёр деган йигит жароҳатланиб, урушдан қайтади. Арава ҳайдаб, дон ташиб юрган қувноқ ва шаддод, сарвқомат келинчак Жамила уни севиб қолади. Асарнинг юқори нуқтасида у ўз қонуний (!) эри урушда жон олиб-жон бераётганида "оила номуси"ни оёқ ости қилиб, эски шинели, тешик этигидан бўлак ҳеч вақоси бўлмаган, аммо маънан бой, инсонийликнинг юксак туйғулари билан лиммо-лим тўлиб-тошган Дониёр билан кетади. Бу учун Жамила уруғ-аймоқларининг лаънатларига дучор бўлмоғи керак эди, лекин адиб бошқача муносабат билдиради: ҳиссиз, совуқ, расмий оиладан, турмушдан кўра, эркин ва озод, қайноқ ва жўшқин, инсонга куч-қувват, ҳаётга, яшашга қанот бергувчи тўлқинга ҳамоҳанг муҳаббат, ҳур муҳаббат устундир, дейди.

Бу муҳаббат қиссасида зукко китобхон яна бир севгининг гувоҳи бўлади: Боланинг, Сеитнинг Жамилага севгиси. Эҳ, бу севги барча болакайларга хос тотли, сирли севги эди.

Ёзувчининг шундан кейин яратган "Бўтакўз" (1961), "Сарвқомат дилбарим" (1961), "Биринчи муаллим" (1962) каби қиссаларининг қаҳрамонлари ўзларининг юксак маънавий олами, ҳулқи, фидоийлиги, ҳалоллиги билан ажралиб туради. Ўз ҳаёт йўлларини излаб талпинаётган жўшқин, ақлли ва иродали ёш йигит-қизларнинг тақдирлари кескинлиги, мураккаблиги, зиддиятлари билан тасвирлангани боис китобхонни ҳаяжонга солмай қолмайди.

Адибнинг "Сомон йўли" ("Момо Ер". 1963) асари ўзига хос. Қисса бош қаҳрамони Тўлғаной бошига чексиз мусибатлар ёғилади: лаънати уруш уни эридан, уч ўғлидан айиради, жудолик устига жудолик келади: фарзандидай бўлиб қолган келини Алиман ҳам ҳаётдан бевақт ўтади. Жафоқаш Тўлғанойнинг ягона суянчиғи Момо Ер бўлиб қолади: Унга ўз дардларини тўкиб солади, зорланади, илтижолар қилади, қувонч-ташвишларини баҳам кўради. Ҳолбуки Она Ер кўргуликларининг ҳам чеки, адоғи йўқ эди. Ҳар нечук булутлар ортида қуёш бор. Ҳар нечук ботаётган бўлсада у қизариб ботаётибди, демак эртага кун чароғон бўлади. Умид эса энг сўнгида ўлади. Илинж, умид бор. Ҳаёт давом этажак: Тўлғанойга келинидан ёдгор бўлиб, умид бўлиб, ишонч бўлиб, куч бўлиб, мадад бўлиб набираси қолади. Ҳаёт абадий эканлиги яна бир бор қайд этилади. Ёзувчи ижодида эзгулик ҳамиша байроқ бўлиб қолади.

Чингиз Айтматовнинг 1966 йилда яратган "Алвидо, Гулсари" қиссаси адабиётда улкан воқеа бўлди. Асарда шахс ва ижтимоий бурч, эскилик билан янгилик ўртасидаги муросасиз кураш, севги ва дўстга садоқат каби муҳим инсоний хислатлар кескин вазиятларда ҳаққоний ифода этилади. Қисса бош қаҳрамони йилқибоқар Танабой Бекасов долғали ҳаётининг энг оғир ва машаққатли дамларида йўлдоши бўлган оти Гулсари жон таслим қилаётган дамда унинг боши узра ўтириб, бутун умрини — болаликдан кексайгунича кўрган-кечирганларини бирма-бир ёдга олади. Танабойнинг туйғу ва ўйлари, Гулсарининг хотира ва кечинмалари ягона бир оқимга қўшилиб, бутун бир давр, бутун бир халқ ҳаёти гавдалантирилади.

Асар 1968 йилда Давлат мукофоти билан тақдирланади.

Ҳақиқий талант соҳиблари инсониятни ҳамиша ҳайратга солиб келганини Чингиз Айтматов "Оқ кема" (1970) асари орқали яна бир карра исбот қилди. Қисса инсон ва борлиқ, эртак ва ҳаёт, эзгулик ва ёмонлик муаммоларини кўтариб чиқади ва фалсафий мушоҳада этади. Асар қаҳрамони Мўмин (!) бува — мўминқобил, содда, самимий, сал қайсар ва хаёлчан. Бефарзанд қизининг хўрланиши, иккинчи хотинининг жодугарлиги, куёвининг шафқатсизлиги — бари чол бошига мусибат бўлиб ёғилади. Бироқ қария шохдор Она-Буғуга илтижолар қилиб, ҳаммаси билан муросада яшаб келади. Аммо ёвузликларни кўриб юрган Бола чиқиша олмайди, яккаю ягона таянчи, дунёда энг зўр одам деб суяниб келган бобосининг хўрланишларига мурғак қалби чидам бера олмайди ва у ҳамма-ҳаммасини ташлаб, балиққа айланиб, оқ умиди Оқ кема томон сузиб кетади. "Фақат бир нарсани айта олишим мумкин, Сен қалбинг чиқиша олмаган нарсалардан юз ўгирдинг. Мени фақат шу тинчлантиради, холос..." — деган маҳзун ва айни дамда умидбахш сўзлар билан қисса ниҳоясига етади. Асар жуда қисқа вақт ичида дунё тилларига таржима қилинади ва катта муваффақият қозонади. Француз журнали "Плезир де Франс" қисса ҳақида бундай деб ёзади: "Тан олайлик, айни кунда ғарб адабиётида "Оқ кема"га тенглашадиган асар йўқ".

Қисса 1977 йилда Давлат мукофотига сазовор бўлади.

Ижодини илиқ муҳаббат билан бошлаган адиб эндиги асарларида тобора долзарб бўлиб бораётган ўткир ижтимоий масалаларни кўтариб чиқади. Бор-йўғи тўрт ойда яратилган "Асрдан ҳам узундир бу кун" (1979 декабрь — 1980 март) асаридаги воқеалар олти-етти оиладан иборат овулнинг Бўронли деб ном олган бекатида кечади.

Фалсафий мушоҳадаларга бой, эзгуликни соғинибсоғиниб тараннум этувчи, улкан воқеаларни борлигича қамраб олган залворли "Бўронли бекат" 1983 йилда Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Чингиз Айтматов 1986 йилда "Қиёмат" романини ёзиб тугаллайди. Қиёмат! Нақадар қўрқинчли, даҳшатли сўз! Асарни нафас ютиб ўқиб, катта-кичик воқеаларни, қаҳрамонларни таҳлил қилсак, барида фожиани кўрамиз. Табиат борлиғича топталади. Бўрилар Акбара ва Тошчайнарнинг макони вайрон этилади, авлал беш боласи, кейин сўнгги ягона илинж билан дунёга келган тўрт боласи яна одамлар томонидан йўқ қилинади. Табиат безаги беозор сайғоқларга план бажариш, пул тўплаш мақсадида қирон келтирилади. Жиноятчиларни инсофга, тавба-тазарруга чорлаган ҳалол, олийжаноб Авдий ўша афъюнгарлар томонидан қатл қилинади. Иймон оёқ ости қилинади. Диёнат қувғинга дучор бўлади. Адолат синдирилади — бир сўз билан мухтасар қилганда, инсон маънавияти ва жамият, тузум таназзулга гирифтор бўлади. Қиёмат бошланади.

Адиб айри йилларда китобхонларга тортиқ қилган "Қизил олма", "Ўғил билан учрашув", "Соҳил бўйлаб чопаётган Олапар", "Фудзиямадаги учрашув", "Эрта келган турналар", "Кассандра тамғаси" каби асарларида реал ҳаётий воқеалар, турли-туман асотир, эртак ва афсоналар, замонавий илмий фантастика — барини уйғунлаштириб, халқларнинг кўп асрлик ўтмишини, турфа хил инсонларнинг бугунги қувонч-ташвишларини, дарду ҳасратларини, ўй-фикрларини реал ёрқин бўёқларда борича тасвирлайди, инсониятни ўйлантираётган улкан маънавий-ахлоқий, фалсафий, ижтимоий муаммоларни кўтариб чиқади.

Чингиз Айтматов қозоқ шоири, жамоат арбоби, айни пайтда Қозоғистоннинг Қирғизистондаги элчиси Мухтор Шохонов билан ҳамкорликда ўзаро мулоқот йўсинида яратилган "Чўққида қолган овчининг оҳизори" ("Аср адоғида айтилган истиғфор") китобида ёзувчининг серқирра ҳаётий тажрибалари, кўрган-кечирганлари, ўтмиш, бугун, келажак борасидаги ўй-мушоҳадалари, орзу-истаклари, армонлари битилган.

Чингиз Айтматов улкан жамоат арбоби. У 1991 йилдан бери Қирғизистоннинг Люксембург, Бельгиядаги элчисидир. Унинг ташаббуси, саъи-ҳаракатлари илан "Иссиққўл форуми" ташкил этилган. 1996 йилдан у Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси Президенти ҳисобланади.

Чингиз Айтматовнинг асарлари дунёнинг 160 дан ортиқ тилларига, жумладан, бизнинг она тилимизга ҳам моҳир таржимонларимиз Асил Рашидов, Иброҳим Ғафуровлар томонидан қойилмақом қилиб ўгирилган. Унинг Ўзбекистонимизга ҳурмат-эҳтироми юксак, қатор адибларимиз билан дўст, биродар. Адиб ўша мустабид тузум даврида Москвадан миллатимиз бошига турли бўҳтонлар ёғилган пайтда улкан жасорат билан халқимиз шаънини ҳимоя қилиб, "Правда" газетасида катта мақола чоп қилди ва унда, жумладан "Византия маданияти қадим Рус маданияти равнақига нечоғли таъсир кўрсатган бўлса, Ўзбек маданияти Марказий Осиё халқлари маданияти ривожига шу даражада таъсир кўрсатгандир", деб ёзган эди. Ўзбек халқи Чингиз Айтматовни севади, эъзозлайди. У Президентимиз Фармони билан Ўзбекистоннинг "Дўстлик" (1995), "Буюк хизматлари учун" (1998) орденлари билан мукофотланган. Қирғизистон Республикасида Чингиз Айтматов номидаги Халқаро "Олтин медал" мукофоти таъсис этилган (1999).

Орифжон ВОҲИДОВ,
Олот туманидаги 29-ўрта мактаб директори

"ОҚ КЕМА" СОҲИБИ

"Оқ кема", "Қиёмат", "Асрга татигулик кун" каби асарларни ўқимаган кишини топиш қийин. Чингиз Айтматовнинг маҳорати табиат ва жамият, фантазия ва реаллик, афсона ва ҳақиқатнинг узвийлигини бадиий тасвирлашда намоён бўлади.

Ёзувчи жаҳон адабиётида ўзига олтин ҳайкал ўрната олди десак ҳам муболаға бўлмайди.

Бугун Чингиз Айтматов 75 ёшни қарши олди. Шу муносабат билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида адиб ижодига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди. Конференцияда талабалар Ч.Айтматов ҳаёти ва ижодига, фаолиятига чуқур тўхталиб ўтдилар. Талабаларга илмий раҳбарлик қилган М.Шарафиддинованинг "Чингиз Айтматов ва ўзбек адабиёти" мавзусидаги маърузаси ҳам қунт билан тингланди.

Анжуманда география фанлари доктори, таржимон С.Қораев ва киношунос олим Ҳ.Акбаров ҳам иштирок этди.

Конференция аъзолари ушбу йиғилишни янада кенг доирада ўтказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Дилрабо ЖУМАТОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

ВИЛОЯТНИНГ БИРИНЧИ ЧЕМПИОНАТИ

Armrestling

Кейинги йилларда Наманган нафақат гуллар, балки спорт шаҳри сифатида ҳам эътироф этилмоқда. Икки йилдан буён Наманган вилояти спорт ишларини ривожлантириш ва йўлга қўйиш бўйича мамлакатда биринчи ўринни бермай келмоқда. Жорий йилдан бошлаб вилоятда бошқа спорт турлари қатори армрестлинг ҳам ривожлантирилмоқда. Вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарияти саъй-ҳаракатлари билан спортнинг шу тури бўйича тўгараклар ташкил этилиб, машғулотлар бошлаб юборилди.

Яқинда эса Чортоқ шаҳридаги аниқ, табиий ва ижтимоий фанларга ихтисослаштирилган лицей-интернатида вилоят халқ таълими бошқармасининг ташаббуси билан таълим тизими ходимлари ўртасида биринчи бор ВХТБнинг "Болалар дунёси" газетаси соврини учун вилоят чемпионати бўлиб ўтди. Унда шаҳар, туман халқ таълими бўлими мудирлари, мудир ўринбосарлари, мактаб-интернатлар ва махсус мактаб-интернатлар директорлари иштирок этдилар. Энг ҳаяжонлиси эса паҳлавонлар баҳсида аёллар ҳам куч синашиб, нафосат олами вакиллари ҳам ўзларининг нималарга қодир эканликларини яққол намойиш этишди.

Армрестлинг мусобақалари, айниқса, аёллар ўртасида ниҳоятда қизиқарли курашларга бой тарзда ўтди. Улар ўртасидаги мусобақанинг финалида Учқўрғон тиббиёт лицей-интернати директори Раҳимахон Омонова билан Чуст педагогикага ихтисослаштирилган лицей-интернати директори Моҳим Ҳотамовалар куч синашдилар. Бунда Раҳимахон Омонова ғалаба қозониб, "Болалар дунёси" газетаси соврини учун сазовор бўлди. Мингбулоқ туманидаги тиллар лицей-интернати директори Матлубахон Мадаминова эса учинчи ўринни эгаллади.

Поп тумани халқ таълими бўлими мудираси Музофотхон Аҳмедова эса "Энг латофатли аёл" соврини учун лойиқ топилди.

Эркаклар ўртасидаги баҳслар ниҳоятда кескин ўтди. Барча рақибларидан устун келган Косонсой туманидаги Чиндовул ихтисослашган лицей-интернати директорининг ўринбосари Жамолиддин Сатторов фахрли биринчи ўринни банд этиб, болалар нашри совринини қўлга киритди. Учқўрғон туманидаги спортга ихтисослаштирилган мактаб-интернати директори Икромжон Абдурасулов иккинчи ўринга кўтарилди. Чуст тумани халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари Раҳмонжон Умаров эса фахрли учинчи ўринни эгаллади.

Шунингдек, Учқўрғон туман халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари Козимжон Муталлиев "Ғалабага бўлган иродаси учун" соврини билан тақдирланди.

Ғолибларга совринларни вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Дилшода Дадажонова топширди.

Олимжон ХОНАЗАРОВ,
"Мураббий" газетаси муҳаррири

ЁШ ЧЕМПИОНЛАР

Чустдаги стол тенниси бўйича болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиларининг ютуқлари мамлакатимизда кўпчиликка маълум. Бу ерда ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Севара Қодирова, халқаро ва республика мусобақалари совриндорлари Мадина Аюбова ҳамда Саида Қодирова дастлабки спорт кўникмаларини эгаллаган.

Мактабда таълим олаётган ҳозирги ўқувчилар шонли анъанани муносиб давом эттириб, яхши натижаларга эришмоқда. Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон биринчилигида Наманган вилоятининг ёш спортчилари кучлилар сафидан ўрин олди. Чустдаги 9-ўрта мактаб ўқувчиси Аброр Фатхуллаев ўғил болалар ўртасида мамлакат чемпиони бўлди, унинг синфдоши Мамлакат Исмоилова эса қизлар ўртасида бронза медалини қўлга киритди.

ТЕНДЕРГА ТАКЛИФ

Тендер № 15. **Эълон қилинган кун 2003 йил 13 декабрь**
Кредит рақами:1595 (МЖ)-ЎЗБ
Лойиҳа номи: «Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётларни нашр этиш тизимини такомиллаштириш»
Шартнома номи: Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар харид қилиш.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати «Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётларни нашр этиш тизимини такомиллаштириш» Лойиҳасини амалга ошириш мақсадида Осиё Ривожланиш Банкидан кредит олган ва мазкур кредит маблағларининг бир қисми умумтаълим мактаблари учун дарсликларни етказиб берувчи ташкилотларга тўлашни режалаштирган.

1. Тендер Осиё Ривожланиш Банкининг тендер ўтказиш тартиб-қоидалари асосида ўтказилади ва банк аъзоси бўлган давлатлардан бўлган корхона ва ташкилотларгина иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

2. Халқ таълими вазирлиги танловда қатнашишга ҳақли бўлган корхона ва ташкилотларни дарсликларни чоп этиб бериш танловига таклиф этади. Дарсликларнинг асл нусхаси электрон вариантда харидор томонидан берилади.

3. Маҳаллий рақобатли тендер Осиё Ривожланиш Банкининг «Бир этапли бир конвертли» танлов ўтказиш тартиби асосида ўтказилиб, Осиё Ривожланиш банкига аъзо бўлган давлатларда қайд этилган барча корхона ва ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

4. Тендерда қатнашиш истаги бўлган корхона ва ташкилотлар 2003 йил 15 декабрдан бошлаб ҳар куни (шанба ва якшанба мустасно) Тошкент вақти билан соат 9:00дан 17:00гача Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи офисида тендерга тегишли қўшимча маълумотларни олишлари ва тендер ҳужжатлари билан танишишлари мумкин.

5. Ўзбек тилида тайёрланган тендер ҳужжатларини олиш учун иштирокчилар 7 бандда келтирилган манзилга ёзма ариза билан мурожаат этиб, Халқ таълими вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий Банки Марказий Амалиёт бўлимидаги №20203840900101044001 ҳисоб рақамига 200 АҚШ доллари ўтказганликларини тасдиқловчи ҳужжат беришлари шарт (МФО 00882 ва ИНН 202122808). Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб борувчи корхоналар 200 АҚШ долларининг сўмдаги эквивалентини тўлов амалга оширилган кундаги Марказий банк ўрнатган курс бўйича Халқ таълими вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий Банки Марказий Амалиёт бўлимидаги №20203000100101044001 ҳисоб рақамига тўлайдилар(МФО 00882 ва ИНН 202122808). Тўлов усули юқоридаги ҳисоб рақамига тўғридан–тўғри пул ўтказишдан иборат. Чет давлатлардан бўлган иштирокчиларга тендер ҳужжатлари электрон почта орқали юборилади. Маҳаллий корхоналар вакиллари ҳужжатларни олиб кетишлари мумкин ёки почта орқали етказилади. Юборилган ҳужжатларнинг йўқолиб қолиши ёки кечикиб боришига харидор жавобгар эмас.

6. Барча таклифлар таклифнинг умумий қийматидан 2 фоизини ташкил этувчи таклиф кафолати билан бирга 2004 йил 14 январь соат 11:00 гача қуйида келтирилган манзилга топширилиши шарт. Таклиф кафолати Республика миллий валютасида ёки эркин алмаштириладиган валюталарнинг бирида берилиши мумкин. Тендер таклифлари 2004 йил 14 январь соат 11:00да қуйида келтирилган манзилда барча иштирокчилар вакиллари иштирокида очилади. Кечикиб топширилган таклифлар очилмаган ҳолда иштирокчиларга қайтарилади.

7. Тендерда қатнашиш истагини билдирган барча иштирокчилар қуйидаги манзилдан тендерга тегишли қўшимча маълумот олишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси
Тошкент шаҳри- 700027,
Ўзбекистон кўчаси 80-уй,
«Республика таълим маркази» 311-хона.
Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи

Лойиҳа менежери Г. Ш.Тугеева
Лойиҳанинг харид бўйича мутахассиси
Н. Р. Мавлонов
Алоқа учун телефон
(998 — 71) 1391573;
Факс № (998 - 71) 1391571;
Эл. почтаси: uzbpiu@globalnet.uz

INVITATION FOR BIDS (IFB)

IFB Number: 15 **Date: December 12, 2003.**
Loan Number: 1595 -UZB
Project Title: Basic Education Textbook Development Project
Contract Title: Procurement of textbooks for comprehensive schools of Uzbekistan.

The Republic of Uzbekistan has received a loan from the Asian Development Bank towards the cost of Basic Education Textbook Development Project and it is intended that part of the loan proceeds will be applied to eligible payments under this Contract for Procurement of textbooks for comprehensive schools of Uzbekistan.

1 The eligibility rules and procedures of the ADB will govern the bidding process.

2. The Ministry of Public Education now invites sealed Bids from eligible Bidders for printing of textbooks. The master copies of textbooks will be provided by the Purchaser.

3. Local competitive bidding will be conducted in accordance with ADB Single Stage: One Envelope procedure and is open to all bidders from eligible source countries.

4. Interested eligible Bidders may obtain further information from the Project Implementation Unit and inspect the Bidding Documents at the address given below starting from December 15, 2003 every day from 9:00 till 17:00 Tashkent time (except Saturday and Sunday) .

5. The Bidding Document, in Uzbek language, may be purchased by interested Bidders on the submission of a written application to the address below and upon payment of a non-refundable fee of US $ 200 (two hundred) to the Ministry of Public Education's Bank Account No.20203840900101044001 at Central Operational Department of National Bank for Foreign Economic Activities of the Republic of Uzbekistan (Code of the bank: 00882 and Identification Number 202122808). The Residents of Uzbekistan may pay in local currency (SUM), the equivalent of US $ 200 (two hundred) at the exchange rate of Central Bank of Uzbekistan on the date of implementation of the payment to the Ministry of Public Education's Local Currency Account No.20203000100101044001 at Central Operational Department of National Bank for Foreign Economic Activities of the Republic of Uzbekistan (Code of the bank: 00882 and Identification Number 202122808). Method of payment is direct deposit to specified account above. The delivery procedure for Bidding Documents to the Bidders is mail or e-mail for overseas delivery and courier for local delivery. No liability will be accepted for loss or late delivery.

6. Bids must be delivered to the address below at or before 11:00 hours January 14, 2004. All bids must be accompanied by a security of not less than two percent (2%) of Total Bid Price. A Bid Security of local Bidders may be in local currency and Bidders from abroad in a freely convertible currency. Late Bids shall be rejected. Bid will be opened in the presence of Bidders' representatives who choose to attend at the address below at 11:00 hours January 14, 2004.

7. The Ministry of Public Education will not be responsible for any costs or expenses incurred by Bidders in connection with the preparation or delivery of Bids.

Name: Project Implementation Unit
Address: 80, Uzbekistan Street, Tashkent-700027, Republic of Uzbekistan.
Attention: Ms. Guzal Tugeeva, Project Manager and Mr. Mavlonov Nabijon, Procurement Officer
Telephone No. (998-71) 139-15-73; Fax No. (998-71) 139-15-71
E-mail : uzbpiu@globalnet.uz

I-Тошкент педагогика билим юрти томонидан Исламбоева Зулфия Махмудбоевна номига берилган № 184752 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси Жиззах вилояти Жиззах тумани халқ таълими бўлими мудири Б.Шариповга онаси

ОФТОБХОН АЯнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Низомий номидаги ТДПУ маъмурияти ва жамоат ташкилотлари университетнинг Табиийёт фанлари факультети ўқитувчиси Шоира Комиловага отаси

Рафиқ КАРИМОВнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Жиззах вилояти ҳокимлиги халқ таълими бошқармаси жамоаси Жиззах вилояти ҳокими ўринбосари

Олимжон ЖАВЛОНОВнинг

бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Жиззах вилояти ҳокимлиги халқ таълими бошқармаси жамоаси Жиззах тумани халқ таълими бўлими мудири Бахтиёр Шариповга онаси

ОФТОБ АЯнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис Маркази жамоаси Жиззах вилояти Жиззах тумани халқ таълими бўлими мудири Бахтиёр Шариповга волидаи муҳтарамаси

ОФТОБ АЯнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Tuganmas mo''jizadek ko'ringan tabiat ne'matlaridan shafqatsizlarcha foydalanish tufayli bugungi kunda ma'lum hududlarni, jonivor va o'simliklarni himoya qilish zarurati ortib borayotir.

Tabiat va biz

ОНАДИР БИЗГА ТАБИАТ

Инсон яралибдики, табиат иньомларидан фойдаланиб келади. Табиатнинг бетимсол неъматлари бўлган сув ва ҳаво, тупроқ ва оловсиз ҳаётни тасаввур этиб бўлмайди. Шу маънода табиат тирикликнинг онаси десак, муболаға эмас.

Туганмас мўъжизадек кўринган табиат неъматларидан шафқатсизларча фойдаланиш туфайли бугунги кунда маълум ҳудудларни, жонивор ва ўсимликларни ҳимоя қилиш зарурати ортиб бораётир. Мутахассисларнинг маълумотига кўра, ҳозирги кунда ер юзидаги бир юз йигирмадан кўпроқ мамлакатда 8,5 миллион квадрат километрга яқин майдонни эгаллаган саккиз ярим мингдан зиёд муҳофаза этиладиган ҳудудлар мавжуд. Бундай жойларни ташкил этишдан кўзланган мақсад экотизимларни асл ҳолда сақлаш, ўсимлик ва ҳайвонот оламини муҳофазалаш, табиат гўзаллигини ўз ҳолича келгуси авлодларга етказишни таъминлашдан, ноёб турларни аниқлаш, уларни муҳофазалаш ишларини маҳаллий аҳоли талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб ташкил этилади.

Зеро, қўриқхоналарда ўсадиган камёб ўсимликларни ноқонуний равишда йиғиб олиш, яйловларда чорва молларини боқишда белгиланган меъёрларга амал қилмаслик, ўрмон бойликларини ўтинчўп учун кесиб кетиш, ноёб қушларни овлаш биохилмахилликка катта зарар етказади. Ғарбий Тяншан тоғ тизмаси Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон бўйлаб ястанган бўлиб, Марказий Осиёнинг ушбу уч давлати учун ягона табиий бойлик ҳисобланади. Мазкур мамлакатлар биохилмахиллигини сақлашда ушбу табиий ҳудуднинг беқиёс аҳамияти бор. Бу жойда уч мингдан ортиқ ҳайвон ва ўсимлик турлари бўлиб, шундан 170 га яқини бошқа жойда учрамайдиган эндемиклардир. Ғарбий Тяншанда йўқолиб бораётган қор қоплони, оқ тирноқли қўнғир айиқ, бургут, болтаютар, қумой сингари ҳайвонлар, кўплаб ҳашаротлар ва ўсимликларни учратиш мумкин. Доривор ва ёввойи мевали ўсимликлар, қуруқ ва ўтлоқ даштлар, арчазорлар, табиий ёнғоқзорлар, ўрмонлар, овланадиган қушлар, сут эмизувчилар туркумига кирувчи жонзотлар бу ҳудуднинг бетакрор табиий салоҳиятидан далолатдир. География ўрни ва иқлим шароитлари ландшафтларининг хилма-хиллиги ва ўзига хослигини белгилайди. Ушбу ҳудуднинг ноёб табиий бойлигини сақлаб қолиш мақсадида "Ғарбий Тяншан тоғлари биохилмахиллигини сақлаш бўйича Марказий Осиё чегараларо лойиҳаси"ни амалга ошириш учун Глобал Экологик жамғарма Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон мамлакатларига 10, 15 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди. Жаҳон банки ушбу лойиҳани молиявий жиҳатдан таъминловчи агентлик ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси эса лойиҳа ижрочиси этиб белгиланган.

Ҳозирги кунда мазкур лойиҳанинг бир қисми бўлган кичик грантлар дастурини амалга оширишга киришилди. Унинг асосий мақсади қўриқланадиган ҳудудлар ва унинг атрофида биохилмахилликни асрашда ижобий самара берадиган чоратадбирлар, амалий ишларни қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Кичик грантлар дастури умумманфаатдорлар гуруҳи, маҳаллий жамоа ташкилотлари, нодавлат, нотижорат ташкилотлар, фуқаролар томонидан амалга ошириладиган ушбу йўналишдаги лойиҳаларни маблағ билан таъминлайди. Бундай молиявий беғараз ёрдам биринчи босқичда Тошкент вилояти Паркент туманидаги Невич, Навдак, Сўқоқ, Санганак, Заркент қишлоқлари аҳолиси манфаатларига хизмат қилувчи лойиҳаларга ажратилади.

Кичик грантлар дастури қўриқланадиган ҳудудларнинг биологик хилма-хиллигини сақлаш, табиий ресурсларга кўрсатилаётган антропоген ва техноген таъсирни камайтириш баробарида, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга ҳисса қўшишга қаратилган маҳаллий ташаббусларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Ушбу мақсаддаги лойиҳаларга маблағ ажратишда холислик, ҳалоллик, ошкоралик принципларига амал қилиш мақсадида миллий ташкилий қўмита ташкил этилган. Унинг дастлабки йиғилишида Заркент қишлоғи фуқароларига асаларичиликни ривожлантириш учун 3 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилди. Ҳозирги кунда ушбу грант асосидаги ишлар амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, Паркент туманидаги иккита ерни томчилаб суғориш, беш гектар лалми ерга сув чиқариш, Навдак-Невич қишлоқларидаги тоза ичимлик суви тармоғини қайта таъмирлаш ишлари учун ҳам 10 минг АҚШ долларилик маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Шуниси аҳамиятлики, кичик грантлар дастурига кўра амалга оширилган ишларга ажратилган маблағ қайтарилмайди. Бундан кўзланган мақсад ушбу ҳудудда аҳоли турмуши фаровонлигини ошириш, қўшимча иш жойларини ташкил этиш, янги даромад манбаларини яратиш шу асосда Ғарбий Тяншан тоғларидаги асл табиий мувозанатни асраб қолишдан иборатдир. Бу борада нодавлат, нотижорат ташкилотлар ва умумманфаатдорлар гуруҳи ташаббусларига, маҳаллий аҳоли кўмагига таяниш яхши самара бериши табиий.

Гулмира ЮНУСОВА,
Тошкент молия институти талабаси



Қиш завқи

Хурматли инглиз тили мухлислари!

31 августдан эътиборан Ўзтелерадиокомпаниянинг халқаро телеканалида "Инглиз тили курси" намойиш этилаяпти. Ушбу кўрсатув "American Councils", АҚШ элчихонаси ҳамда "UzPAK" билан ҳамкорликда тайёрланган. Дастур 20 та кўрсатувдан иборат бўлиб, унда Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан (Урганч, Бухоро, Фарғона, Тошкент) АҚШда таҳсил олиб келган инглиз тили муаллимлари янги методикани қўллаб, дарс олиб борадилар. Талабалар ролида АҚШда ўқувчилар дастури бўйича ўқиб келган тошкентлик йигит-қизлар иштирок этишган. Курс якунида, 2004 йилнинг 11 январь куни энг фаол талабалар АҚШ элчихонаси томонидан махсус сертификатлар билан тақдирланадилар.

Курс саволлари "Ma'rifat" газетаси ҳамда www.dl.uz интернет сайтида ҳар ҳафта эълон қилиб борилади. Марҳамат, ўн тўртинчи дарс саволларини ёзиб олинг:

1. What does the idiom «none of someone's business» mean?
2. What does the idiom «at all costs» mean?

Жавобларингизни Тошкент 700011, Навоий 69, ТВ-4 «Инглиз тили курси» дастурига ёки uztv-4@uzpak.uz манзилига юборишингиз мумкин.

"БОБУРНОМА" КРОССВОРДИ

ЭНИГА: 1. Миллий ўзбек халқ оғзаки ижоди жанри.
4. Рус шарқшунос олими.
7. Халқум касаллиги.
10. Африкадаги энг узун дарё.
11. Саид Аҳмад романи.
12. Озиқ-овқат масаллиғи.
13. Ўрта Осиёдаги дарё.
14. Грек ҳарфи.
15. Бошоқли донли экин.
17. Кишининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат.
18. Суюлтирилган қоришма.
20. Ўтган воқеаларни эслаш.
24. Тўрт йилда бир келувчи йил номи.
27. Келин, куёв отаси.
30. Энг тез учар қуш.
31. Бобурнинг шоҳ асари.
33. Давлат томонидан хўжаликка берилган имтиёз.
34. Эшик олди.
36. Гулхан.
40. Кичик савдогар.
43. Қитъа.
44. Ерни текис суғориш учун олинган чегара.
47. Алишер Навоий яшаб ижод этган шаҳар.
48. Бир неча киши имзолаган ҳужжат.
49. Товуқсимон парранда.
50. Волганинг ўнг ирмоғи.
51. Мўътабар улуғ зот.
52. Адабий жанр.
53. Ёзнинг иссиқ мавсуми.
54. Босмахона мутахассиси.

БЎЙИГА:
1. Сунъий йўл билан ҳосил қилинадиган кимёвий радиактив модда.
2. Пишиқ ва қалин чарм белбоғ.
3. Туянинг севимли озуқаси.
4. Илм-фанни эгаллаган билимдон киши.
5. Республикамиздаги қадимий, навқирон шаҳар.
6. Ёнар тоғ.
7. Кичик тўй.
8. Лайлаксимон қуш.
9. Гана республикаси пойтахти.
16. Таёқ, ҳасса.
19. Газлама тури.
20. Дунёдаги оммавий аҳвол.
21. Бухоро вилоятидаги туман.
22. Ишончли келишув.
23. Бангидевонадан олинадиган алколоид.
25. Гул.
26. Ҳаракат тури.
28. Бебаҳо бойлик.
29. Дуккакли экин.
32. Кўз гавҳарининг хираланиш касаллиги.
35. Чорва маҳсулоти.
37. Табиий ёқилғи.
38. Француз математиги.
39. Юк ортилган ҳайвонлар тизими.
40. Ёввойи қўй зоти.
41. Ҳосилни йиғиш мавсуми.
42. Ичимлик ичиладиган шоҳсимон қадимий идиш.
44. Ҳидсиз, рангсиз, енгил ёнувчи газ.
45. Сўз туркуми.
46. Мадинада Муҳаммад пайғамбарга ёрдам берганлар.

Тузувчи:
Турсунали ҒАНИЕВ



Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-129.
Тиражи 18064. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир: Аҳмад ОТАБОЕВ.
Навбатчи: Шерзод АҲМАТОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
(М) белгиси остида реклама материаллари берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.